

М. К. САЛИЕВА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ
МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
ИЖТИМОИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ
(IX–XVI асрлар)

Тошкент - 2010

Салиева М.Қ. Марказий Осиё халқлари маданиятининг шаклланишида ижтимоий коммуникацияларнинг ўрни (IX–XVI асрлар).
–Т . : “Фан ва технологиялар”, 2010. 107 бет

Ушбу монографияда илк бор тизимли равишда ўрта асрлардаги Марказий Осиёда ижтимоий коммуникацияларнинг дунё тамаддунига кўрсатган таъсирлари ўрганилган. Шунингдек, коммуникацияларнинг турли даврларга хос шакллари баён этилган. Мазкур монография журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, аспирант тадқиқотчилар ҳамда Ватан ва дунё тарихига, оммавий коммуникацияларга қизиқувчиларга мўлжалланган.

ББК 76.0+63.0 (5)
УДК: 94 (575)

Такризчилар: Х. Ҳамидов – филология фанлари доктори, профессор.
Қ.Т. Ирназаров – тарих фанлари доктори,
Б. Каримов – филология фанлари доктори, профессор.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор Ф.А. Мўминов.

ISBN 978-9943-10-426-6

©. “Фан ва технологиялар”, 2010.

©. Салиева М.Қ.

КИРИШ

Вақт – олий ҳакам. Ахборот асри биз учун қандай давр, у бизни қаергача олиб боради? Америкалик олим Элвин Тоффлер “Учинчи тўлқин” китобида инсоният тамаддунининг уч асосий босқичига қуйидагича таъриф бермоқда: “Ўзгаришларнинг Биринчи тўлқини – қишлоқ хўжалигидаги инқилоб – тугагунигача мингйилликлар керак бўлди. Иккинчи тўлқин – саноат цивилизациясининг юксалиши – бор-йўғи 300 йилни эгаллади. Бугунги кунга келиб тарих янада тезлашиб кетди ва Учинчи тўлқин бир неча ўн йилликлар давомида тарихдан ўтиб кетиши эҳтимоли бор”¹. Балки муаллиф Учинчи тўлқин деганда *ривожланган* ахборот жамияти даврини назарда тутгандир. Шундай бўлиб, мазкур ўн йилликларга ахборотнинг жамиятдаги ролини янгича тушунишини акс эттирадиган дастлабки китоблар чоп этилган муддатни қўшганимизда (Норберт Винер, “Кибернетика”, 1948 й.) ҳам, барибир ривожланган ахборот жамияти даври жами бир асрдан ошмаслиги мумкин. Балки шунинг учун бу давр “ахборот асри” деб номлангандир.

Мазкур китобда IX асрдан XVI асргача бўлган замон ўрганилмоқда. Мингйиллик давомида қўлга киритилган билим бир асрда тўпланган илмдан устун туришига шубҳа бўлмаса керак. Ахборот асри нима билан тугаши, у инсониятни охир-оқибатда нимага олиб бориши ҳали маълум эмас. Аммо ўрта асрларда сайёрамиз қандай юксак натижаларга эришгани ҳаммага аён. Бу давр инсоният тарихига “Мусулмон Ренессанси” номи билан кириб, ўрта асрларда жами одамзот тарихида санокли бўлган буюк юксалишлардан бири юз берди. Бу замон Имом ал-Бухорийдан Алишер Навоийгача атоқли шахсларнинг даври бўлди. Мазкур асрлар ичида Форобий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Бобур каби олимлар ва ёзувчилар, жамият ва давлат арбоблари тарих бешигини тебратган. Маълумки, Мусулмон Ренессанси вакиллари Европа Ренессансининг пайдо бўлиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. XIV–XVI асрларда Европа университетларининг ривож топишига асосий сабаб бўлган табиий ва фалсафий фанларнинг негизида ибн Сино (Авиценна) ва ибн Рушд (Аверроэс)ларнинг илмий концепциялари ётган.

Шарқ халқларининг ўрта асрларда эришган ютуқлари умуман бадий тафаккурнинг барча соҳаларига кучли таъсир кўрсатган: математика ва астрономиядан бошлаб шеърят ва насргача Ғарбий уйғониш даврида ижод қилган машҳур Европа олим ва ёзувчиларининг асарларида Шарқ Қуръони карим ва ҳадисларга, Хоразм, Бухоро ва Самарқандда яшаган фан ва таълим намояндаларига, бу ерда ташкил топган илмий ва адабий муҳит, мазмун ва жанрларга, девону рубоийларга, араб ва форс тилида битилган хатларга мурожаатлар кўпдан-кўп учрайди, жумладан, “алгебра” ва “медицина” сўзларигача.

Ўрта асрлардаги Шарқ маданиятини ўрганиш глобаллашув даврида янада долзарблашмоқда. Ахборий тажовузлар натижасида бугунги кунга келиб,

¹ Тоффлер Э. Третья волна. Инглиз тилидан таржима. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2004. – Б. 32-33.

инсоният ҳаётида ўрнатилган маънавий-ахлоқий меъёрлар аста-секин емирилиб, одамзот постмавжудлик (постсуществование) даврига ўтмоқда. Даниэлл Беллдан кейин “пост” сўзи оммалашиб кетди. Постиндустриал жамият, постмодернизм, постинсоний келажак (постчеловеческое будущее), постзамонавийлик (постсовременность) тушунчалари кенг истеъмолга кирмоқда.

Хуллас, ҳозирги даврнинг мураккаблиги замонавий халқаро ва миллий оммавий ахборот воситалари таъсирида кўп асрлар давомида шаклланган кадриятларнинг аҳамиятига муайян маънода путур етаётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шунинг учун куннинг муҳим вазифаларидан бири – ўрта асрлар тажрибасига яна бир бор мурожаат этиб, минг йиллик синовларидан ўтган ижобий натижа ва маданий бойликларни тўлароқ ўзлаштириш, инсонпарварлик ғояларидан самарали фойдаланишдир. Бу муаммо айнан космополитизм авж олаётган ва у кўпроқ Ғарб манфаатларига хизмат қилаётган мафкура эканлиги туфайли долзарб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳақда шундай ёзади: “Энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлгимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб, янада бойитишимиз, улуғ аجدодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор”².

Журналистиканинг пайдо бўлишидан олдинги даврлар, журналистикага асос солиниши ва дастлабки асрларда унинг ривожланиши тажрибаси юзасидан бир қатор олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Буларнинг сафида биз А. Маршак, Л. Саламон, Г.М. Маклюэн, В.В. Ученова, Г.В. Прутцков³ ва бошқаларни айтишимиз мумкин. Ҳарвард университетининг ходими

А. Маршак ўз мақоласида милoddан аввалги 35.000 – 25.000 йилларда инсон томонидан яратилган образ ва рамзли ёзувлар ўрганилган. Немис олими

Л. Саламоннинг китоби Европа матбуоти тарихига бағишланган, унинг фақат бир жойида жуда қисқа қилиб, 911 йилда Хитойда “Кинг Пао” (“Пойтахт хабарчиси”) деган газета чиққан, деб айтилган. В.В. Учёнованинг тадқиқоти тўрт бобдан иборат бўлиб, уларнинг дастлабки учтаси “Антик маданиятда публицистиканинг шаклланиши”, “Ўрта асрлардаги Ғарбий Европа маданиятида публицистиканинг ривожланиши” ва “Тикланиш даври публицистикасининг бошланиши” деб номланган. Г. Маклюэн ўз китобининг бир қатор бобларида матбуотдан олдинги даврга мурожаат этиб, ўша даврлардаги оғзаки ва визуал коммуникацияларга юқори баҳо берган.

Г.В. Прутцков тузган хрестоматияда хорижий журналистика тарихи бўйича Инжилдан бошлаб, Вацлав Гавелнинг 2007 йил феврал ойида “Право” газетасида эълон қилинган мақоласигача материаллар тўпланган.

Китобнинг объекти ва предмети “Журналистика” мутахассислиги бўйича

² Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – Б. 100.

³ Маршак А. Музлиқ даври инсонининг санъати ва рамзлари // Тарихда коммуникация. Технология, маданият, жамият. Инглиз тилида. Кроулей Д., Хеер П. таҳрири остида. Учинчи нашр. Лондон, 1999. – Б. 5-15; Саламон Л. Всеобщая история прессы. Немис тилидан таржима. М.: 2000; Маклюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. Ингл. тилидан В.Николаев таржимаси. – М.: 2007; Ученова В.В. У истоков публицистики. – М.: 1989; Беспалова А.Г., Корнилов Е.А., Короченский А.П. ва бошқ. История мировой журналистики. Ўқув қўлланма. 3-нашр. – М. – Ростов-на-Дону, 2004; Прутцков Г.В. История зарубежной журналистики. Хрестоматия. Икки жилдда. М.: Аспект Пресс, 2008.

Ўзбекистонда анъанавий тарзда олиб борилаётган илмий тадқиқотлардан бир мунча фарқланади. Журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун замин яратган муҳит ва шахсларни, шарт-шароитларни ўрганмоқдамиз.

Бу даврдаги коммуникация бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган, лекин уларни ҳар бирининг ўз мақсад ва вазифалари бўлган. Илмий изланишнинг айнанлигини таъминлаш учун бошқа манбалардан жуда кам фойдаланилди, гарчи бундай асарларнинг муаллифлари ичида бир қатор дунё танийдиган олимлар бўлса-да (В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс, М.М. Дьяконов, А.П. Қаюмов, Э.В. Ртвеладзе ва бошқ.). Айрим китобларга истисно равишда (“Мусулмон Ренессанси”, “Қадимги ёзма ёдгорликлар”) мурожаат қилишдан мақсад – ушбу асарларда тадқиқ этилган оригинал манбаларни ўрганишга имконият бўлмаган.

Оммавий коммуникацияни ташкил этувчи, ижрочи ва амалга оширувчиларга, жамоавий боғланишларнинг натижаларига алоҳида эътибор берилди. Маълумки, кенг равишда амалга оширилаётган ижтимоий боғланишларсиз ўрта асрларда барпо этилган давлатларнинг нафақат самарали фаолияти, балки пайдо бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Изланишдан мақсад – ушбу жамоавий боғланишлар мажмуасини аниқлаб, уларни тасниф ва тавсифлаб беришдир.

Журналистика соҳасидаги олимларда мазкур объект ва предмет шу мутахассисликка тегишли эканлиги шубҳа уйғотмайди. Масалага айнан шундай ёндашиш табиий эканлигини биз ҳозиргина тилга олган ва бошқа адабиётлардан ҳам кўриш мумкин.

Ўрта асрларда коммуникациянинг шаклланиши жамиятда ахборот айланишини таъмин этувчи тизим даражасига кўтарилганини, мазкур тизим кўплаб атоқли тарихий шахслар, жумладан, аллома мутафаккирларнинг илмий-амалий фаолиятида акс этганини, шунингдек, таъкидлаб ўтилган даврдаги коммуникация кўринишлари муайян маънода ҳозирги тушунчадаги журналистиканинг, жамоатчилик билан алоқаларнинг ибтидоси бўлганини таҳлиллар ёрдамида кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотнинг қатор аниқ вазифаларни ҳал қилишга тўғри келади. Жумладан:

- Ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаган халқларнинг ижтимоий ҳаётида оммавий коммуникациянинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаб олиш;
- Ўша даврларда барпо этилган давлатлар ва жамиятлар самарали фаолиятининг оммавий коммуникацияларга боғлиқлик даражасини билиш;
- Ўрта асрларда жамоавий коммуникацияларни ташкил этган шахс ва ижтимоий гуруҳларни ажратиш ҳамда уларга тавсиф бериш;
- Оммавий коммуникацияларни бевосита амалга оширган одамларнинг хизматларини тавсифлаш;
- Ўша даврларда битилган тарихий бадиий асарларнинг мазмуний ва шаклий сифатларини таснифлаш ва бошқалар.

Илмий изланишни олиб боришда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тарихий-хронологик ва қиёсий-типологик сингари илмий усуллардан

фойдаланилди. Бунда швейцариялик атоқли олим Адам Мецнинг таснифлаш методидан фойдаланилди.

Таъкидлаш зарурки, оммавий коммуникация турларини қатъий тарзда у ёки бу гуруҳга мансублигини аниқлаш қийин, чунки уларнинг аксарияти синкретик характерга эга.

Тадқиқот ишининг сифатида сўз эркинлиги ва оммавий ахборот алмашуви соҳасида халқаро декларация, пакт ва ахдномалар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, журналистик фаолиятга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, буюк мутафаккирлар қолдирган илмий мерос намуналари ташкил этади.

Монографиянинг *назарий* базасини эса соҳанинг назарияси, тарихи ва амалиёти йўналишларида яратилган тадқиқотлар⁴ ташкил этди. Ушбу асарларда журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, унинг назарий категориялари, миллий ва халқаро аренадаги фаолияти, соҳани ўрганишда илмий ёндашувдан фойдаланиш усуллари, оммавий коммуникациялар тизими ва типологияси, муаллифлар маҳорати ва асарлар жанрлари ҳамда бошқа бир қатор муаммолар ўрганилган.

Китобнинг гипотезаси сифатида биз куйидаги фикрни ўртага ташламоқчимиз. Журналистиканинг асосчиси деб дунё фанида немис ҳунарманди Иоганн Гутенберг тан олинган, чунки ундан олдин Хитой ва Кореяда кашф қилинган алоҳида ҳарфлар ёрдамида босма матнларни олиш оммалашмай, тор доирада қолиб кетган. Аммо Гутенбергнинг кашфиёти журналистика ривожланиб кетишига етарли асос эмасди, бунинг учун яна бир қатор омиллар мавжудлиги шарт эди: ривожланган алоқа (почта) тизими, асарларни қисқа ва ихчам, янгиликлар шаклида ёзилиш тажрибаси, нотиклик маҳоратига эга бўлиш, матнларни публицистик руҳ билан бойитиш, уларнинг кўп нусхалигини таъминлаш, нафислик билан безатиш ва бошқалар. Ушбу барча талаблар ўрта асрларда Осиё мамлакатларида битилган асарларда амалга оширилган, аммо булар шу вақтгача бирор-бир манбада тизимли равишда акс эттирилмаган.

Танлаган йўналишимиз бўйича бугунги кунгача жиддий тадқиқот ўтказилганини гувоҳи бўлмадик. Ягона иш “Шарқ мамлакатларида дастлабки ахборот тизимлари” деб номланиб ва Туркия мисолида бажарилиб, 1995 йили ТошДУда Бахтиёр Абдукаримов томонидан диплом иши сифатида ҳимоя қилинган. Г.И. Сергеевнинг монографияси асосан Хитойнинг қадимги даври ҳақида⁵. Юқорида тилга олинган В.В. Ученова ва Г.В. Прутцковлар, гарчи

⁴ Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: 1998; Мўминов Ф., Нурматов А., Солиева М. ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. Иккинчи, тузатилган нашр. – Т.: 2008; Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари типологияси. – Т.: 2000; Худойкулов М. Бадиий публицистика жанрлари. Ўқув қўлланма. – Т.: 2004; Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Ўқув қўлланма. – Т.: 2008; Михайлов С.А. Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы. – СПб., 2002; Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебник. 6-е изд. М.: 2005; Современная журналистика. Учебное пособие. Рук. проекта К.Т. Ирнараров. – Т., 2006; Ҳозирги замон журналистикаси. Ўқув қўлланма. Лойиха раҳбари Қ.Т. Ирнараров. – Т.: 2008; Муминова Ф.И. Международная журналистика: теория и практика. – Т.: 2006; Козыбаев С.К. ва бошқ. Журналистика Казахстана. Энциклопедия. Алматы, 2006; Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи (янгилаштириш ва раванг топиш жараёнлари). – Т.: 2007; Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи (генезис ва эволюция). Икки жилдда. Т.: 2008; Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. Монография. – Т.: 2007; Коханова Л.А. Основы теории журналистики. Учеб. пос. М.: 2009 ва бошқ.

⁵ Сергеев Г.И. От диббо до “Женьмин жибао”, путь длиной в 1200 лет. – М., 1989.

улар Инжилдаги публицистикадан бошлаб, антик даврдан ўтиб, XX асргача етиб келган бўлса-да, ўрта асрлардаги Шарқ ҳақида бир сўз ҳам айтмаганлар. Европада чиққан барча манбаларда ҳам аҳвол худди шундай – минг йилни қамраб олган ўрта асрлар давомида Осиё мамлакатларида оммавий коммуникациялар тизими ва шакллари ҳақида бир сўз айтмаслик изчил равишда такрорлаб келинмоқда.

Мазкур мавзу Ўзбекистонда чоп этилган иккита китобда қисқа шаклда ўз аксини топган. Биринчидан, Ф.Мўминовнинг монографиясида “Ўрта асрларда журналистикагача бўлган кўринишлар” номли фасл бор⁶. Иккинчидан, муаллиф Ф.А. Мўминов билан ҳамкорликда ёзган дарсликнинг учинчи бобида⁷ ҳам ушбу масала қисман ёритилган.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти унинг журналистика назарияси ҳамда тарих фанига киритадиган янги таснифлар, аниқланган фактлар ва улар асосида чиқарилган ғоялар тизими билан белгиланади. Амалий жиҳатдан ушбу материаллар, таҳлил ва хулосалардан дунё ва коммуникация тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар, газета ва журналлар, радио ва телевидение, ахборот агентликлари ва интернет веб-сайтлари, матбуот марказлари ходимлари учун фойдали бўлиши мумкин.

⁶ Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: 1998. – Б. 23-33.

⁷ Мўминов Ф.А., Нурматов А. Н., Солиева М. Қ. ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. 1-нашр. Т.: 2006, 83-104 бетлар; 2-нашр, – Т.: 2008, 82-103 бетлар.

1-боб. ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ХАЛҚЛАР ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲАМДА РИВОЖЛАНИШИДА КОММУНИКАЦИЯНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1. Оммавий коммуникация тушунчаси Г. М. Маклюэн таърифида

Ўрта асрларда Марказий Осиёда ижтимоий ҳаёт ва халқлар турмуш тарзини ўрганишда энг муҳим манба сифатида «коммуникация» тушунчасига таъриф берганда кўпроқ канадалик олим, Торонто университетининг профессори Г. Маклюэн қарашларига таянамиз. Бу мутахассиснинг фикри бошқалардан сезиларли даражада фарқ қилиши сабабли ишимизнинг дастлабки бобини ушбу масалага бағишлашга қарор қилдик.

Герберт Маршалл Маклюэн бугунги кунда оммавий коммуникация соҳасида ер юзидаги энг таниқли ва машҳур олимлардан биридир, аммо унинг оммавий коммуникация моҳиятини тушуниши, баён қилиши ғоят ўзига хос кечди. Дадил услуб, кутилмаган ўхшатишлар ва муболағалар, катъиятлилиқ билан такрорланувчи афоризмлар шунга олиб келдики, замондошлари уни узоқ вақтгача тан олишмади, дейиш жоиз эмас, лекин қабул қилмаганликлари аниқ. Натижада журналистика назариётчилари томонидан Маклюэн асарларига асоссиз равишда танқидлар ёғдирилиши бир неча ўн йилликларга чўзилиб кетди ва таассуфки, мутахассислар томонидан унинг назарияси моҳиятини англаб етишга бўлган уринишлардан устувор бўлиб келди⁸.

Г. Маклюэн Ҳарвард университетида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва кўплаб обрўли мукофотлар ва унвонлар билан тақдирланган. У Канада Қироллик илмий жамиятининг аъзоси (1964), Канада ордени соҳиби (1970). Олимнинг қаламига мансуб бир қатор асарлар орасида «Механик келин», «Гутенберг галактикаси» ва бошқалар кенг жамоатчиликка маълумдир. Унинг шоҳ асари бўлмиш «Медиани англаш» («Understanding media», 1964 й., 2003 ва 2007 йилларда рус тилига таржима қилинган) унга энг катта шуҳрат олиб келди.

Г. Маклюэннинг коммуникациялар табиати ва моҳиятига қарашлари анча кенг ва ранг-барангдир. Бугунги кунда уларнинг ҳаммасини ҳам бирдек деб бўлмайди. Мазкур бобда Маклюэн бизнинг назаримизда, бир марталик, таваккалчасига билдирган фикрларини четлаб ўтиб, коммуникацияларга оид таъриф-тавсифларидан энг аниқ манбалар асосида ва оммавий коммуникация тушунчасини аниқроқ тушуниш мақсадида олимнинг етакчи асари бўлган «Медиани англаш» тадқиқот иши мисол сифатида олинди.

Энг аввало, асарнинг сарлавҳасига эътиборни қаратайлик. Унинг тўлиқ номи «Медиани тушуниш: инсоннинг сиртга кенгайиши» («Понимание медиа: внешние расширения человека - Understanding media: the extensions of man»). «Бу китобнинг бошидан охиригача ўтадиган мавзу шундан иборатки, — дея фикр юритади муаллиф, — барча технологияларнинг моҳияти бизнинг куч-ғайратимизни жўштиришга ва тезликни жадаллаштиришга йўналтирилган жисмоний ва асаб

⁸ Қаранг., Землянова Л. М. Современная американская коммуникативистика: теоретические концепции, проблемы, прогнозы. — М.: МДУ нашриёти, 1995. — Б. 16-26, 29, 39, 49-50.

тизимларимизни кенгайтириш ҳисобланади»⁹. Коммуникацияларнинг барча турлари инсоннинг ташқарига кенгайишидан бошқа нарса эмас, деган ғоя бутун китоб давомида кўп марталаб такрорланади. Масалан, олим «коммуникациянинг турли воситалари туфайли бизнинг ҳис-туйғуларимиз сиртга томон кенгайди»¹⁰, «коммуникация воситаларининг айрим умумий жиҳатларига ёки инсоннинг кенгайишига назар ташлаш лозим...»¹¹, дея фикр юритади. Муаллифнинг наздида, бунга сабаб оммавий коммуникацияларнинг асосий вазифаси ахборотни сақлаш ва тезлаштиришдан иборат эканлигидир¹².

Г.Маклюэн «коммуникация» сўзига қандай аҳамият берганлигига эътиборни қаратиш мантиқан тўғри бўлади. Олим шундай ёзади: «Коммуникация» атамасини, у электр асрида «ахборот ҳаракати»ни англата бошлаганига қадар, кенг маънода йўллар, кўприklar, денгиз йўллари, дарёлар ва каналлар билан боғлиқ равишда ишлатишарди. Электр асри характери аниқлашда дастлаб юк ташишга нисбатан коммуникация тасаввури қандай шаклланганлигини, сўнгра эса – бу тасаввурда юкларни ташиш қандай қилиб электр ёрдамида ахборотни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга ўз ўрнини бўшатиб берганлигини ўрганишдан кўра яхшироқ усул бўлмаса керак. Юнонча *мета* ва *ферейн* сўзларидан ташкил топган «метафора» сўзи ниманидир «бирор нарса орқали (воситасида)» ёки «бир жойдан бошқа жойга олиб ўтиш» маъносини билдиради. Ушбу китобда биз учун метафора маъносидаги, айирбошлаш мазмунидаги юк ва ахборот ташишнинг барча турлари қизиқарлидир. Транспортнинг ҳар қайси тури юк жўнатувчини, юк қабул қилиб олувчини ва хабарларни ташиб берибгина қолмасдан, уларни бир маскандан иккинчи масканга ўтказувчи ва бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўзгартирувчи вазифасини ҳам бажаради. Ҳар қандай коммуникациядан фойдаланиш ёки инсоннинг кенгайиши, бизнинг ҳиссий органларимиз орасидаги мутаносибликни ўзгартирибгина қолмасдан, одамлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик шакллари ҳам ўзгартириб юборади»¹³.

Энди, Маклюэн фикрича, коммуникация воситаларини тушуниб етишда асосий роль ўйновчи жиҳат ҳақида, «Одамлар матбуотда биринчи навбатда эътибор қаратадиган хабар – бу уларга аллақачон маълум бўлган нарса ҳақидаги хабардир, - деб ёзади у. – Биз бирор воқеага: бейсбол ўйини, фонд биржасининг барбод бўлиши ёки қор бўронигами, гувоҳ бўлган эканмиз, энг аввало, ана шу воқеа ҳақидаги хабарга мурожаат қиламиз. Хўш, нима сабабдан шундай? Бу саволнинг жавоби коммуникация воситаларини тушунишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Нега бола чалкаш-чулкаш бўлса ҳам, тинмасдан кунини қандай ўтказгани ҳақида валдирашни ёқтиради? Нима учун биз маълум воқеалар ва персонажлар ҳақидаги романлар ва кинофильмларни маъқул кўрамиз? Чунки ўз тажрибасини янгича моддий шаклда кўриш онгли мавжудот учун ҳаётдаги олий бахтдир. Янги коммуникация воситасига кўчирилган тажриба илгари бошдан кечирилган туйғуларнинг том маънода фусункор тарзда қайтарилишини ато этади.

⁹ Маклюэн Г. М. Понимание медиа: внешние расширения человека. Инглиз тилидан В. Николаев таржимаси. 2-чиқарилиши. – М.: «Гиперборея», «Кучково поле», 2007. – Б. 101.

¹⁰ Ўша жойда. – Б. 5.

¹¹ Ўша жойда. – Б. 8.

¹² Ўша жойда. – Б. 179.

¹³ Маклюэн Г. М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – Б. 101.

Матбуот ўз ақлимиз қодир бўлган ишдан ҳаяжонланишни такрорлайди, ўз ақлимизни ишлатиш орқали эса биз ташқи дунёни ўз турмушимиз заминига кўчира оламиз. Одамлар нима учун мутлақо табиий равишда ҳар доим ўз ҳис-туйғуларидан фойдаланишни хоҳлашлари айнан шу кўчирилишдан ҳосил бўлган ҳаяжон воситасида англашилади. Коммуникация деб атаётганимиз ҳиссиётлар ва хусусиятларнинг ўша ташқарига кенгайишларидан биз худди кўзларимиз ва қулоқларимиз мисоли доимий равишда, бунинг устига айнаи ўша сабабларга кўра фойдаланамиз. Бошқа томондан, китобий асосда яшовчи одам коммуникация воситаларидан бундай узлуксиз равишда фойдаланиб туришни ахлоқсизлик деб билади: китоблар дунёсида у бундайини кўрмаган»¹⁴.

Г.Маклюэн назариясининг муҳим тезисларидан бири унинг «восита хабар демақдир» ҳикматида ўз ифодасини топган. Бу фикр ошкор этилиши биланок шиддатли танқидларга нишон бўлди. Бироқ яна олимнинг бошқа ғоялари тарихи такрорланди – шовқин-сурон аста-секин босилиб, бугунги кунда ўша фикр барча томонидан тан олинган қоидага айланиб қолди. Аниқроқ айтганда, ундан англанадиган маъно шуки, хабарнинг мазмуни деган нарсa етакчи меъёр эмас – ҳар қандай оммавий ахборотнинг моҳияти уни узатувчи канал характери билан белгиланади. Бошқа сўзлар билан ифодаладиган бўлсак, газета, радио ёки телевидение орқали берилган айнаи бир хил хабар аудиторияга турлича таъсир кўрсатади ва унинг мазмунини ахборот каналининг хусусияти – босма матн (газета), оғзаки эшитиб (радио), аудиовизуал – эшитиб ҳам кўриб (телевидение) ёки бир йўла уларнинг ҳаммаси (интернет) ёрдамида идрок қилиш тақозо этади.

Маклюэннинг ўзи бу хусусда шундай дейди: «...Операционал ҳамда амалий нуқтаи назардан қараганда, коммуникация воситасининг ўзи хабар бериш эканлиги эслатилганида, одамлар ўзига хос кичик бир шок туйғусини ҳис қилишади. Бу ҳар қандай коммуникация воситасининг, яъни сиртга томон ҳар қандай кенгайишимизнинг шахс даражасидаги ва ижтимоий оқибатлари ҳар қайси ана шундай кенгайиш ёки янги технология бизнинг ишларимизга олиб кирадиган янги қўламлардан келиб чиқишини билдиради, холос»¹⁵. Бошқа бир ўринда у ёзади: «Коммуникация воситаларининг эгалари ҳамиша оммага у хоҳлаган нарсани беришга ҳаракат қилишади, зеро улар ўз таъсирларини хабар қилишга ёки дастурга эмас, балки айнан коммуникация воситасига асосланишини ҳис қилишади»¹⁶.

Олимнинг оммавий ахборот воситаси шунчаки инсон ҳиссиётларининг кенгайиши бўлиб қолмасдан, унинг жамоат томон, оммавийлик томон кенгайиши, яъни ушбу кенгайиш айнан оммавий коммуникация эканлиги ҳақидаги фикри принципиал характерга эга. Муаллиф ёзади: «Барча коммуникация воситалари бизнинг ўзимиздан оммавий дунё томон кенгайган парчалар эканлиги боис ҳар қандай коммуникация воситаси бизга кўрсатадиган таъсир ҳис-туйғуларни янгича ўзаро муносабатларда ўйинга киришишга мажбурлаш майлига эга бўлади»¹⁷.

Г.Маклюэн инсоннинг кўпгина ихтиролари моҳият эътибори билан янгилик

¹⁴ Маклюэн Г. М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – Б. 239.

¹⁵ Маклюэн Г. М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – Б. 9.

¹⁶ Маклюэн Г. М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – Б. 246.

¹⁷ Ўша жойда. – Б. 303.

бўлмасдан, унинг илгариги ютуқларининг давоми, лекин энди бошқача даражадаги давоми эканлиги тўғрисида бот-бот ёзади. Гарчи улар бунда, табиий равишда, инсонларни қуршаб турган шароитни ўзгартириши, яхшилаши мумкин бўлса ҳам. Масалан, ҳар қандай коммуникация воситаси ёки технологиянинг ««хабари» одамларнинг ишларига олиб кирадиган кўлам, тезлик ёки шаклий ўзгаришдан иборат. Темир йўл кишилиқ жамиятига ҳаракат ҳам, транспорт ҳам, ғилдирак ҳам, йўллар ҳам олиб келмади, лекин у илгариги инсоний вазифаларни жадаллаштирди ва улар кўламини йириклаштириб, шаҳарларнинг мутлақо янги типларини ва меҳнатнинг ҳамда бўш вақтни банд қилишнинг янгича турларини яратди»¹⁸.

Коммуникация воситаларининг муаллиф томонидан келтирилган рўйхати асарнинг энг қизиқарли ва айтини бир пайтда китобхонлар томонидан қабул қилиниши қийин бўлган нуқталардир. У байроқчалар ёрдамида хабар қилиш (флажковый телеграф)¹⁹, пул²⁰, тош²¹, йўллар²², кийим-кечак, яъни либос²³, соат²⁴, автомобиль²⁵, ўйинлар²⁶, архитектура иншоотлари²⁷ кабиларни шундай воситалар жумласида санайди. Ушбу рўйхатдаги шубҳа уйғотадиган ва демакки, бевосита шарҳ беришни талаб қиладиган айрим номлар хусусида тўхталиб ўтамиз. Назаримизда, бундай воситалар сирасига пул, йўллар, либос, ўйинлар ва архитектура иншоотларини киритиш мумкин.

Улардан биринчиси тўғрисида Г.Маклюэн шундай ёзади: «Пул айнан ҳиссий ҳаётимизнинг *кенгайиши* бўлганлиги боис ҳам халқларнинг ҳиссий ҳаётини қайта ташкил қилди» ёки «бошқа ҳар қандай коммуникация воситаси сингари пул – бу асосий маҳсулот, табиий ресурсдир»²⁸.

Фикримизча, йўлларни ҳам оммавий коммуникация сифатида қабул қилиш қийин. Бироқ муаллиф худди шундай эканлигига шубҳа қилмайди. У ёзади: «Агар биз йўллар ва босма сўз сингари илгариги коммуникация воситаларимизни тушуниб етганимизда ва уларнинг инсон учун оқибатларини етарлича юксак баҳолаганимизда эди, электр омили ролини камайтира билган ёки ҳатто уни ҳаётимиздан бутунлай ўчириб ташлай олган бўлардик»²⁹. Бироқ инсон томонидан йўлларнинг етарли даражада юксак кадрланиши қандай қилиб электр омилидан воз кечишга олиб келиши мумкинлигини тушуниш қийин, албатта. Муаллиф бошқа бир қизиқарли фактни мисол қилиб келтиради, унга кўра, Англияда йўлларни авайлаб сақлаш ишига газеталар³⁰, яъни бошқа коммуникация воситаси ҳақ тўлаб турган экан.

Кийим-кечак коммуникация шаклларида бири бўлиб келганлиги ўрта

¹⁸ Ўша жойда. – Б. 10.

¹⁹ Ўша жойда. – Б. 16.

²⁰ Ўша жойда. – Б. 23, 72, 150.

²¹ Ўша жойда. – Б. 28.

²² Ўша жойда. – Б. 101.

²³ Ўша жойда. – Б. 136.

²⁴ Ўша жойда. – Б. 175.

²⁵ Ўша жойда. – Б. 252.

²⁶ Ўша жойда. – Б. 272.

²⁷ Ўша жойда. – Б. 211.

²⁸ Ўша жойда. – Б. 23.

²⁹ Ўша жойда. – Б. 105.

³⁰ Ўша жойда. – Б. 116.

асрлардаги қўлёзмаларда ҳам жуда кўп учрайди. Масалан, подшоҳлар ва лашкарбошилар махфий топшириқларни етказишда хат-хабар элтувчилар хизматидан кўп фойдаланганлар, хабарни қабул қилиб олувчида уни етказган одам алдамаётганлигига ишонтириш учун эса чопар орқали фақат жўнатувчида бўлган ва буни олувчи томон яхши билган бирор буюм (мухр, ҳамён, либоснинг бир парчаси) ҳам бериб юборилган. Маклюэн ҳатто кийим-кечакни «сиёсий тўнтаришнинг новербал (овозсиз) манифести»³¹ деб атайди. Маълумки, Муқанна тарафдорлари исён пайтида оқ либосда, Хитойда юз берган кўзғолонлардан бирининг иштирокчилари эса қизил дурра боғлаб олган. Ўрта асрларда Францияда фақат машҳур кишиларгагина қизил кийим кийишга ижозат берилган.

Шунингдек, ўйинлар оммавий коммуникация эканлигини Герберт Маклюэн кўп бора қайд этган. Бу ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан бирининг якунида у шундай ёзади: «Эндиликда равшан бўлиши керакки, ўйинлар – бизнинг мен, фақат хусусий эмас, балки ижтимоий мен кенгайишидир ва улар моҳиятан коммуникация воситасини ташкил қилади. Ва агар охир-оқибатда, биз: «Ўйинлар оммавий коммуникация воситаси ҳисобланадими?», – деб савол қўядиган бўлсак, «Ҳа, ҳисобланади», – деган жавобни беришимиз керак. Ўйинлар – бу кўплаб кишилар ўз корпоратив ҳаётларининг бирор тадбирида бир вақтнинг ўзида иштирок этишини таъминлаш учун ўйлаб топилган вазиятлардир»³².

Бугунги кунда Герберт Маклюэннинг оммавий коммуникация нима эканлигига доир нуқтаи назарини қабул қилишимиз қийин кечаётган экан, бунинг сабаби фақат ушбу тушунчага мутахассислар томонидан ва луғатларда берилган анъанавий талқинларга кўникиб қолганлигимиздир. Ҳақиқатан ҳам, олдиндан салбий муносабатга чоғланмасдан, бевосита ёндашадиган бўлсак, масалан, дорихонанинг Интернет тизимида жойлаштирилган эълонини олиб қарайдиган бўлсак, бу оммавий коммуникация имконияти (воситаси, канали) бўлиб, уни кўплаб кишилар ўқишлари ва унинг ёрдамида алоқа боғлашларини (сайт билан боғланишлари, телефон орқали кўнғироқ қилишлари ёки дорихонага боришларини) мўлжаллаб берилган билдиришнома эканлигини тан олишимизга тўғри келади.

Бизнинг тадқиқотимиз концепцияси учун Герберт Маклюэннинг архитектура иншоотлари коммуникация воситалари ҳисобланиши тўғрисидаги фикри принципно аҳамиятга эга. Бунинг устига, таниқли олимнинг қуйидаги тасдиғи, эътиқодий фарқни истисно қилганда, ўрта асрлар Шарқидаги мамлакатларга ҳам жуда мос келади: «Меъморий ва маъмурий муассасалар бизнинг жисмоний жисмларимизнинг кенгайиши ўлароқ, бутун дунёда ўхшашликка мойилдир. Улуғ ибодатхона ва подшоҳ саройини ўз ичига олган кўрғон шаҳарнинг марказий асаб тизими сифатида ҳокимият ва обрў-эътибор рамзи ҳисобланмиш параметрларига ва тасвир шаклларига эга бўлган»³³.

Маклюэнни ахборот асри оммавий коммуникациялари назариясининг асосчиларидан бири деб атасак, хато қилмасак керак. Йигирма биринчи асрнинг биринчи ўн йиллиги поёнига етаётган бугунги кунда бундай назариялар кўплаб

³¹ Ўша жойда. – Б. 136.

³² Маклюэн Г. М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – Б. 279

³³ Маклюэн Г. М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – Б. 211.

топилади ва уларни англаб етиш, аслида, унчалик қийин ҳам эмас, лекин телевидение эндигина пайдо бўлиб, Интернет ҳақида эса ҳали ҳеч ким билмаган йигирманчи аср олтмишинчи йилларининг биринчи ярмида бундай кузатувларни амалга ошириш анча мушкул эди. Шунга қарамасдан, Г.Маклюэн бу вазифани аъло даражада уддаладики, буни таҳлил этаётганимизни китобнинг кўп ўринлари исботлаб турибди. Масалан, у ёзади: «Электромагнит технологияси инсондан тўлиқ тобеликни ва осойишта кузатувчанликни талаб қилади. Бу энди ўз миясини калла суягидан ташқарида, нервларни эса тери қатлампидан сиртда ташийдиган организмга устунликлар бағишлайди. Инсон илгари ўзининг балиқчилик қайиғига, ўз каноэ қайиғига, ўз босмахонасига (ўз минораси, масжиди ва мадрасасига – М.С.) қандай хизмат қилган бўлса, ўз электр технологиясига ҳам худди шундай ҳаддан ташқари механик садоқат билан хизмат қилиши керак. Бироқ битта фарқ бор, у шундан иборатки, илгариги технологиялар жузъий ва айрим бўлақлардан иборат бўлгани ҳолда, электр технология – оммавий ва мажмуавий (инклюзив) дир»³⁴.

Китобда оммавий ахборот воситалари ўзаро мустаҳкам алоқада мавжуд бўлиши мумкинлиги ва улар ўзаро мавжудликни бевосита равишда тақозо қилишлари тўғрисидаги ғояни қайта-қайта учратамиз. Папирус қоғози ва алифбонинг яратилиши йўл қурилишига қандай таъсир кўрсатганлигига оид биргина мисолни келтириб ўтайлик. Г.Маклюэн бу ҳақида шундай ёзади: «Папирус ва алифбодан фойдаланиш тез ҳаракатланишга мўлжалланган қаттиқ қопламали йўллар қурилишига туртки бергунига қадар девор билан ўраб олинган шаҳар ва шаҳар-давлат табиий тарзда яшашга тўлиқ қодир эди»³⁵.

Ниҳоят, яна бир муҳим фикр: Г. Маклюэн коммуникация, одатда, унинг ташаббускори томонидан кимгадир ўз таъсирини кучайтириш мақсадида амалга оширилади, ёки бошқача айтганда, коммуникация уни руёбга чиқарувчи бўлган томон ҳокимиятини кенгайтиришни англатади, деб ҳисоблайди. У ёзади: «Баданимиз ҳолати ва ҳаракатларимизни сиртга чиқариш орқали янги материаллар томон кенгайтириш доимий равишда ўз ҳокимиятимиз ва қудратимизни оширишга бўлган интилишимиздан келиб чиқади»³⁶. Буюк олим ҳақ эканлигини шунда кўрамизки, бугунги глобаллашув шароитида АҚШ ва унинг иттифокчилари турли мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ёшлари онгига ҳар доим ҳам ижобий таъсир кўрсатавермайдиган оммавий маданият тимсолларини бутун дунё бўйлаб ёйиб келмоқдалар.

Фасл якунида Герберт Маршалл Маклюэннинг ушбу таҳлил этилаётган китобида баён этилган оммавий коммуникация моҳиятига доир ғоясини «коммуникация инсон ҳис-туйғуларининг давом этишидир» деган қисқа жумла билан ифодалаш мумкин. Биз тадқиқотимиз давомида «коммуникация» сўзини айнан шу маънода ишлатамиз.

³⁴ Ўша жойда. – Б. . 69.

³⁵ Ўша жойда. – Б. . 102.

³⁶ Маклюэн Г. М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – Б.205.

2. Маданий коммуникация

Ўрта асрларда Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида ижтимоий ривожланиш кучли бўлганки, натижада, одамларда маълумотларни етказиш воситаларига бўлган эҳтиёж ортган. Бугунги кунда биз бу ҳолни ўша даврлардаги оммавий маданий коммуникацияларнинг юксалиши деб баҳолашга ҳақлимиз.

Абу Наср Форобий кўрсатганидек, маданият одамзот ҳаётида муҳим ўринга эга эканини Афлотун шундай таърифлайди: «Афлотун ниҳоятда фойдали бўлган бир фикрни тушунтиришга интилади, бу – адолатнинг гўзаллигидир»³⁷. Ўша даврда алоқа воситаларининг аҳамияти нечоғли муҳим бўлганлиги давлат ва жамиятни бошқаришда ёзма ҳамда оғзаки алоқа турлари оммавий тарзда амалга оширилганлиги билан ойдинлашади.

Мазкур бўлимда маданий коммуникациянинг аҳамияти ва унинг хусусиятларини ўрганиш, ҳамда ўрта асрларда Марказий Осиё ҳудудида коммуникациялар қандай бўлганлиги ҳақида сўз юритилади.

Маданият инсоният тарихи давомида яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуаси бўлиб, тараққиётнинг муайян босқичи сифатида талаблар доирасида ҳар бир даврнинг ижтимоий манфаати ва эҳтиёжига қараб ривожланади ҳамда кенг ва тор маънони англатади. Кенг маънодаги маданият бу – тамаддун, яъни цивилизация тушунчасига тенг. Тор маънодаги маданият эса аниқ бир босқич, мамлакат, миллат ҳолатини англатади. Бунга илмий, таълимий, адабий, маъмурий, ҳуқуқий ва бошқа йўналишлар киради. Аслида маданият атамаси арабча «шаҳарлик» деган маънони англатади.

Тадқиқотимиз нуктаи назаридан биз маданиятни маънавий ва моддий оммавий коммуникация турларига бўламиз. Маънавий жиҳатдан коммуникация ўз белги ва рамзлари тизими орқали жамият аъзолари орасида ахборот етказилиши ва алмашувининг сўздаги ифодаси саналади. Моддий маданий коммуникация тушунчаси кенг бўлиб, унга меҳнат қуролилари, шаҳарлар, бинолар, миноралар, йўллар, хуллас, сунъий шароитда яратилган қурилишларнинг барчасини киритиш мумкин.

Ўрта асрлардаги оммавий коммуникация объектлари бизгача кўпроқ моддий, яъни мадраса, масжид, миноралар ва шу каби шаклларда етиб келган. Бундай объектлар, биринчидан, ўша даврлардаги маданиятнинг ҳосиласи бўлса, иккинчидан, кейинги авлодларни тарбиялаш учун таъсирчан восита сифатида хизмат қилган. Бу гап нафақат ўзбекистонликлар, балки бизнинг ёдгорликларимиз билан танишишга келган барча мамлакат ва халқлар вакилларига тегишли ҳам. Фикримизни исботлайдиган мисоллар ўрта асрларда фаолият юритган кўпгина муаллифлар ва, шунингдек, бугунги кундаги олимларнинг асарларида ҳам учраб туради. Масалан, Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида бу ҳақда: «Ниҳоят, соҳиби қонун, тавоф қилинадиган ерлар, ибодатхоналарга катта эътибор бериши керак, токи улар нураб, бузилиб кетмасин, уларнинг ёмон аҳволга

³⁷ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Халқ мероси», 1993. – Б. 49-50.

келиши, шаҳар аҳолисининг юракларини ҳамда шаҳар ишларига мутасадди одамларнинг қалбларининг бузилиши, қабихлашишига олиб келади»³⁸, дея таъкидлайди.

Бинобарин, кишилар онги, руҳиятига таъсир қилувчи кўпгина моддий коммуникация объектларининг хароб аҳволи салбий маънавий оқибатларга олиб бориши мумкин. Шу ўринда алломанинг яна бир сўзларини келтириш жоиздир: «Шу катори одамларга зарур бўлган асбоб-ускуна билан таъминлаш, қадамжолар, ибодатхоналар, кошоналар, уруш ҳақида, сўнгра, шартномалар тузиш, чегаралар, динларга мансублик ва динлар ҳақида ёзади»³⁹. Салбий қиёс сифатида биз собиқ совет давридаги Самарқанд, Бухоро ва Хива маданий ёдгорликларининг ёмон аҳволини келтиришимиз мумкин.

Оммавий коммуникация жараёнида ҳар бир инсоннинг баҳайбат биноларни кўриши, тасаввур қилиши натижасида унинг ички дунёси бойиб бориши табиий. Чиндан ҳам бундай оммавий коммуникация орқали ўзлаштирилган маданият кишиларнинг ҳис-туйғулари, фикр ва ғояларининг ривожланишига олиб келадиган кучдир.

Маданиятнинг моддий коммуникация шакллари дейилганда, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, асосан, шаҳарлар, мадрасалар, девор безаклари, боғлар, йўллар, работлар ва инсон кўли билан бунёд этилган бошқа қурилишлар назарда тутилади. Чунки қадимда яратилган бинолар, сарой ва кўшклар маҳобати, мақбара кошинларидаги нақшлар, қалъа дарвозаларининг гўзаллиги, йўллар равонлиги халқ маданиятнинг буюклигини намоиш этади. Бундай қурилмаларга бекордан-бекорга «тошдан яратилган йилнома» деб ном берилмаган.

Бинолар ҳам боғланиш тимсоли, яъни маданий коммуникациянинг кўриниши бўлган. Маълумки, ҳаж сафарига чиққан одамлар узоқ вақт йўл юриб, Маккага яқинлашганларида шаҳарнинг баланд минораларини олисдан кўриб, чарчоқлари унутилган ва уларда маънавий завқланиш, севинч пайдо бўлган.

Ушбу ёндашувдан келиб чиқсак, минораларнинг кўриниши оммавий коммуникация жараёнини амалга ошириш бўлиб қолади. Масалан, Бухоро миноралари 15-20 км масофадан кўринади. Бу эса ўрта асрларда кўпдан-кўп йўловчиларнинг мазкур шаҳарга етиб келганини англатарди ва уларнинг руҳиятини тетиклаштиради. Маёқ (машъала) нурларини узоқдан кўришни ҳам оммавий коммуникация жараёнини амалга ошириш деб ҳисобласак, хато қилмаган бўламиз.

Мадрасаларнинг ўзи ва улардаги безаклар маълум бир маъноларни касб этади. Улар ўз кўриниши билан қайси асрда, кимлар ва қайси динга мансуб одамлар томонидан қурилгани ҳақида ахборот бериши табиийдир. Шундай қилиб, одамлар масжид ёки мадрасаларга кириб ўзаро мулоқотдан ташқари, бино ва безакларни кўриб, кўп ахборотга эга бўлганлар.

³⁸ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Халқ мероси», 1993. – Б. 47.

³⁹ Ўша жойда. – Б. 48.

Демак, айтишимиз мумкинки, маҳобатли бинолар, иморатлар маданий-моддий коммуникация сирасига киради. Манбанинг асл моҳиятини очиш мақсадида биз турли даврлардаги тарихий оригинал асарлардан фойдаланишга интильганимиз сари мозий сирлари кўз ўнгимизда жонлана бошлайди. Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарида баён этишича, «...улуғлик вилоятининг Қайдофаси амирзода Амироншоҳ баҳодирнинг қизи Беги Султон номига олий бир кўшк, улуғворлик асосига қурилган бир айвон бино қилдилар»⁴⁰. Бу улуғвор кўшк, авваламбор, аёл номи билан боғлиқлиги учун ҳам нафис қурилган бино қиёфасида инсон кўз ўнгида намоён бўлади. Бу эса ўрта асрлардаги мозий сирларини бугунги кун билан боғлайди.

«Бобурнома»да шундай иборалар бор: «Қорвонсаро ва ҳаммомларнинг мараммати, яна аркта устод Ҳасан Али қилғон пишиқ хишт била нимқора иморатнинг итмоми; бу иморатни устод Султон Муҳаммад била машварат қилиб, муносиб тарҳ била буйрулсун»⁴¹.

Маълумки, Амир Темур давлат раҳбари сифатида шаҳар ва қишлоқлар гўзаллигига, йўллар ётқизилиши, боғлар яратилиши, бозорлар ишлаб туришига кўп эътибор берган. «Темур тузуклари» асарида таъкидланишича, «ҳароб бўлиб ётган ерларда қоризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар қурсинлар. Йўлларга қузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни қузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин»⁴².

Ўрта асрларда қобилиятли давлат раҳбарлари, диний пешволар, ҳарбий саркарда ва бошқалар жамоатчилик фикри, кенг омма ўзини қандай сезишининг аҳамияти нақадар муҳим эканлигини яхши тушунган ва унга эътибор бериб келган. Бундай вазифаларни бажаришда маданий моддий коммуникациянинг яққол кўзга ташланадиган воситалари муҳим роль ўйнаган, халқда тегишли қайфият уйғотган, ўз шаҳри, қишлоғи, мадрасаси, масжиди, минораси билан фахрланишига олиб келган.

Энди маданий коммуникациянинг маънавий турларига ўтамыз. Ўзбекистон фанида кўпроқ қабул қилинган меъёрларга мувофиқ, биз ўз таҳлилимызни илм ва таълимдан бошлашимиз мумкин эди, аммо бундай ёндашув ўрта асрларда мавжуд бўлган реал ижтимоий муҳит, ҳақиқий вазиятга унча ҳам тўғри келмас эди. Чунки ўша даврларда маданият, илм, таълим ва бошқа соҳалар энг аввало, диний шаклда ривожланаётган эди. Масалан, Бухоро амири Тоғшоданинг Ислом динини 690 йилдан кейин қабул қилиши⁴³ ушбу ҳудудда маданият гуркираб ривожланишига сабаб бўлди.

Тадқиқотимиз учун танланган даврда Бухоро ислом дунёсида машҳур «Қуббат ул-Ислом» унвонига сазовор бўлган. Ушбу факт дунё миқёсида тан олинган илмий-тарихий манбаларда ўз ифодасини топган. Масалан, «Бухоро тарихи»да ёзилишича: «Мархум Хожа имом Абу Ҳафс Қабир Бухорий ўша

⁴⁰ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 220-221.

⁴¹ Бобур, Захриддин Мухаммад. Бобурнома. – Т.: «Юлдузча», 1996. – Б. 329.

⁴² Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ.Ғулом», 1996. – Б. 124.

⁴³ Қаралсин: Наршахий, Абу Бақр. Бухоро тарихи. – Т.: «Қамалак», 1991. – Б. 93.

маҳаллада турар эди; у киши Бухородан Бағдодга бориб, марҳум Имом Муҳаммад Хусайн Шайбонийга шогирд бўлган»⁴⁴. Ўша даврда Бухорода унинг даражасига тенг келадиган илмли киши топилмаган. У Бухоронинг мутааххирлари жумласидан бўлиб, ҳам зоҳид, ҳам олим эди. Ўрта асрларда битилган китобларда ёзилишича, бу ерда маданиятнинг кенг тарқалиши, маҳаллий имомлар ва уламоларнинг эса дунёга танилиши у кишининг номи билан ҳам боғлиқ.

Яна бир мисол. «Бухоро тарихи»да баён қилинишича, Хожа Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг «ўғли Абу Абдуллоҳнинг илми шу даражада эдики»⁴⁵, ундан маслаҳат сўраб турганлар. Бу эса отанинг ўз фарзандларига эътиборли бўлганлиги, уларни ҳам маърифатли кишилар сифатида тарбияланганининг далолатидир, яъни, бу сулолавий маданий меросликнинг кўрсаткичидир.

Диний шаклдаги маданий ривожланишга биз тўғри баҳо беришимиз зарур. Ўрта асрларда Европада христиан дини ҳам кескин ривожланди, аммо унинг бутун кучи эркин фикрлашни бўғишга сарфланди. Натижада ўрта асрлар Европа учун қоронғулик даври деб ном олди («период тёмного средневековья»). Ислом дунёси учун бу вақт швейцариялик олим Адам Мец таъбири билан айтганда, «Мусулмон Ренессанси» даври бўлди. Чунки ислом дини маърифатга ундовчи, бағри кенг дин эди. Масалан, Бағдод халифаларининг кўп вазирлари христиан динига мансуб эдилар ва хизмат даврида динларни ўзгартирмадилар. Адам Мец яна бир мисол келтиради, лекин бу мисол «Бухоро тарихи»дан олинганлиги сабабли биз оригиналга мурожаат этамиз. Асарда ёзилишича: «Ҳожилар карвони Ҳаждан қайтиб келаётганида уларнинг уламолари Хожа имом Абу Ҳафс олдида келиб ундан масала сўраб эдилар. Шунда Абу Ҳафс «Ўзинг-ку Ироқдан келяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг!», – деб сўраб, у олим эса; «Бу масалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдим, улар жавоб бера олмадилар ва менга Бухорога борганингда бу масалани Хожа имом Абу Ҳафс Бухорийдан ёки унинг фарзандларидан сўра!» – дедилар, деб жавоб берар эди»⁴⁶, деб айтилган. Ушбу ва бошқа манбалардан ўрта асрларда Марказий Осиё, жумладан, Бухорода диний ва илмий қарашлар, маданиятга интилиш кенг ривож топганлигини кўриш мумкин.

Ўша даврларда темир босма шакл бўлмаганлиги, қўлёзмалар эса кам эканлиги сабабли, халқлар маданиятининг негизини асосан оғзаки ижод намуналари ташкил этган эди. Бу ҳақда Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қуйидаги сўзлар бор: «Асарни ёзишга бошлаб айтаманки, мендан сўралган нарсага етказувчи воситаларнинг энг муҳими – қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билишдир, чунки буларнинг кўпчилиги у миллатлар авлодидан ва уларнинг расму-русум ва қоидаларидан иборатдир»⁴⁷.

⁴⁴ Ўша жойда. – Б. 130.

⁴⁵ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 130.

⁴⁶ Ўша жойда. – Б. 130.

⁴⁷ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1968. – Б. 40.

Табиийки, ўша вақтларда оғзаки коммуникация ёзмага нисбатан анча кенг ривожланган эди, аммо улар ҳақидаги маълумотлар бизга фақат ёзма манбалар орқали етиб келган. Беруний, Форобий, ибн Сино ва бошқа олимлар асарларида халқнинг кўп асрлик оғзаки илмий ва адабий анъаналар тизими, образлари ва ғоялари ўз аксини топган. Натижада ушбу китоблар кўп авлодларни гуманизм, бағрикенглик руҳида тарбияланган, маданиятли одамлар бўлишига ундаган. Мазкур асарларнинг тарбиявий аҳамияти бугун республикамизда яшаётган ёшлар, бутун аҳоли учун ҳам баланд десак, хато қилмаймиз. Чунки улар минг йилдан кўпроқ даврдаги халқ тажрибасини ўзида мужассамлаган.

Ўз асарларини тайёрлашда муаллифлар илмий, тарихий китоблар, подшоҳ ва саркардаларнинг зафарномаларидан, дипломатик ёзишмалардан, сиёсий йиғинлар баённомаларидан, қисқаси турли ахборот манбаларидан фойдаланганлар. Бундай манбалар сифатида шахсий суҳбат, кузатув, саёҳат, турли ҳужжат ва буюмлар, оғзаки мулоқотлар ҳамда бошқа воситалар хизмат қилган.

Биз ўрганаётган асарларда муаллифлар ўз ғоя ва шахсий фикрлари билан чекланиб қолмасдан, балки халқ ичида юриб одамлар билан учрашган, реал воқеаларнинг гувоҳи бўлган, қулоқ билан эшитиб ва кўз билан кўрганларини, ёзиб олиб, ҳақиқий ҳаётни акс эттиришга ҳаракат қилган.

Маданий коммуникациянинг энг улуғ намунаси сифатида китобни таърифласак, адашмаймиз. Агар бундай китоблар санокли бўлганида эди, уларни оммавий коммуникация воситаси деб баҳолашнинг иложи бўлмасди. Ҳамма гап шундаки, бундай китоблар қўлёзма бўлса-да, жуда кўп муаллифлар томонидан ёзилиб, ўнлаб юзлаб, айрим пайтларда эса ундан ҳам кўп нусхаларда кўчирилган. Натижада китоб ўрта асрларда мусулмон дунёсида халқлар маданиятини ривожлантиришнинг энг йирик воситасига (каналига) айланган.

Китоб халқнинг ҳаётий фикрлари ва тажрибасини ўзида акс эттирган буюк ахборот хазинасидир. Ўша даврларда ҳам китобда бундай қудратли куч борлигини кўпчилик жуда яхши тушунган. Китобга муносабат бир текис бўлмаган. Бир томондан, асарларни ёзиш ва кўпайтиришга ҳаракат қилинган бўлса, иккинчи томондан, уларни йўқотиш ҳам вақти-вақти билан авж олиб турган. Афсуски, ўша даврларда китобларни йўқ қилиш, ёқиб юбориш каби ҳодисалар одатий ҳол бўлиб, улар маданий қўжасаларга ҳам олиб келган. Бу, албатта, ғоявий курашнинг далолатидир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарздаги ғоявий курашлар жўшқинлиги бугунгидан паст бўлмаган. Мисол сифатида мусулмон дунёсида энг йирик ва машҳур Александрия кутубхонаси икки марта христианлар, бир марта араблар томонидан ёқиб юборилганлигини айтиш мумкин. «Авесто» китоби ҳам Искандар Зулқарнайн томонидан ёқиб юборилганлиги ҳақидаги маълумотлар бор. «Ҳиндистон» асарида эса шундай фактга дуч келамиз: «Искандар ва унинг ворислари румликлар томонидан (эронликлар) рағбат қилган барча илмий

китоблари куйдирилиб, ҳаёт воситаси бўлган ва фахр қилинадиган гўзал санъатлари барбод этилган эди»⁴⁸.

Искандар Зулқарнайн каби саркарда ва подшоҳлар улар забт этган халқлар маданияти ва китобларининг сақланишини хоҳламаган. У китоблар қанчалик тез йўқ қилинса, бизнинг маданиятимизга, динимизга халқ шунчалик тез эътиқод қила бошлайди деган, фикрда бўлган.

Китоб ёзувчиларни Абу Райҳон Беруний шундай ифодалайди: «Пуруна китобларини риши деб аталадиган гуруҳ ишлаган. Бу китобларнинг кишилар оғизларидан менга эшитилгани қуйидагилар: «Оди-пуруна, яъни энг аввалги (пуруна); 2. Мачъя-пуруна, яъни балиқ; 3. Кўрма-пуруна, яъни тошбақа»⁴⁹ ва бошқалар, жами 18.

Демак, қадим замонларда ҳам кишилар бир-бирларига турли афсоналар, латифалар айтишган, хабарларнинг баъзи бирлари ҳаётий воқеалар бўлса, бошқалари тўқима бўлган. Лекин уларнинг барчаси оммавий коммуникациянинг у ёки бу шаклини ифодалайди. Китобдан таралаётган зиё ҳақида Абдураззоқ Самарқандий шундай деб ёзади: «Ахборотлар чехраси ва ёдгорликлар рухсорида маъний ҳарфлари ва бинолар изларидан бирор асар (мавжуд) экан, бу китобнинг ҳам ёрқин нурлари барча уфқларга худди офтоб шуъласидек ёруғлик бағишлаб турсин ва унинг жаҳонга нур сочувчи талъати олам атрофида кундуз ёруғлигидек жилолансин; мақсад жавҳарлари олий ҳимматга мувофиқ тартибда терилсин ва саодат офтоби исталган тарзда замона чехрасида порласин»⁵⁰. Умуман олганда, ушбу китоб ўзининг эстетик хусусиятлари билан бошқаларидан ажралиб туради.

Инсоннинг маданий тарбияси кўп вақт талаб этадиган жараён. Форобий кўрсатишича, Афлотун ахлоқий-маданий фазилатларни кенг омма томонидан қандай ўзлаштирилиши кераклиги ҳақида қуйидагича ёзади: «Бундай яхши одатлар вақтинча ўзлашган бўлади, чунки жамиятлар ва барча одамларда одатлар узоқ муддат ўтиб ўзлаштирилади. Адолатли, пок, жасур бўлишга одат қилиш, шу билан бирга ёмон қилиқлардан қутулиш учун ҳам маълум муддат ўтиши керак. Бу вақт давомида инсон ўзининг ёмон қилиқларидан воз кеча олади. Агар одамда туғма, кучли ғурур туйғулари бўлмаса, у ҳолда ўша одам ўз руҳини машқ ила тарбиялаши зарур, чунки ўзи севган инсоннинг кўп жиноятларини сезмаслик одамнинг туғма хислатидир»⁵¹. Албатта, ушбу фикрдаги тарбия жараёни энг аввало, оилавий мулоқотларда, маҳаллалардаги муносабатларда ёки кенгроқ қилиб гапирсак ижтимоий коммуникациялар ёрдамида амалга оширилади.

Маданий коммуникация нормаларига риоя қилмаган шахслар, айниқса, раҳбарлар вақти келиб, албатта инкирозга учраши ҳақида кўп гувоҳлар бор. Жумладан, Низомиддин Шомий ҳадисдан иқтибос келтириб қуйидагича ёзади: «Ҳақиқатда Тангри ҳазрати баланд ҳимматлилик ва кенг табиатлиликка алоқадор кишиларни дўст тутати. Сузлик ва паст

⁴⁸ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1968. – Б. 147.

⁴⁹ Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 109-110.

⁵⁰ Самарқандий А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 58.

⁵¹ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «А.Қодирий», 1993. – Б. 36.

ҳимматлиликка тортадиган ишларни душман тутати. Бу сўзлардан ғараз шулки, амир Ҳусайн паст ҳимматлик мақомига қадам қўйиб, тубан фикрлар қилганлиги учун охир-оқибат, ўз ҳиммати ниҳоясига етди»⁵². Бундай фикрлар бошқа асарларда ҳам учрайди. Албатта, киши кўзи ўнгида намоён бўлаётган ўзгаришларга бефарқ бўлиши мумкин эмас, чунки паст ҳимматлилик халқ орасида кишининг обрўсини тушириб қўяди, кимки давраларда ўзини ҳимматсиз қилиб кўрсатса, яъни арзимаган фойда учун ғурурини унутса, атрофидагилар орасида унинг ҳурмати йўқолади. Бундай сўзларда маданиятнинг асл маъноси мужассамлашган.

Маданий коммуникация турларига китоблар, рисоалар, асл ёзма шарҳлар, таржималар ва маъмурий ҳужжатлар ҳамда хатларни киритиш мумкин. Масалан, 1499-1500 йилларда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида: «Иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим»⁵³, деб ёзади.

Ўрта асрлардаги оммавий маданий коммуникацияларнинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборимизни қаратмоқчимиз. Гап журналистиканинг асосий хусусияти – оммавийлик ҳақида кетмоқда. Маълумки, журналистика асосчиси немис ҳунарманди Иоганн Гутенбергнинг ягона хизмати – кўп нусхаликни таъминлаш, яъни механик тарзда босма станокда бир хил матннинг кўп сонини олишга эришиш эди. Айнан шу йўл билан, яъни бир хил босма матннинг кўп нусхалари жамоатчилик ўртасида тарқатилиши ва кенг доирадаги одамлар ушбу усулда уларга ахборот етказилишига қизиқиши натижасида журналистика пайдо бўлди.

Лекин агар биз ушбу масала бўйича ўрта асрлар тажрибасига мурожаат этсак, маълум бўладики, алоҳида бир асарларни кўп нусхада тарқатиш амалиёти Гутенбергдан олдин Осиёда жорийланган экан. Фақат бу китоблар қўлёзма шаклида тарқатилар эди. Ўрганиш шуни кўрсатадики, ўша даврларда китоблар ўттиз, қирқ, эллик, юз ва ундан ортиқ нусхаларда кўчирилган. Улардан айримларининг номларни келтирамиз: «Табарий тарихи», «Зафарнома», «Шайбонийнома» (Шайбонийхон ҳақида китоб), «Тухфаи хоний», «Тарихи мулуки аҷам» ва бошқалар.

Китоб ҳақида сўз кетар экан, унинг мазмуни таълимий ёки илмий маънога эга бўлиши мумкин, аммо китобатчилик, албатта, маданият тушунчасини ифодалайди. Мумтоз адабиёт соҳасида таниқли олимлар ёзишича: «Қадим шарқий турк маданий муҳитида қўлёзмалар билан ёнма-ён ксилография – тахта бетига ҳарф тушириб, нусха кўпайтириш усули ҳам жорий этилди»⁵⁴.

Ўрта асрларда яшаган одамлар ҳам бугунги инсонлар каби яхши сўз қадрига ета билганлар. Адам Мец келтирган фактда хат орқали бўладиган мулоқот бошқа ҳар қандай кўмакдан юқори қўйилади: «Яхши сўзнинг

⁵² Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 49.

⁵³ Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: «Юлдузча», 1996. – Б. 78.

⁵⁴ Қаюмов А, Исҳоқов М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 125.

савобига ҳеч нарса етмайди»⁵⁵.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда амалга оширилган оммавий коммуникациянинг усул ва манбалари бизгача минглаб сонларда етиб келган: китоблар, хатлар, хаттотлик намуналари, ёдгорликлар, ўйма санъаткорлик асарлари ва бошқалар.

Г.Маклюэн айтганидек, кишилар ўз сезги органлари орқали алоқа воситаларидан хабардор бўлиб туришади, чунки ушбу органлар мазкур алоқаларни таъминлайди. Бу йўналишда ўрта асрлик фуқаро учун маданий алоқалар катта аҳамиятга эга эди. Инсоният ҳаётида маданиятнинг муҳимлиги ҳақида Форобий шундай ёзади: «Афлотун, агар шаҳар аҳолиси маърифатсиз, тажрибасиз одамлар ва болалардан иборат бўлса, у ҳолда улар соҳиби қонун ўрнатган тартиб ва бошқарув усулини яхши қабул қилмайдилар»⁵⁶.

Бундай мисоллар ўрта асрлардан олдин ҳам, кейин ҳам ижод қилган олимлар асарларида бор. Ҳатто олимлар ўртасида меросийлик анъаналари ҳам ўрнатилган. Масалан, Форобий, Афлотуннинг фикрларини ривожлантирган ва маҳаллий шароитга мослаштирилган ҳолда келтирган. Қолаверса, Афлотун асарларини мусулмон динига мансуб мамлакатларнинг вакиллари ўз талқинларида дунёга танитганлар. Минг йил давомида Афлотун, Арасту ва бошқа антик даври буюк олимлар ғояларини ислом олами мутафаккирлари ўз асарларида бутун дунёга тарқатганлар. Марказий Осиё олимлари араб, форс ва турк тилларида ёзилган китоблари орқали машҳур бўлганлар. Ўрта асрларнинг ўзида уларнинг асарлари бошқа (масалан, лотин) тилларга таржима қилинган.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ўрта асрларда маданий коммуникациянинг иккала – моддий ва маънавий турлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки, оғзаки сўздан ташқари, барча боғланишларни моддий коммуникация деб айтишга ҳақлимиз. Масалан, маънавият манбаси сифатида баҳолаб келаётган китоб ҳам қоғоз, мато ва бўёқдан иборат моддий жисмдир. Тарихий асарларнинг ҳар бирида ҳам мадраса биносидан кўра маънавият кўпроқ деб айтолмаймиз, чунки мадраса, масжид, миноралар ҳам инсоният маданиятини ўзида акс эттирган, кўп маънога эга бўлган буюк китоблардир.

⁵⁵ Мец, А. Мусульманский Ренессанс. – М.: «Наука», 1973. – Б. 202.

⁵⁶ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Халқ мероси», 1993. – Б. 39.

3. Таълим соҳасидаги коммуникация

Юқорида айтганимиздек, ўрта асрлар давомида (тахминан минг йил) бутун ислом дунёсида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам цивилизацион юксалиш юз берди. Мазкур юксалиш турли йўналишларда намоён бўлди: иқтисодий, фалсафий, теологик, диний маданий ва бошқалар. Аммо таъкидлаш зарурки, Ислом Ренессансининг умумий махражи сифатида таълим соҳасидаги кўтарилиш хизмат килди. Бундай тараққиёт, ўз навбатида таълим соҳасидаги коммуникацияларсиз амалга оширилиши мумкин эмас эди.

Биз ўрганадиган даврдаги асарларда бевосита таълим ва тарбия мавзуларига бағишланган фикрлар жуда кўп. Масалан, Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларнинг аксарияти таълим ва тарбия йўналишига бағишланган. Ғарб тадқиқотчилари Имом ал-Бухорийни кўпроқ диний илм соҳасида фаолият кўрсатган мутафаккир деб билишади. Лекин бу ҳали тўлиқ ҳақиқат эмас. Имом ал-Бухорий яшаган замонда дунёвий ва диний қарашлар бевосита бир-бирига алоқадор тарзда ривожланган. Чунки ўша даврларда кишилар борлиқни бевосита дин билан боғлаб тушунган.

Шу туфайли Имом ал-Бухорийнинг таълимий-диний қарашлари омма ўртасида кенг тарқалган. Агар алломанинг билимлари фақат диний ақидалар билан боғлиқ бўлганида, у бу қадар машҳур бўлмасди.

Бу улуғ зот нафақат Ўзбекистонда ёки Марказий Осиёда, балки бутун мусулмон мамлакатларида, қолаверса, дунёда узоқ асрлар давомида машҳурлиги кўпчиликлари маълум. Чунки Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларда динга бўлган эътиқод билан бир қаторда асл маънода маданий, ҳуқуқий, иқтисодий, эстетик қарашлар, ахлоқий муносабатлар, таълим ва тарбия масалалари ҳам кенг акс эттирилган. Шуларнинг ичида таълим йўналиши ниҳоятда муҳим ўрин тутди.

Таълим доимий равишда маданият, тарбия, илм-фан ҳамда инсон ҳаётининг бошқа қирралари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади. Буни таҳлилимиз марказидаги асарларнинг аксарияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Таълим шундай бир улуғ неъматки, инсон саодати шу туфайли барҳаётдир. XIV асрнинг алломаларидан бири Абдураззоқ Самарқандий «Сўз майдонининг собиқ (чавандоз)лари ва бу қўхна чарх сирларини саралаб ажратувчилар, албатта, бу икки шуҳратли тоифа (Чингизхон ва Амир Темур авлодлари – М.С.) ҳақидаги хабарлар ва уларнинг ёдгорликларини ўрганиб, тартиб ипига боғлаганлар; у (тоифа)ларнинг қилган ишларидан юз берган ва айтган сўзларидан содир бўлган (манфаат)лар баёнида жаҳон аҳлининг (ҳам) аҳволу авзойи ойдинлашади ва бундан кишиларга нафу фойдалар етади. Сўнг бу фанний ҳунар эътибор қозониб «тарих илми» деб шуҳрат топган ва олимлар ҳар хил тилларда ва ҳар хил замонларда шу фан бўйича назм ёки наср услуби билан асарлар ёзиб, китоблар тузганлар»⁵⁷, дейди. Ушбу фикрдан хулоса қиладиган бўлсак, албатта, ҳар бир одам ўз маърифати ва савиясини ташқи муҳитдан келган хабарлар орқалигина оширилиши мумкин, бунга эса инсон онгида таълимга бўлган интилиш сабаб бўлади. Бу жараён айна пайтда оғзаки ва ёзма алоқа воситалари орқали амалга

⁵⁷ Самарқандий А. Матлаи Сатъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 56.

оширилади. Шунинг учун таълим соҳасидаги коммуникация – билим олишнинг ягона йўлидир.

Баъзи манбаларда келтирилишича, Имом ал-Бухорий 2000га яқин диншунослар, бошқа соҳа олимлари ва фан арбоблари билан учрашиб, суҳбатда бўлиб, улардан таҳсил олган. Буни мукамал билим, фундаментал таълим олиш усули деб баҳоласак ўринли бўларди. Ўрта асрларда Марказий Осиё ва Ислон дунёсида Имом ал-Бухорий таълим ривожланишининг асосчиларидан бири ҳисобланади.

Ўша даврларда билимли кишилар билан учрашувлар жуда кадрланган, бу ҳақда бир қатор асарларда айтилади. Бундай мулоқотлар таълим соҳасидаги коммуникацияларнинг асосий турларидан бири бўлган. Кейинча бу усул Европа олимларининг амалиётига ҳам кўчди. Мисол сифатида биз франциялик файласуф Пьер Абеляр ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Имом ал-Бухорийнинг асарларини диққат билан кузатган киши шунга амин бўладики, «Кимки илм олган бўлса, пайғамбар (а.с.)дан тўлиқ мерос олибди»⁵⁸, – деган ҳадисда ҳам илм олиш кераклиги уқтирилган». Чунки илм ва таълим инсонни илмий дунёқарашга, маънавият ва маърифатга ўргатади.

Маълумки, маърифатсиз одам уни ортиқча макташни яхши кўради. Бу ҳақда ҳадисларда ҳам гапирилган. Масалан, «Бўхтон (туҳмат) ҳақида ҳадис»нинг учинчи боби «Ортиқча мактовнинг макруҳлиги ҳақида, киши биров ҳақида нима билса, шуни гапирсин!»⁵⁹, деб номланган. Унда ёзилишича, «Абу Мусо (р.а.)дан ривоят қиладилар: «Набий (сав) бир киши бошқа бир кишини жуда ошириб мактаётганини эшитдилар ва “(Бу) кишининг белини синдирдингиз ёки кесдингиз”, – дедилар»⁶⁰. Албатта, бундай баҳо бериш оғир, аммо мактов кишини маърифатсизликка ёки салбий ҳолатларга олиб бориши Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларида ҳам ўз аксини топган. Бу эса нодонликнинг оқибатидир. Қачонки илм камайиб ёки йўқолиб кетса, нодонлик авж олади, дейилган ҳадисда: “Илм йўқолади, нодонлик кучаяди, фитналар содир бўлади, харж кўпаяди»⁶¹.

Абу Мусо (ал-Ашъарий) (рз.) ривоят қиладилар: «Набий (сав) бундай деб марҳамат қилдилар: «Уч тоифа кишига икки ажр ато этилади: Биринчиси – бир кишининг жорияси бўлади-ю, у унга меҳрибонлик билан илм ўргатади, гўзал тарбия бериб сўнг уни озод қилади-да, маҳр бериб унга уйланади – унга икки ажр бордир; иккинчиси – Китоб (Таврот, Инжил) аҳлига мансуб кишидирки, у ўзи мўмин эди. Кейин бу Пайғамбар (сав)га ҳам имон келтирди. Унга ҳам икки ажр бордир; учинчиси – Аллоҳ таолонинг ҳақини (яъни, намоз, рўза кабиларни) адо этаётган ҳамда ўз хожасига сидқидилдан хизмат қиладиган кул – унга ҳам икки ажр бордир»⁶². Кўриб турганимиздек, таълим бу ерда ҳам етакчи ўринни эгалламоқда.

Таълим коммуникациясининг асосий воситаси тилдир. Шунинг учун

⁵⁸ Ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий. 1-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 22.

⁵⁹ Ўша жойда. – Б. 454.

⁶⁰ Ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий. 1-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 454.

⁶¹ Ўша жойда. – Б. 25.

⁶² Ўша жойда. – Б. 521-522.

Марказий Осиё мутафаккирлари ёзган асарларда сўзнинг таълимий ва маърифий кучига кўп эътибор берилган. Масалан, Имом ал-Бухорийнинг китобларида турли сўзлар маъносини тушунтириш катта аҳамият касб этади. VIII асрда араб тили етакчи халқаро тиллардан бири деб ҳисобланган. Шундай экан, маҳаллий халқ, яъни Мовароуннаҳр ҳудудида яшайдиган халқлар араб тилини яхши билишлари керак эди.

Имом ал-Бухорий ўз асарида сўзларнинг тўғри талкинига ҳам кўп эътибор берган. «Оли Имрон» сурасида учрайдиган айрим сўзлар тафсири», деб номланган биринчи бобида бу ҳақда шундай дейилган: «Тукотун» ва «такиййатун» сўзлари бир маънода бўлиб, «эҳтиёткорлик, сақланиш» демакдир. «Сиррун» - «совуқ», «шафо ҳуфратин» - «чуқурнинг лаби», «тубаввиу» - «жанг майдонига тартиб билан жойлаштирар эдингиз», «ал-мусаввам» эса «қашқадор, холдор» деган маънодадир. *Мужоҳид*: «Ал-Хайл ал-мусаввам» - «Гўзал, ажойиб отдир», – дейдилар. «Риббиййунун» сўзи «риббиййун» сўзининг кўплиги бўлиб, «художўйлар» демакдир. «Тахуссуунаҳум» сўзи «Уларни кўпориб ташлар эдингизлар, яъни, ўлдирар эдингизлар», деган маънодадир. «Ғуззун» сўзи «ғозин» сўзининг кўплиги бўлиб, «ғозийлар» демакдир»⁶³. Ўша китобнинг 4-бобида шундай ёзилади: «Аллоҳ таолонинг сўзи: «Айтинг (эй, Мухаммад!): «Эй, китоб аҳли (яхудийлар ва насронийлар), биз билан сизнинг ўртамизда (аҳамияти) баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик»⁶⁴.

Бу сўзларда бугунги таълим ва фан учун ҳам методологик кўрсатма бор. Гап шундаки, фанларни ўрганаётганда ёки илмий изланишлар олиб борилаётганда турли одамлар битта сўзни ва ушбу сўз англатаётган маънони турлича тушунадилар. Бу эса мутахассисларда бир-бирини тушунмасликка олиб боради. Демак, мазкур ҳадис таълим учун методологик аҳамияти шундаки, у китоб аҳлини бир хил сўзларда бир хил маънони тушунишга даъват этади. Замонавий тилда бунини «глоссарий» деб атайдилар.

Таълим ва маърифат нафақат миллий, шу билан бир қаторда халқаро ҳодиса ҳам. Ҳеч бир халқ таълим соҳасида ўзича, бошқа халқлар билан мулоқотда бўлмасдан ривожланмайди. Бу қоида айниқса, халқаро тил мақомига эга бўлган тилларга хосдир. Бугунги кунда бундай тиллар инглиз ва испан тили бўлса, ўрта асрларда араб, латин ва хитой тиллари эди. Илм тили бўлмиш араб тилини билиш Марказий Осиё халқлари учун жуда зарур эди. Бу борада Имом ал-Бухорий каби олимларнинг хизмати жуда катта бўлган. Масалан, «Ан-Нисо» сурасида ал-Бухорий асл сўзларнинг маъносини қуйидагича изоҳлайди, («Нисо» сурасида учрайдиган айрим сўзлар тафсири) Ибн Аббос: «(Лан) йастанкифа» дегани «Сира ор (катталиқ) қилмас» маъносида, «қайоман» («қивоман», «қивомакум») сўзи «Сизларнинг маишатларингизга сабаб, восита» деганидир. «Лахунна сабийлан» – «Уларни (аёлларни) йўлга солиш воситаси» дегани бўлиб, бу восита фахш йўлига кирган жувонларни тошбўрон қилиш ва бокираларга дарра уришдир», – дейдилар»⁶⁵.

«Моида» сураси тафсирининг биринчи боби «Моида» сурасида учрайдиган

⁶³ Ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий. 2-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 105.

⁶⁴ Ўша жойда. – Б. 107.

⁶⁵ Ўша жойда. – Б. 114.

айрим сўзлар тафсири», деб номланган. Унда шундай тушунтириш берилган: «Суфён: «Менинг учун Қуръонда «...ластум ала шайъин ҳатто туқиймуут таврота вал инжила ва ма унзила илайкум мин раббикум...» – «... токи, Таврот ва Инжилга ҳамда Парвардигорингиздан ўзларингизга нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмас экансизлар, (тўғри) йўлда бўлолмайсизлар...», деган оятдан кўра кучлироқ оят йўқ»⁶⁶, дейилади. Кўриниб турибдики, Имом ал-Бухорий асарларида тил ўрганиш ва таълим билан бир қаторда илм, маърифат ҳамда маънавият таъсирчан даражада тарғиб қилинган.

Диний бағрикенглик бир қатор ривоятларда келтирилади ва асослаб бериладики, бундай иборалар ўз навбатида дин соҳасидаги таълимнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислардан асрлар давомида кўпчилик таълим олмоқда. Қимматли гувоҳликларга асосланиб, тушунарли тарзда тайёрланган бу тўплам миллионлаб одамларни маърифат сари эргаштирган ва эргаштирмоқда, таълим бобида бу китобнинг ҳиммати чексиз.

Ўрта асрларда кенг таълим олиш, билимдон киши бўлиб етишиш кўп маънода ҳуқуқий соҳадаги қонун-қоидаларни ўрганиш билан ҳам боғлиқ бўлган. Бунинг учун аҳоли олий ҳукм, қозилар қарорларини пухта билиши зарур эди. Шу билан бир қаторда қозилар томонидан адолатли ҳукм чиқариш учун улар анчагина билим ва маълумотга эга бўлишлари ҳам талаб қилинган.

Адам Мецнинг «Мусулмон Ренессанси» асарини дунё бўйича катта обрўга эга илмий тадқиқот дейиш мумкин. Асарда мусулмон давлатлари X-XI асрлардаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган ва ўша даврнинг таълим соҳасидаги йўналишларига ҳам тавсиф берган. Масалан, таълимнинг асосий шаклларида яна бири кутубхоналар ҳисобланарди. Кутубхоналар ҳақида гапирганда, Адам Мец, халифа ал-Азиз кутубхонаси хусусида шундай ёзади: «Анча кейинги авлодлар унинг кутубхонасидаги китоблар миқдорини билишга қизиқди, бироқ рақамлар 160-120 минг жилд оралиғида тебранар эди». Ибн ат-Турбатий айтишича, кутубхоналар ички бўлиниш (ҳозирги каталог)ларга эга бўлиб, кичик-кичик хоналардан иборат эди, ҳар бир кичик хонанинг олдида эса эшикча турган. Адам Мец мусулмон давлатларидаги кутубхоналарни ўша вақтлардаги Европадагиларга тенглаштириб, ўрта асрларда Осиёда халифалар кутубхоналарининг кенг ривожланганлиги ва Европадан анча илгарилаб кетганини таърифлайди.

Қиёс тариқасида айтиш мумкинки, Европанинг Констанца шаҳридаги кутубхонада IX асрда 356 жилд, Бенедиктбеурендаги кутубхонада (1032 йил)да 100дан бир оз кўпроқ, Бамберг (1130 йил)даги кутубхонасида атиги 96 жилд асар бўлган⁶⁷. Ёки «тахминан IX асрлар ўрталарида, Али ибн Йаҳйя ал-Мунажжим ўз уйида ажойиб кутубхона очди ва унга «Хазинат ал-ҳикма», яъни «Ҳикматлар хазинаси», деб ном берди. У ерда сабоқ олиш учун чор атрофдан одамлар дарёдай оқиб кела бошлади, харажатларни эса кутубхона соҳиби ўз гарданига олганди»⁶⁸, дейилади.

⁶⁶ Ал-Бухорий. Саҳихи Бухорий. 2-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 122.

⁶⁷ Қаралсин: Мец, А. Мусульманский Ренессанс. – М.: «Наука», 1973. – Б. 149.

⁶⁸ Мец, А. Мусульманский Ренессанс. – М.: «Наука», 1973. – Б. 150.

Таълим соҳасидаги оммавий боғланишларни яхшилаш мақсадида кутубхоналар ташкил этиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш маърифатли амалдорлар, подшоҳ ёки султонларнинг диққат эътиборида бўлган. Чунки уларнинг тегишли кўрсатмалари ва молиявий кўмаклари бўлмаганида йиллар давомида китоб ёзиш ва кўчириш, уларни йиғиш ва жойлаштиришнинг иложи бўлмасди.

Шунингдек, Адам Мец фасл мавзусига боғлиқ яна бир қанча далилларни келтиради: «Мисрда академиялар таъсис этилганди. Масалан, ал-Азиз ҳижрий 378 – (милодий 988) йилда ал-Азҳар масжиди ёнгинасидан уй сотиб олади ва унга ўттиз беш шариат толиблари учун мурувват асосида ўқув юрти очади, толиблар ҳар жума куни пешин чоғи илмий мунозаралар қилгани масжидга тўпланар эдилар»⁶⁹.

Ўрта асрларда таълимнинг ривожланишида Ал-Азиз академиясининг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Масалан, Адам Мец ёзишича: «X асрда ислом олимлари мактаби мана шу тарзда вужудга келиб, бугунги кунда ҳам асло аҳамияти йўқолган эмас»⁷⁰, дейди.

980 йилда асос солинган ва кейинчалик минг йиллик тарихга эга бўлган ал-Азҳар ҳозирги кунда Миср Араб Республикасида энг нуфузли университет ҳисобланади. Асл манбаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Европа университетлари Шарқнинг мадрасаи олияларидан кейин вужудга келган, қолаверса, улардан ўрнак олган. Европадаги биринчи университетлар XII асрда Францияда пайдо бўлган.

Низомулмулк 1067 йили Бағдодда оламга машҳур «Низомийя» мадрасасини қурдиради. Муҳаммад Ғаззолий ўз вақтида шу мадрасада дарс берган. Бундай мисолларни ўша давр ҳаётидан қўлаб келтириш мумкин.

Араблар истилоси натижасида ислом динининг тарқалиши (VIII аср) ҳамда IX – X асрлардаги Бухоро ва унга яқин шаҳар, қишлоқлар халқининг иқтисодий, маданий, ижтимоий, сиёсий тарихига оид муҳим маълумотларни ўз ичига олган «Бухоро тарихи» асари биз учун қимматли манба сифатида хизмат қилади. Бу асар қўлдан-қўлга ўтиб, ундан нусхалар кўчирилиб, маълум вақтдан кейин бошқа тилларга таржима қилиниб, бутун Европа ва дунёга машҳур бўлиб кетган.

Ўрта асрларда подшоҳ ва амирлар ўз обрўсини кўтариш ёки маърифат тарқатиш учун мутахассисларни таклиф қилиб, тарихчиларни, олимларни саройларда йиғиб, бадий ва илмий давралар қурган, машҳур китобларни, шеърларни, илмий тадқиқотларни кўчиртирган.

Шунингдек, ўз зафарлари ҳақида китоб ёздириб, уларни саройда ўтказилган кенгашларда ўқиб эшиттирган ёки ўша асарларнинг қисқача мазмунини эълон қилдирган ва шу аснода илмий мунозаралар олиб борилган.

Агар шундай усуллардан фойдаланмаганларида эди, Ислом Ренессанси, минг йиллик мусулмон мамлакатлар довуғининг юксакка кўтарилиши, Шарқни бутун дунё таниши қийин бўларди. Айнан шундай кенг микёсли коммуникатив ҳаракатлар боис Шарқнинг обрўи дунёга машҳур бўлди.

⁶⁹ Ўша жойда. – Б. 152.

⁷⁰ Ўша жойда. – Б. 152.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаган мутафаккирлардан яна бири, Абу Али ибн Синога мурожаат этайлик. У шундай деб айтган: «Бухоро амири ибн Нух Масъуддан унинг кутубхонасини кўришга рухсат сўрадим ва шу кутубхонада бор китобларни кўриб чикдим.... Менга энг таъсир қилгани шу бўлдики, ҳеч қачон номини одамлар эшитмаган китоблар ҳам бор эди»⁷¹.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида воқеаларни баён этар экан, шундай ёзади: «Бу сўз ҳақиқатни қидирувчи инсофли кишига етарли далиллардандир. Агар у қаршилиқ кўрсатиб, мунозарачиларнинг бўяма гапларига мойиллик кўрсатса, қалбидан уни кеткизиш, касалга чалинган ақлини даволаш ва кўнглига ҳақиқат (уруғини) сепишда бу китобда келтирилгандан кўпроқ (далиллар)га эҳтиёж туғилади»⁷², дейилган. Кўриниб турибдики, Беруний нотўғри, қалбаки гапларни айтувчи кишини касалга чалинган, унинг ақлини даволаш кераклигига тенглаштирган. Бундай фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган.

Ўрта асрлар мутафаккирлари фикрича, жамият ривожланиши ўша вақтларда ҳам кўп жиҳатлардан таълим соҳасидаги боғланишларга боғлиқ эди. Абул Фазл Байҳақийнинг ёзишича: «Инсон қачонки ёзишни ва тушунишни ўрганса, ишнинг бутун моҳиятини тушуниб етсагина фақат ўшанда у билимли киши бўлади»⁷³, деб таъкидлайди. Таълимий коммуникация, яъни таълим жараёни инсоннинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Байҳақий ёзганидек, «ушбу «Тарих»да шунинг учун сўз дурларини тиздимки, токи дунё ҳою ҳаваслари ила ғафлат уйқусида ётганлар уйғонгайлар ва ҳар бир одам бугун ва эртага ўзи учун фойдали бирор нарса қила олгайлар»⁷⁴.

Ўрта асрлар олимлари учун таълим олиш маърифатли киши бўлиш билан тенглаштирилган. Бундай одам ёвузлик ва жаҳолатни енгган одам ҳисобланарди. Масалан, Байҳақий бу ҳақда шундай дейди: «Мени устозим ниҳоятда доно ва билимли одам эди ҳамда ўз даври учун ягона аниқ ва чиройли ёзаётган шахс бўлган. Унга тақлид қилиб, бошқалар ҳам ўз қораламаларига эга бўлди, лекин бу ёзувлар қандай бемаъни эканлиги ҳақида ёзиш уятдир»⁷⁵. Ўрта асрларда ижод қилган тарихчиларнинг китоблари давлат арбобларини, дин пешволари ва кенг оммани адолатли бўлишга, доноликка даъват этган. Кишиларда ақл фаросат ва билим бўлсагина, улар ҳар қандай шароитда ўз одамгарчилигини йўқотмаслиги мумкин. Давлат раҳбарлари, подшоҳлар, халифалар ҳам маърифатли кишиларни қадрлаганлар.

«Хоразмшоҳ (Абдулаббос – М.С.) ўша давр фанининг намояндаси сифатида Берунийни жуда қаттиқ ҳурмат қилган»⁷⁶, Бағдод халифаси Муътадид ҳам олим Собит бин Куррага нисбатан шундай муносабат билдирган, деб ёзади Байҳақий. Унинг асарида: «Қалам қиличдан ўткурдур»⁷⁷, деган фикр бор. Тарихчи-олим

⁷¹ Ибн Сино, Абу Али. Жизнеописание // Медицинские взгляды. – Т.: «Медицина», 1983. – Б. 11.

⁷² Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1968. – Б. 62.

⁷³ Байҳақи, Абул-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 144.

⁷⁴ Ўша жойда. – Б. 272.

⁷⁵ Ўша жойда. – Б. 144.

⁷⁶ Ўша жойда. – Б. 810.

⁷⁷ Байҳақи, Абул-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 813.

сифатида Байхакий ўз даврида Берунийнинг асарларидан мутоола қилган ва у ҳақда замондошлар томонидан айtilган фикрларни қаламга олган. Бундай мулоҳазалар ўрта асрларда таълимнинг аҳамияти, эътибори юксак даражада эканлигини кўрсатади.

Ўрта асрларда хаттотлик санъати ҳам таълим коммуникациясини таъминловчи муҳим кўринишлардан бири сифатида баҳоланган. Шу билан бир қаторда хаттотлик ўша замон кишиларини маълум бир гўзалликка, эстетикага ҳам ўргатган. Чунки нафақат муаллиф, шу билан бирга хаттот ҳам кўчираётган асарларга эстетик шакл беришлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ёзма китоб ҳуснихатнинг чиройли бўлишини талаб қилган. Гўзал ҳуснихат эгалари илмли ҳисобланиб, ниҳоятда қадрланган ҳамда давраларнинг энг нуфузли кишиларига айланган.

Биз ўрганаётган даврда таълим соҳасидаги коммуникацияларни оммавийлаштириш йўналишига жиддий эътибор берилган. Уларнинг энг муҳимларидан бири китоблар кўп нусхаларда кўчирилиши эди. Кўпайтирилган нусхалар халқ оммаси ўртасида янги маълумотларни кўпроқ тарқатарди ҳамда аҳолининг билим даражасини оширишга ёрдам берарди.

Маълумки, Амир Темури буюк саркарда ва тажрибали сиёсатдон, хатто давлат арбоби, маърифатчи бўлган. У ҳарбий юришлардан бўш пайтларида Самарқандга қайтиб, маъмурий бошқарувни ривожлантириш мақсадида катта-катта бинолар, масжид ва мадрасалар қурдирган ҳамда улар орқали маърифат тарқатган. У «Темур тузуклари» асарида шундай деб ёзган: «Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақир мискинларга лангархона (ғарибхона – М.С.) солсинлар»⁷⁸.

Масжид, мадрасалар ўша даврларда етакчи таълим марказлари ҳисобланган, университетларни эса «мадрасаи олия»⁷⁹, деб атаганлар. Мадрасалар фаолиятини яхши йўлга қўйишга нафақат подшоҳ, султон ва дин арбоблари, шу билан бир қаторда ўша даврлардаги зиёлилар ҳам бел боғлаганлар. Масалан, «...дорулмулк Самарқандда бир жомеъ масжиди қуриб, бу хайрли иш билан қудрат эгаси (Аллоҳ)га яқинликка эришиш ниятини қатъийлаштирди»⁸⁰, дейди. Бундай мисолларни бошқа асарларда ҳам кўрамиз.

Шуни хулоса сифатида айтиш мумкинки, таълим соҳасида, моддий маданий коммуникацияларга нисбатан, оммавий боғланишларни аниқлаш ва таснифлаш осонроқ. Бундай боғланишлар кўпроқ ёзма манбалар (китоб, рисола) ва оғзаки (маъруза, нутқ) шаклларда амалга оширилган. Таълим соҳасидаги оммавий коммуникациялар Марказий Осиё халқларининг билимли, маърифатли бўлиши учун етакчи воситалардан бири сифатида хизмат қилган.

⁷⁸ Амир Темури. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. – Б. 125.

⁷⁹ Валихўжаев Б. Мадрасаи олия. // «Мозийдан садо». 2002. №2.

⁸⁰ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 276.

4. Илмий коммуникация

Ўрта аср мутафаккирлари асарларида илмий боғланишларнинг турли шакллари кўриш мумкин.

Мусулмон Шарқида таълим ва илмнинг асосий ўчоқлари бўлган масжидлар, мадрасаларда илмий мулоқотлар турли тартибларда олиб борилад эди. Мамлакат ҳукмдорлари ва сарой аъёнлари маълумотли ва маърифатли бўлишни ўзлари учун шараф деб билганлар, ҳатто подшоҳларнинг кўпчилиги шоир ёки шеърят мухлиси ҳам бўлган.

Мусулмон Ренессанси бекорга шу номни олмаган. Ўрта асрларда мусулмон Осиёсининг йирик шаҳарларида кўпдан илм ва маънавият ўчоқлари фаолият кўрсатган. Ушбу марказларда эса кўп олим ва уламолар ижод қилган, халқнинг маърифатини кўтарган. Масалан, бухоролик олимлар сони ҳақида Наршахийнинг шундай гаплари бор: «Бу китобнинг мусаннифи (Наршахий – М.С.) айтади: Агар Бухоро олимларининг ҳаммасини зикр қилсак, бир неча дафтарни ташкил этади»⁸¹. Мазкур факт, ушбу ҳудудда илмий фаолият тизимининг ўша даврда яхши йўлга қўйилганлигини англатади.

Биз ўрганаётган даврнинг аҳолиси учун дин ижтимоий ҳаётнинг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланиб, кишиларга ўзаро фикр алмашишда, ҳаётни ўрганишда, маҳалла кўй, эл-юрт, дунёда бўлаётган воқеалар ҳақида ўртоқлашишда, илмий мунозаралар қилишда асос бўлган. Шу боисдан диний масалалар муҳокамасини кенг тарқалган илмий коммуникация шаклларида бири деб ҳисобласак унча ҳам хато бўлмайди. Чунки Ўрта Осиё мутафаккирлари инсонийлик ва ҳокимият масалалари билан бир қаторда диний муаммоларга ҳам кенг мурожаат этишларини табиий ҳол деб баҳолаш ўринли.

Оммавий коммуникация, табиийки, ўрта асрларда бугунгидан бошқачароқ шаклларда амалга оширилган. Чунки ўша даврларда бир неча юз ёки бир неча минг одам учун бевосита ёки билвосита ахборот тарқатиш оммавий коммуникациянинг чинакам омили бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Бундай учрашувлар эса масжид ва мадрасаларда тез-тез бўлиб турган. Маълумки, ўша даврларда, биринчидан, одамлар сони бугунгидек кўп бўлмаган, иккинчидан, уларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши (миграцияси) ҳам ҳозиргидек жадал суръатларда амалга оширилмаган.

Маълумотларни етказиш эса ўша вақтларда ҳам, бугунгидек, кўп жиҳатдан хабар берувчининг билими ва савиясига боғлиқ эди. Абу Райҳон Беруний бу ҳақда қуйидагича ёзади: «Одатда бўлиши мумкин бўлган нарса ҳақида берилган хабар бир хилда (фарқсиз) рост ва ёлғон бўлаверади; хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки, одамларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп»⁸². Ҳақиқат баҳсда туғилади деган нақл қадимий вақтлардан бери кучда бўлиб

⁸¹ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 90.

⁸² Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1996. – Б. 25.

келмоқда.

Абу Райҳон Беруний ўзи яшаган даврга хос бўлган илм сабоқлари ҳақида сўз юритар экан, хабарни етказувчи томонидан фақат аниқ манбаларга асосланган гапларга ишониш зарурлиги, манбасиз хабарга эса ёлғон аралашган бўлиши мумкинлигини илмий жиҳатдан таҳлил қилади.

«Хабарга ёлғон-яшиқлар қўшилмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки кўриш ва қараш пайти нарса бор вақтнинг бир бўлаги билан чекланади. Хабар эса нарсанинг (қаровчига) кўринган вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради; ана шунинг учун хабар бор нарсалардан ҳам, йўқ нарсалардан ҳам дарак бераверади»⁸³. Муаллиф хабарда жумлаларнинг тўғрилиги ва тўғри фикрлар асосида рост хабар етказмоқ зарурлигини баён этади.

Ёзма усул оғзакига нисбатан илмийроқ деган хулоса чиқаришимиз мумкин. Бизга маълум бўлган ва бўлмаган хабарлар ёки ўтган замонлардаги воқеалар, улуғ олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари подшоҳлар ёки давлат бошқарувига тегишли маълумотлар, табиий офатлар, ривоятлар, ҳатто одамларнинг ички кечинмалари, хуллас, жамики мозийдан келаётган садо – агарки оғзаки бўлганида эди, ўрта асрлар ҳақидаги кўпгина маълумотлар бизнинг бугунги давримизгача етиб келмаган бўларди.

Олимлар турли замонларда ва ҳар хил тилларда, ёзма шаклда, назм ва наср услубида китоблар тузганлар. Фармон ва фатҳномаларда эса салтанатга дахлдор воқеалар ижтимоий аҳвол, раият ҳолатлари баён қилинган. Мутахассислар оммавий ахборотнинг ишонарлилиги ва таъсирчанлигига ҳам эътибор берганлар. Улар оғзаки ахборот унча ҳам тўғри чиқмай қолиши мумкинлигини билиб, ёзма матнларда ҳужжатлилик хусусияти кучли эканлигини таъкидлаб келганлар. Масалан, Абу Райҳон Беруний бу ҳақда шундай деб ёзади: «Ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра шарафлироқ санаш мумкин; қаламнинг абадий излари бўлмаганда, халқларнинг хабарларини қайдан билар эдик?!»⁸⁴.

Илмий коммуникация сифатида ёзма манбаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бундай манбалар шаклланиб, турли коммуникатив усулларда бугунги кунгача етиб келди. Байҳақийнинг ёзишича, «бошқа тарихчилар асарларида бизга хос батафсиллик йўқ, чунки уларнинг муаллифлари воқеалар ҳақида ўта содда гапирадилар. Мен эса тарихни тўлалигича акс эттирмоқчи бўлдим»⁸⁵. Муаллиф тарихий асарни тайёрлашда ўша даврнинг ўзига хос шартлари ҳақида тўла билимга эга бўлиб, содир бўлаётган воқеаларни аниқ тушунчаларга, манбаларга асосланиб ёзсагина, у асар илмий манбага айланади, деб ҳисоблайди.

Илмнинг асл моҳиятини янада кенгроқ очиш ва кенг жамоатчиликка кўрсатиш мақсадида мутафаккирлар томонидан ҳадислардан ҳам фойдаланилди. Фикримизни тўлдириш мақсадида қуйидаги мисолларни келтирамиз. Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон

⁸³ Ўша жойда. – Б. 25.

⁸⁴ Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1996. – Б. 25.

⁸⁵ Байхаки, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 80-81.

Алимов ёзишича, Имом ал-Бухорий «бир қанча ислом мамлакатларини кезиб, шайху уламолардан кўплаб ҳадислар ёзиб олганлар. Жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисларни ёд олганлар»⁸⁶. Имом ал-Бухорий одам илм ўрганиши учун кўп йиллар зарурлигини ва ҳатто, бунинг учун керак бўлган кўнгил софлигини таъкидлайди. Умрининг чорак қисмини ҳадислар тўплашга бағишлаганлигини айтиб илмни ўрганмоқлик фарз, аммо ўша илмни меҳнатсиз эгаллаш учун уринмоқ бефойда эканлигини исботлайди. Бундай муносабат илмни тарқатиш жараёнига ҳам тегишли эди.

Ўрта асрларда мусулмон динига мансуб бўлган кўп ҳудудларда ҳадисшунослик кенг авж олганини ҳам таъкидлаш зарур. Бу ҳақда яна бир мисолни келтириш мумкин. У. Алимов Имом ал-Бухорий ҳақида шундай деб ёзади: «Ўн олти ёшга тўлмасларидан ҳадис илмини ўрганмоққа киришганлар. Ўн олти ёшларида оналари ва акалари билан бирга ҳажга бориб, тўрт йил Маккада яшаганлар»⁸⁷.

Ҳадисларни қайта-қайта кўчиришлар кишилардан билим, кунт ва сабр-тоқат, маълум даражада эстетик дидни талаб қилган.

Ислом дини Марказий Осиё ҳудудларига етгач, бу ерда гуркираб ривожлана бошлади. Ислом дини таълимоти билан маҳаллий халқлар маданиятини бирлашиши фан, таълим, маърифат, ҳатто иқтисодиёт ва ҳуқуқий тизимлар ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Ислом дини хусусиятларини ўрганиш, ушбу соҳадаги оммавий боғланишлар кенг тус олди. Масалан, Имом ал-Бухорий яшаган даврда илмга чанқоқ кишилар кўп бўлган. Унинг ҳовлисига келган ҳар қандай илм талаб кишига олим илм ўргатишни қанда қилмаган. Шундай воқеалар ҳам бўлганки, подшоҳ ёки султонлар у кишини ўз саройларига боришини талаб қилганлар ва зарур бўлган китобларни келтириб ўқиб тушунтиришни ёки болаларга таълим беришни сўраганлар. Бундан норози бўлган Имом ал-Бухорий охир-оқибатда саройга боришдан бош тортган ва натижада шаҳардан ташқарига қувғин қилинган. У. Алимов айтишича, «Имом Бухорий она юртлари Бухорога қайтиб келгач, ҳадис илмини тарғиб этишга киришадилар. Аммо амир Холид ибн Аҳмад аз-Зухлийнинг фитналари туфайли Бухорони тарк этишга мажбур бўлдилар ва Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида истиқомат қилиб қоладилар»⁸⁸. Чунки, илмга кунт билан, меҳр ва меҳнат орқали эришилган. Илмни меҳнатсиз, бировларнинг заҳмати эвазига эгалладиган нарсга деб тушуниш бекор эканлиги, илмга шоҳ ҳам гадо ҳам тенг дея таъкидлаган. Имом ал-Бухорийнинг Хартанг қишлоғида вафот қилишлари бевосита ушбу воқеа билан боғлиқ.

Ўрта асрларда, сарой девонларида китоб, рисола ва ҳужжатларга эътибор, уларни сақлаш, авлодлардан авлодларга етказиш, улардан самарали фойдаланиш анъаналари бор эди. Замонавий давлат тартиботини (яхши маънодаги бюрократияни) айрим мутахассислар Австрия мамлакатининг

⁸⁶ Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 1-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 5.

⁸⁷ Ўша жойда.

⁸⁸ Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 1-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 6.

ихтироси дея таъкидлайди. Биз бу фикрга қўшилишимиз қийин. Чунки Бағдод халифалари томонидан бир неча асрлар давомида яратилган давлат тизими яхши ва самарали ишлаб келган, бу эса, ўз навбатида, китоблар ва ҳужжатлар намунали сақланганлиги ва улардан фойдаланишнинг натижасидир. Китоб ва ҳужжатлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилиб, қоғоз ҳужжатларини матога елимлаб ўраб, шу ҳолда архивда сақлар эдилар. Ёзма маълумотлар жуда эҳтиётлаб сақланган ва тарқатилган, бу эса ўша даврларнинг талабларидан ҳисобланган.

Бундан ташқари, саройларда бахс-мунозаралар ўтказилиб турилган. Илмий коммуникацияларнинг сифати ва самаралари бир хил пайтлари тўғри усуллардан фойдаланишга боғлиқ бўлса, бошқа пайтларда ноилмий усулларни англаш ва улардан фойдаланмаслик масаласига ҳам бориб тақаларди. Ўрта аср мутафаккирлари бунга ҳам эътибор берганлар.

Шунингдек, Форобий ёзганидек: «Арасту, амалий фанларга эришишнинг учта усули бор деб тушунтиради, улар: 1) ҳис-сезги ёрдамида; 2) ҳис-сезги орқали эришилган билимлардан миқдор жиҳатдан кўпроқ бўлган биринчи (жибиллий) билим ёрдамида; 3) таҳлил, текширувлар ёрдамида. Назарий фанларда ҳам шулар борга ўхшайди. Эришишнинг уч усулига идрок этишнинг уч усули тўғри келади: 1) ҳис-сезгилар; 2) ҳис-сезгидан олинган билим маълумотидан кўпроқ бўлган биринчи билим маълумотлари; 3) текширув, таҳлил натижасида олинган маълумотлар. Текширув, таҳлил натижасида олинган билимларни дастлаб, ҳали текширилмаган нарсалардан олинади»⁸⁹. Билим олиш, борлиқни ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнлари инсон ақлини мукаммаллаштиради. Назарий билимлар кунт билан изланишни талаб этар экан, амалий билимлар кишилардаги тафаккур ғояларини ривожлантириб янги ғоялар билан бойитади. Мазкур тамойиллар муаллифнинг ушбу асарида ўз аксини топган. «Билимларнинг биринчи хили «амалий», иккинчиси эса «назарий», – деб аталади»⁹⁰.

Ўрта Осиё олимларининг ижодида фанлар таснифи ҳам кучли бўлган эди ва мазкур классификация асрлар давомида тарғиб қилиниб, Европа орқали бугунги кунга келиб ривожланган шаклга эга бўлди. Фаннинг ушбу конкрет йўналишидаги илмий коммуникациялар ўрта асрларгача икки минг йиллик тарихга эга бўлган. Чунки фан йўналишларининг биринчи таснифлари милоддан аввалги VII-VI асрларда софистлар ижодида намоён бўлган эди. Бундай таснифлар Суқрот, Афлотун, Арасту орқали қадимий Рим олимларигача етиб келди. VI асрларда эса эрон шоҳи Хусрав Анушервон ташкил этган академиялар бу бой тажрибани ўзлаштириб, кейинча Бағдодда очилган дорулфунун олимларига етказди. Шундай қилиб, Мусулмон Ренессансига асос солинган эди. Марказий Осиё мутафаккирлари ушбу жаҳон тамаддунини белгиловчи эстафетани самарали давом эттирдилар.

Масалан, Форобийнинг асарида фикримизни исботловчи қуйидаги фактларни кўришимиз мумкин: «Фан талаб этадиган жиҳатни аниқлаш учун

⁸⁹ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ Мероси», 1993. – Б. 54.

⁹⁰ Ўша жойда. – Б. 52.

фойдаланиладиган дастлабки маълумотлар «муқаддимот» деб аталадилар. Фан текширадиган нарсаларни «матлуб ал-мақсад» деб, ўрганилганларини эса – «хулосот» деб атайдилар. Шундай қилиб, бу уч нарсанинг ҳаммаси олдиндан мавжуддирлар»⁹¹.

Бу мавжудликни, яъни унинг фан чўққиларини забот этувчи ақлнинг маълум ҳосиласи сифатида ифодаланишини Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида айтиб ўтади. Албатта, буларнинг ҳаммаси, энг аввало, олимлар ўртасидаги илмий коммуникация, кейинча эса олимлар ва кенг омма ўртасидаги илмий боғланишлар натижасида амалга оширилиши мумкин эди.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда амалга ошириладиган илмий коммуникациялар маълум бир принциплар асосида олиб бориладди. Биз юқорида келтирган мисоллардан объективлик, ҳаёт билан боғлиқлик, ҳақиқатгўйлик, тизимлилик ва бошқа принципларни чиқариш қийин эмас. Энди биз бундай коммуникациянинг яна бир муҳим принципини келтирмоқчимизки, бу принципсиз илмий боғланишларни амалга ошириб бўлмайди. Чунки фан шундай бир ижтимоий соҳаки, уни ҳамма ҳам бемалол тушунавермайди.

Шунинг учун ҳаммабоплик, тушунарлилик принципи ҳам илмий боғланишларда муҳим роль ўйнаган. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний шундай деб ёзган: «Мен бу китобни шу фанда йўл қидириб истифода этадиган (ўқувчига) малол келтирмайдиган тарзда туздим: ҳар бир боб ҳиссасини, имкон борича, тўла бердим ва у бобда тугал гапирмай туриб, сўзни бирон китобга ҳавола қилмадим»⁹². Бундай мисоллардан Марказий Осиё олимлари ўз илмий асарлари устида ниҳоятда чуқур ишлаганликлари ва уларнинг мазмунини иложи борича тушуниш осон бўлган шаклларда берганликларини кўриш мумкин.

Илм шундай бир соҳаки, энг аввало, уни илмий боғланишларни амалга оширувчининг ўзи, яъни, олим ўзлаштириши керак. Илмни ўзлаштириш ҳам, уни тарғиб қилиш ҳам фақат илмий коммуникация жараёнида ҳаётга татбиқ этилиши мумкин. Масалан, биз бирор-бир киши якка ўзи хонада ўтириб китоб ўқишини ҳам биз илмий коммуникация жараёни деб биламиз. Чунки бундай пайтда китобхон китоб муаллифи билан билвосита мулоқотга киришади. Ўз-ўзидан маълумки, илмий баҳслар, мунозаралар, муносабатлар ҳам илмий коммуникацияларнинг кўринишлари, чунки бундай жараёнларда одам ўз фикрининг исботини топади ёки унинг рад этишининг гувоҳи бўлади.

Илмий маслаҳатлар эса ўша даврларда илмий коммуникациянинг кенг тарқалган усули эди, бу ҳақда Беруний, Форобий, ибн Сино ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида мисоллар бор. Масалан, Низомулмулк ўз асарининг бир жойида шундай дейди: «Ҳар бир ишнинг тадбирини донолару кексалар, дунё кўрган кишилар билан ҳал қилиш керак»⁹³. Низомулмулк ўз мулоҳазалари орқали ҳар қандай кишиларга ишонмасликни маслаҳат беради

⁹¹ Ўша жойда. – Б. 54-55.

⁹² Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. Т.1. – Т.: «Фан», 1968. – Б. 414.

⁹³ Низомулмулк, Абу Али. Сиёсатнома. – Т.: «Адолат», 1997. – Б. 92.

ва олимлар билан фикрлашиш кераклигини уқтиради.

Абдураззоқ Самарқандий: «Жонпарвар сўз худди инсон руҳидек абадий боқийлик топади ва офтоб шуъласи каби барча оламга нур сочади...»⁹⁴, дея инсон нутқиға юксак баҳо беради. Бошқа муаллифларга нисбатан Самарқандий сўз бойлиги, ҳиссиётли билимлар теранлиги билан ажралиб туради.

Олимларни мулоқотга жалб этиш илмий алоқаларнинг асосий мақсади ҳисобланади. «Умнатлардан етишган уламоларнинг билимдонлари ва имомлардан етишган фозилларнинг улуғлари орасида ҳар бирининг хатти-ҳаракат турлари пайғамбарлар саййиди (Мухаммад)нинг мустаҳкам дини корхонасига мадор бўлган, билимлар офтобидан Муштарий (ситораси) саодат ёруғлигини қарз олувчи, зийракликдаги маҳоратларидан эса Уторид (ситораси) илмлар сирларини (очишни) илтимос қилувчи тўрт кишини олий мадрасага мударрисликка тайин қилдилар... Буларни (вазифага) ўтирғизиш кунни ҳоқони саид ҳазратлари у муборак ерга ташриф буюрди ва замона улуғлари ҳам одамзод фахрланувчи кишилар ҳозир бўлдилар. Мазкур билимдон олимлар фикҳ, тафсир каби ислом илмлари бўйича дилга ёқимли ифодалар билан дарс беришга машғул бўлдилар ва баён қилиш майдонида илғорлик тўпини билим чавғони билан барчадан илгари сурдилар»⁹⁵. Кўриниб турибдики, ўрта асрда мадрасаи олияларда ўқитувчи бўлишга эришиш учун номзодлар оммавий илмий боғланишлар соҳасида маҳорат кўрсатишлари зарур эди: мустаҳкам билимга эришиш, дилга ёқимли дарс бериш, баён майдонида илғорлик қилиш. Мударрисларни вазифага ўтирғизишни эса олий шахс – ҳазрати ҳоқони саиднинг ўзи амалга оширган.

Маслаҳат, кенгаш шаклидаги илмий коммуникация ҳақидаги фикрлар бошқа китобларда ҳам учрайди.

XV асрда илмни қадрлашга бўлган эътибор ҳақида Самарқандий шундай ёзади: «Илмлар ҳақиқати, ақлий ва мафҳум (нарсалар) нозикликларидан, сирлар кашфиёти ва (илоҳий) нурлар болқишидан сўзлаш ҳамда имтиҳон майдонини камолот ва аминлик суворийлари билан бирга босиб ўтиш иши гарчи баланд ҳимматга муносиб ва ўткир табиат учун ёқимли бўлса ҳам, аммо менинг ортимда бир малик бордирки, у мени ана шу ёзаётганимдан нарига ўтишга қўймайди»⁹⁶. Демак, ўрта асрларда Шарқ мамлакатлари тарихчиларининг кўпи чуқур билим соҳиби бўлган борлиқ бўйича тушунчалар инсон билими ёрдамида яратилганлиги ҳақида тегишли маълумотларга ҳам эга бўлишган. Илмли киши тарихий ва фалсафий фикрлар нозиклигига ета борадиган, уларни англаб оладиган қобилиятга эга бўлиши кераклигини таъкидланган.

Илм ўткир табиатли инсонларга хос ва шундай шахсларни яратади ҳам. Барча даврларда илм сабоқ бўлганлиги учун уларни янгиликларга етиб боришга ва шу сабабли жамоавий коммуникацияни ривожлантиришга ундаган.

⁹⁴ Самарқандий А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 55.

⁹⁵ Ўша жойда. – Б. 155.

⁹⁶ Самарқандий. А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 57.

Олимлар кузатувларича, илмий коммуникациянинг асосий воситаларидан яна бири тилдир. Айрим мутахассислар, тил – одамлар ўртасидаги боғланишларнинг ягона усули, деб ҳисоблашади. Мазкур нуқтаи назар ҳатто баъзи замонавий постмодернистларга ҳам хос. Буюк Британиялик тадқиқотчи Ф.Уэбстер таъкидлайдики, постмодернистлар фикрича, дунё ҳақида билган барча маълумотларимиз бизга тил орқали етиб келган... Тил – бизгача етиб келадиган ягона реаллик. Ушбу фикрни бир вақтлари Мишел Фуко қуйидагича ифодалаган: «Борлиқнинг ўзи йўқ; барча бор нарсалар – тилдир...»⁹⁷. Ва яна: «Барт (Роланд Барт – М. С.) ва унинг тарафдорлари тарқатган принципга мувофиқ тил – биз англаб олишимиз мумкин бўлган ягона реаллик, бу реаллик тарихдан социологиягача барча фанларга тегишли»⁹⁸ бўлган.

Ушбу фикрга биз тўла қўшилишимиз қийин. Чунки, лингвистик тушунча (код)лардан ташқари янада паралингвистик ва кинетик кодлар бор. Бундай кодлар айнан журналистика учун муҳимдир. Шу билан бирга айтишимиз зарурки, балки постмодернистлар тил деганда учала кодни ҳам назарда тутгандирлар. Ҳар ҳолда, Ф.Уэбстер китобидан буни аниқ англаб бўлмади.

Шунингдек, «Қадимги ёзма ёдгорликлар» асарида баён этилишича: «(Шаклига кўра Самарқанд ва Бухоро турк ёзувидан узоқдир). Умуман олганда, ушбу матнлар, айниқса, суғд хатининг сўнгги тезкор турида битилганлари хаттотлик белгилари, вазифаси жиҳатдан суғдийдан уйғур хатига ўтиш ва унинг туркий тилга мослашув жараёнини акс эттирган»⁹⁹.

Бундан маълум бўлиб турибдики, тилнинг хусусиятларини билиш ва улардан фойдаланиш илмий коммуникацияни самаралироқ амалга оширишга ёрдам беради.

Амир Темурнинг ёнида юриб доимий кузатувда бўлган Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарини халққа тушунарли фикрлар билан етказмоқлик учун бел боғлаганлигини айтиб, «Олимлар мақбул сўз ҳақида шундай деганлар: «Яхши ва равон сўз улдириким, авом халқ унинг маънисини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай. Шунинг учун айтмишлар (байт):

Гар истейдод бўлмаса, ҳеч ким айтолмас,
Хосга мақбулу омма тушунгудек сўзни».

Амир Соҳибқирон ҳазрат: «Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлайман», деди»¹⁰⁰. Ўз китобини ёза бошлар экан, Амир Темур давлат раҳбари сифатида объективлик талабига жавоб берадиган, аниқ ва равон, халққа тушунарли сўз ва нутқнинг тарафдори бўлганлигини таъкидлаб, унинг орзу ва талаблари асосида асар яратишни ният қилган.

Антик даврлардан бери мунозара, баҳс ҳақиқатни излашнинг етакчи йўли

⁹⁷ Уэбстер Ф. Теории информационного общества. Ингл. тилидан таржима. Е.Л. Вартанова муҳаррирлиги остида. – М.: Аспект Пресс, 2004. – Б. 331.

⁹⁸ Ўша жойда. – Б. 332.

⁹⁹ Қаюмов А., Исхақов М., Отахўжаев А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 121.

¹⁰⁰ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 23.

бўлиб келмоқда. Маълумки, бу усулга Сукрот асос солган эди, усулнинг номи дастлаб диалектика, кейин эса диалог деган ном олди. Ўрта асрлар ва кейинги даврларда ушбу усул ўз кучи ва таъсирини сақлаб келди. Фақат Гегелнинг ижодида «диалектика» сўзи тўла маънода билиш усулига айланди, бундан олдин бу сўз «баҳс маҳорати» маъносини англатган. Биз ўрганадиган даврда битилган асарларда олимлар билан доимий мунозарада бўлиш ҳақидаги маслаҳатлар ҳам баён этилган. Баҳс илмий коммуникация жараёнида тўғри йўлни танлашни, ҳақиқатга мувофиқ фикрлашни ва ҳаракатларни таъминлаган.

Беруний Ҳиндистон ҳаёти ва илми ҳақида ёзар экан, китобат тузиш тартиблари ва яратиладиган асарлар халқларнинг турли қарашлари ва характерларига мослигини ҳам айтиб ўтади.

Китоб тайёрлашда ҳам ўрта аср мутафаккирлари илмийлик меъёрларига риоя қилганлар. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари ҳақида айтганки, «шу китобнинг аввалида мен айтган шартни кўзда тутиб, хаддан ташқари ерга ҳам уришмаган ва юқорига ҳам кўтаришмаган»¹⁰¹. Бундай объективлик китоб яратиш жараёнидаги илмий ёндашувнинг кўрсаткичидир.

Ўрта асрларда одамларни бир жойга боғлаб қўйиш имкониятлари унча ҳам ривожланмаган эди, масалан, паспорт тизими, рўйхатга қўйиш ва бошқалар йўқ эди. Шунинг учун подшоҳнинг энг ишонган одамлари бўлиб унинг барқарорлигини таъминлайдиган, шахсан ўзи танийдиган ва ишонадиган одамлар хизмат қилар эди: дин арбоблари, ҳарбий қўмондонлар, марказий ва маҳаллий ҳокимият вакиллари ва бошқалар. Айни пайтда маърифатли подшоҳлар томонидан олимлар ҳам кадрланарди. Масалан, «амир Маҳмуд ҳузуридаги уламолар нафақат дин масалаларини яхши тушунар эдилар, шу билан бир қаторда улар олимлар ҳам эдилар... Илмни қанча яширмасанг, у мушку амбар каби хушбўй ҳид таратади»¹⁰², – деб ёзади бу ҳақда Байҳақий.

Олимлар бўладиган воқеаларнинг объектив таҳлилини (подшоҳнинг феълени эътиборга олган ҳолда), истиқболни ишлаб чиқишда саройга ёрдам берардилар. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, илмий коммуникациялар шаклида амалга оширилар эди.

Ўша даврларда турли манбаларни тўғри таржима қилиш ҳам илмий коммуникациянинг муҳим кўриниши бўлган. «Бу китоб («Бухоро тарихи» – М.С.) араб тилида, гўзал иборалар билан уч юз ўттиз иккинчи йил ойларида (4 сентябрь 943 – 23 август 944) ёзилган эди... Дўстларим мендан у китобни форс тилига таржима қилишни илтимос қилдилар. Мен (таржимон Абу Наср Аҳмад ал-Қубовий, Қува шаҳридан – М.С.) илтимосни қабул қилдим ва беш юз йигирма иккинчи йилнинг жумод ал-аввал ойида (май, 1128) китобни форс тилига таржима қилдим»¹⁰³. Бундан кўриниб турибдики, минг йилга яқин вақт давомида барча олимлар томонидан энг қимматбаҳо тарихий

¹⁰¹ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 75.

¹⁰² Байҳақий, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 289.

¹⁰³ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 88.

манбалардан бири сифатида ўрганиб келинган Наршахийнинг асари оригинал эмас, балки таржима экан. Шунингдек, «Темур тузуклари» асарини Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий таржима қилган. Бунинг тарихи қуйидагича: «Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий Арабистондан қайтишда Аграда Бобурий Шох Жаҳон (1628-1657)нинг хизматига кирган ва ўшанда унинг илтимоси билан «Тузуки Темурий»ни эски ўзбекчадан форс тилига таржима қилиб, мазкур подшоҳга тақдим этган. Бу ҳақда ҳиндистонлик машҳур тарихчи Абдулҳамид Лоҳурийнинг «Подшоҳнома» китобида муҳим маълумот бор. Олимнинг айтишича, ҳижрий 1047 (милодий 1637-38) йили Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатий Шох Жаҳонга «Тузуки Темурий» деган форсча китобини тақдим этган. Шох Жаҳон таржима билан танишиб чиқиб, унда айрим ноаниқликлар ва камчиликлар топган ва йирик олим ва ёзувчи, Декан вилоятининг қозикалони Муҳаммад Ашраф Бухорий (1652 йилда вафот этган)ни ҳузурига чақиртириб, Мир Абу Толиб ал-Хусайний ат-Турбатийнинг мазкур таржимасини... хато ва камчиликларини бартараф қилишни топширган»¹⁰⁴.

Абу Райҳон Беруний ҳам илмий манбаларга асосланган ҳолда ўзидан олдинги тарихчиларнинг илмий мулоҳазаларини эътиборга олиб, ижод қилади: «Энди гапни бу масалаларни умумий ва бош қисмлари баёнига буриб, буларга шу хусусда таъриф этилган китоблардан, масалан, ал-Кулсумий китоби, Иброҳим ибн ас-Сарий аз-Зажжож китоби, Абу Яъҳё ибн Куноса ва Абу Ҳанифа ад-Дийнаварийларнинг анво ҳақидаги китоблари, Абу Муҳаммад ал-Жабалийнинг ёритқичлар манзараларини билиш тўғрисидаги китоби, Абу-л-Хусайн ас-Суфийнинг турғун ёритқичлар ҳақидаги китоби ва бошқа китоблардан топилган бир қанча мисолларни қўшамиз»¹⁰⁵. Бундай усулни биз икки турдаги илмий коммуникация деб баҳолашга ҳақлимиз: биринчидан, олимлараро алоқалар, иккинчидан, асар ва китобхонлар орасида боғланишлар.

Асл манбалардан фойдаланишнинг ахлоқи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Илмий маданиятнинг кўринишларидан биттаси – асл манбанинг у қандай бўлса-да, худди шундай келтириш. Чунки бунинг жиддий сабаблари бўлиши мумкин. Масалан, Абу Райҳон Беруний халқларнинг тарихини баён қилишда ўзини ортиқча мулоҳазалардан сақлайди ва буни қуйидагича изоҳлайди: «Эрон ойлари ҳақида гапирар эканман, фақат уларнинг сўзларини ҳикоя қилишим ва ўзимдан ҳеч нарса қўшмаслигим керак, чунки уларнинг хабарларида ёлғон ва мумкин бўлмайдиган тегсиз гаплар кўп. Лекин фойдали бўлган жойда гапирмай, фойдага халал етказиш насихатни тарк этиш бўлади»¹⁰⁶.

Илмий коммуникацияни фақатгина асосли манбаларга таяниб, амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ўрта аср мутафаккирлари зарур бўлган пайтларда улар ўрганилаётган адабиётларни қайта-қайта текшириб, ўзлари учун ўзига хос танқидий матнни тузиб ундан фойдаланганлар. Акс

¹⁰⁴ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. – Б. 4.

¹⁰⁵ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 397.

¹⁰⁶ Ўша жойда. – Б. 266.

ҳолда нотўғри маълумотларни келтириб, хатоларга йўл қўйиш ҳеч нарса эмасди.

Мазкур хатоларни бошқа замондош ёки кейинги авлодлардан чиққан мутахассислар топганларида, қилинган меҳнат пучга чиқарди. Бундай воқеалар тарихда кўп бўлган. Аммо Берунийга ўхшаган донолар билан эмас, чунки бундай олимлар ўз илмий тадқиқотларига жиддий муносабатда бўлган. Масалан, муаллиф «Баъзи тарихларни бошқасидан ҳисоблаб чиқариш» номли асарида шундай ёзади: «Бу бобда айтилган ва бизгача етиб келган мулоҳазаларни исботлаб, ваъдага вафо этдик ва куч сарф қилиб, имкони борича, уларни тузатдик. Энди айтамик: агар маълум бир вақтни ёки машхур бир муддатни олиб, уни ўзимиз баён этган турли фикрларга солиштирсак, буларга мувофиқ келмайди, фақат айтиб ўтилган аҳволнинг баъзисигагина мос келади. Шунинг учун ҳар бир нарсани ўз жинсидан қидириш керак бўлади»¹⁰⁷.

Журналистика соҳасидаги мутахассисларга бирор-бир фактни аниқлаш учун уни бошқа манбалар орқали текшириб кўриш кераклиги маълум. Бу – муаллиф фикрларининг тўғрилигини таъминлайдиган йўл. Ушбу усулдан ўрта аср олимлари кенг фойдаланган. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Агар биз Байтулмуқаддаснинг Бухтанассар томонидан аввалги вайрон этилиши билан Искандар даври ўртасидаги (муддатни) билмоқчи бўлсак, Эрон тарихларидан биринчи қисмининг жадвалларида у муддатни уч юз қирқ саккиз йил, калдоний подшоҳларининг жадвалларида икки юз тўқсон уч йил эканини кўрамиз, яҳудийларнинг эса (у муддатни) бир юз ўн йил деб гумон қилганликларини учратамиз»¹⁰⁸. Турли мустақил манбалардан фойдаланиш асар илмийлигини таъминлаши муқаррар.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, Ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаган машхур ёзувчилар, подшоҳлар, олим аҳли кенг жамоатчилик талабларига жавоб берадиган илмга эга бўлишган. Уларнинг бир қисми ўз асарларини подшоҳ, амир, султонлар маслаҳатлари ва назорати остида ёзган. Тарихда ном қолдирган муаллифлар аниқ манбалар орқали илмий шаклда ўз фикрларини баён этишга ҳаракат қилганлар. Илмий боғланишлар эса фан ва техника, дин ва дунёқараш, бутун жамият ривожланишига сабаб бўлди.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда сарой билан халқ ўртасидаги алоқаларни яхши йўлга қўйиш учун оммавий коммуникацияларнинг турли тадбирлари ишлаб чиқилган. Подшоҳлар ўз вазирлари билан биргаликда давлат бошқарувини ривожлантиришда алоқа воситаларининг ҳар хил усулларида фойдаланганлар. Жамият шаклланишида маданий алоқалар биринчи ўринда турган, улар аста-секин ниҳоятда кучайган ва натижада халққа ахборот етказиш кенгая борган.

Оммавий коммуникацияларнинг кўриниши сифатидаги маданий алоқалар инсоният тарихи давомида яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуаси бўлиб, жамиятнинг цивилизацияси маъносига тенг тушунча

¹⁰⁷ Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 149.

¹⁰⁸ Ўша жойда. – Б. 149.

сифатида илмий, таълимий, адабий, маъмурий, ҳуқуқий каби йўналишлар билан боғлиқ ҳолда ривожланган.

Тадқиқот юзасидан ўрганилган даврларда ёзилган асарлар таркибида бевосита таълим, тарбия, маданият мавзуларига бағишланган манбалар жуда кўп учрайди. Тарихий асарларда замонавий дунёқараш ва диний қарашлар бевосита бир-бирига боғлиқ тарзда ёритилган.

Чунки даврга мувофиқ, одамлар борлиқни бевосита дин билан боғлаб тушунган, унга қаттиқ ишонишган, шу туфайли ҳам диний қарашлар чексиз ривожланган ва бу қарашларда кенг маънодаги маданий, ҳуқуқий, иқтисодий, эстетик, ахлоқий муносабатлар, таълим - тарбия, масалалар акс этган.

Таълим доимий равишда маданият, тарбия, илм-фан ҳамда инсон ҳаётининг бошқа қирралари билан чамбарчас боғлиқлигини ҳам кўп асарлар мисолида кўриш мумкин.

Таълимнинг асосий ўчоқлари бўлган масжидлар, мадрасаларда таълим якка ёки гуруҳ тартибида олиб борилган. Ўқиш ва ёзишни билган маълумотли кишилар юксак кадрланган, натижада халқ орасида билимга интилувчилар сони орта борган. Давлат ҳукмдорлари ва сарой аъёнлари билим ўрганишни шараф деб билганлар. Манбалардан кўринадики, ўқитиш тизими ўша даврлар мезонларига мувофиқ яхши йўлга қўйилган.

Дин ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларидан бири бўлган, шу боисдан диний коммуникация илмий коммуникациянинг кенг тарқалган шакли деб қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўрта асрларда оммавий коммуникация, табиийки, бугунгидан бошқача шаклларда ривожланган. Бир неча юз ёки бир неча минг одам учун бевосита ёки билвосита ахборот тарқатиш чинакам оммавий коммуникация бўлиб хизмат қилган.

2-боб. ЖАМИЯТ ВА МИЛЛАТНИ ШАКЛЛАНИШИДА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1. Маъмурий коммуникация

Жамият ва миллатни шаклланишида қайси бир ташкилий тузилма кўпроқ аҳамиятга эга, деган савол қўйилса, албатта, биринчи ўринда давлат бошқаруви тилга олинади. Ўрта асрларда Марказий Осиёда оммавий коммуникация ёрдамида давлатлар қандай бошқарилган? Ушбу масалани бир қатор китоблар мисолида кўриб чиқиш мумкин. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида шундай маслаҳатлар берилади: «Соҳиби қонун биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан фармон беришни билиши зарур, дейди. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий этолмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди»¹⁰⁹. Демак, маъмурий бошқарувнинг муҳим вазифаларидан биттаси – қонунларни тайёрлаш ва улар ёрдамида давлат бошқарувини таъминлаш. Қонун чиқарувчи ҳам шу қонунларга амал қилиши зарур, акс ҳолда, Форобий айтганидек, унинг сўзлари қўли остидагиларга таъсир этмайди.

Соҳиби қонун тарихий анъаналарни, фалсафа, ҳуқуқ ҳақидаги асарларни ўрганиб, қонун чиқаришни уддалаши ва фармон бериш санъатини ўрганмоғи шарт. Бу ҳақда Форобий қуйидагича гувоҳлик келтиради: «Сўнгра Афлотун соҳиби қонунга мурожаат этиб, агар соҳиби қонун ёшлигидан бошлаб давлат ишлари бўйича фойдали машқлар қилиб юришга, давлат ишларининг тўғри ва нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритишга ўрганган бўлса, у ҳолда вақти-вақти билан ўзи устидан назорат ўрнатиши ҳамда авваллари шуғулланган ва ҳозир ҳам давом эттираётган машғулотларига сабот, қунт билан қараши зарурлигини тушунтиради»¹¹⁰. Форобийнинг ушбу асарида Афлотун каби олимларнинг қўлёзмаларида айтилган фикрларнинг керакли қисмларини ривожлантирилиб, шарҳланиб, кейинги авлодларга етказилди.

Бошқа бир жойда муаллиф шундай деб ёзади: «Ҳокимлар ўртасида табиий тартибни ўрната олмаган қонун чиқарувчи кўп ўтмай масҳара бўлади ва ниҳоят унинг ишлари тушунарсиз бўлиб, чиқарган қонун ҳамда у билан шаҳарнинг ўзи ҳам инқирозга юз тутиши мумкин»¹¹¹. Фикримизча, давлат бошқарувида ҳокимлар фаолиятига эътибор берилганлиги ва ушбу меъёрлар оммавий боғланишлар ёрдамида кенг тарғиб қилинганлиги боис ушбу китоб мумтоз асарга айланди.

Ўрта асрларда битилган бошқа асарларда ҳам давлат бошқарувининг ҳар хил шакллари ва улар ҳақидаги маълумотларни оммага етказиш зарурлиги юзасидан фикр юритилади. Масалан, Наршахий шундай ёзади: «Ҳамукентдан келган ҳар бир киши (амирнинг) яқин кишиларидин бўлади»

¹⁰⁹ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ мероси», 1993. – Б. 20.

¹¹⁰ Ўша жойда. – Б. 21.

¹¹¹ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ мероси», 1993. – Б. 39.

деган буйруқ бўлди»¹¹². Амирнинг буйруғи бошқарувнинг бир усули сифатида хизмат қилган. Ҳамукентдан келган бир киши амирга тегишли, унга яхши муомала қилиш, иззат-хурмат кўрсатиш зарур, деб тушунилади, чунки келадиган меҳмоннинг қадрияти буйруқ билан тасдиқланган. Бошқача қилиб айтганда, унинг юқори мақоми подшоҳ томонидан белгиланган.

Бошқа ўринларда ҳам буйруқ шаклидаги маълумотларни кўпчиликка етказиш зарурати ҳақидаги фикрлар бор. Масалан, «Бухоро халқи Хуросон амири Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Талха ат-Тоҳирин томонидан Бухоро амири бўлиб турган Аҳмад ибн Холиддан: «Шаҳримиз атрофида девор бўлиши керак, токи биз кечаси дарвозаларни беркитиб, ўғрилар ва йўлкесарлардан тинч бўлайлик», – деб илтимос қилдилар. Шундан кейин у девор уришга буюрди ва жуда яхши маҳкам девор уриб, миноралар қурдилар, дарвозалар ўрнатдилар»¹¹³. Маълумки, Бухоро атрофи девор билан ўралган бўлиб, кейинчалик унинг 12 дарвозаси бўлган. Шундай қилиб, раҳбар буйруғи маълум бир маълумотни кўпчиликка етказиш хусусияти туфайли оммавий коммуникациянинг муҳим тури ҳисобланади.

Наршахийнинг китобида ўрта асрларга хос давлат бошқаруви ҳақида кўп мисолларни кўриш мумкин. Тадқиқотимиз учун китобнинг муҳимлиги, биринчидан, айнан ўрта асрларда ёзилгани билан, иккинчидан, унда ўша даврдаги оммавий коммуникациялар ҳақида аниқ ва бой маълумотлар борлиги билан шартланади.

Масалан, Исмоил Сомоний давлатида ўнта девон бор эди. Бугунги кун ўлчови билан биз уларни вазирликлар деб баҳолашга ҳақлимиз. Булар мудофаа, молия, ички тартиб, алоқа ва бошқа девонлардир. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мазкур девонлар катта ҳажмда маъмурий йўналишдаги оммавий боғланишларни амалга оширган. Китобда айтилишича, дастлабки девонлар тахминан бир неча аср олдин ўз фаолиятини бошлаган.

Наршахий баён қилишича, “Амири саъид Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний Регистонга бир сарой (қуришни) буюрди; ғоятда гўзал бир сарой қурдилар; (Амир) бунга кўп мол сарфлади; у ўз саройи дарвозаси олдида амалдорлари учун сарой қуришга буюрди, уни ҳам қурдилар, шундайки, ҳар бир амалдорнинг подшоҳ саройи дарвозаси олдида қурилган ўз саройида алоҳида девони бор эди; масалан: вазир девони, молия (кирим-чиқим) ишлари девони, давлат ҳужжатларини бошқариш ишлари девони, соқчилар бошлиғи девони, хат-хабарлар мутасаддиси девони, сарой иш бошқарувчиси девони, давлат хос мулклари девони, мухтасиб девони, вақфлар девони, қозилик ишлари девони»¹¹⁴.

Исмоил Сомоний қобилятли раҳбар бўлган. Унинг давлатни ривожлантириш учун доимий курашгани, вазирларининг самарали фаолиятлари боис мамлакати гуллаб яшнагани ва сарой девонлари анча ривожланиб катта аҳамиятга эга бўлиши фикримизнинг далилидир. Бу ҳақда Адам Мец ҳам ўз китобида ёзган. Натижада Исмоил Сомонийнинг давлати

¹¹² Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 91.

¹¹³ Ўша жойда. – Б. 113.

¹¹⁴ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 105-106.

катта ҳудудни эгаллаб турган эди, чунки у давлат бошқарувида турли йўналишдаги коммуникация шаклларида кенг ва унумли фойдаланган. Хат ва буйруқлардан ташқари амир маслаҳат кенгашларини ҳам ўтказган ва мазкур маслаҳат кенгашларида кўпчиликнинг фикрини эшитиб, асосли қарорлар қабул қилган. Кўпчилик билан бамаслаҳат ишлар қилинганлигидан хулоса чиқариш мумкинки, ўша вақтда ҳам раҳбарлар томонидан халқ ва жамоатчилик билан боғланиш, уларнинг фикрини эшитиш амалга оширилган. Исмоил Сомоний нафақат ўзи яшаган вақт хусусиятларини, шу билан бир қаторда олдинги даврларнинг тарихий тажрибасини, адолатли подшоҳлар фаолиятини ўрганган.

Хабарни подшоҳга етказиб бориш ўша вақтларда ҳам осон эмасди, лекин кўпгина адолатли подшоҳлар давлатни тўғри бошқариш мақсадида оммавий боғланишлар ёрдамида халқнинг фикрини эшитган ва унинг истакларини амалга оширган. Жумладан, оддий одамлар ҳам уларга ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлиши кераклигига эътибор берилган. Низомулмулкнинг ёзишича: «Нўширавон буйруқ чиқаради: бир занжирга кўнғироқларни шундай пастликда осилтириб қўйинглarki, етти ёшли боланинг ҳам қўли етсин. Бирор-бир мутазаллим саройга келса, эшик қоровулига иши тушмасину шу кўнғироқ ипини тортсин ва Нўширавон эшитиб, унинг додини тинглаб, чора қилсин»¹¹⁵. Соҳиби хабар подшоҳнинг энг ишончли хизматчилардан ҳисобланиб, у давлат раҳбарига аҳолининг хабарини етказиб туриши керак бўлган. Низомулмулк асарида акс эттирилишича, подшоҳ барча маълумотлардан хабардор бўлиши керак, агар хабар унга вақтида етказилмаса, бу давлат бошқарувида жиддий камчилик деб ҳисобланган ва бундай пайтларда хабар етказувчига нисбатан чора қўрилган.

«Сиёсатнома»да маъмурий коммуникациянинг бошқа усулларини ҳам учратиш мумкин. Масалан, Низомулмулк подшоҳ саройида ўтказиладиган мажлисга батафсил тавсиф беради. Биринчидан, келадиган одамлар сони аниқ кўрсатиларди. Чунки мажлисга қатнашиши керак бўлган кишиларнинг келиши ва ҳар бирининг қандайдир вазифани бажариши назарда тутилган. Иккинчидан, йиғилишга ортиқча одам келмаслиги талаб қилинган. Учинчидан, муҳокама қилинадиган масалага қараб, ҳар тоифа қатнашчиларини алоҳида йиғилиши, ҳар тоифага режалаштирилган маълумотни алоҳида етказилиши ва етиб боришини кузатилиши унинг бажарилишини таъминлашни назорат қилиниши ҳам йўлга қўйилган эди.

Низомулмулкнинг ёзишича: «Подшоҳга раият ва лашкар аҳволидан тўла хабардор бўлиш ва уларга қанча харажат кетишини билиш вожибдир. Агарда шундай бўлмаса, катта хато бўлади. Омиллар¹¹⁶ ситамкорликка қўл урадилар ва мамлакатда содир бўлаётган фасод ва золимликдан подшоҳнинг ё хабари бор ёки йўқ, дейдилар. Агарда била туриб ман қилмаса, унда у ҳам шуларга ўхшаган золимлик қилган ва ўзи зулму ситамга розилик берган бўлади ва агарда билмаса, демак, у ғофилдир. Ҳар икки ҳолат ҳам яхши эмас. Шундай

¹¹⁵ Низомулмулк, Абу Али. Сиёсатнома. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 43.

¹¹⁶ Омил – закотчи, хирож оладиган амалдор.

экан, соҳибхабарга ҳожат сезилади»¹¹⁷. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, соҳибхабар давлат бошқарувида муҳим ўрин эгалларди.

Маслаҳатга масъул одамлар маълум мавқе ва билимга эга бўлган кишилардан танланган. Подшоҳ қабулига кирган одамлар исми шарифи, қабулнинг мақсади ва уларга қандай кўрсатмалар берилганлиги ҳам назорат қилинган. Ушбу асарда бу ҳақда бир қанча маълумотлар бор.

Байҳақий, амир Шаҳобиддин сўзларини келтириб, ёзадики: «Бизнинг буйруғимизга биноан қамокхоналардаги бегуноҳларни назоратдан ўтказинг ва кишиларни кишанлардан ечинг, қачонким тинчлик бўлиб, бизнинг келишимиз овоза бўлиб, барча юракларга бориб етсин»¹¹⁸. Замонавий тил билан айтганда, бу – амнистия, афв, яъни кенг аҳолига ижобий таъсир кўрсатадиган маъмурий чора. Байҳақий амирлар ва маҳаллий раҳбарлар ўрталаридаги муносабатлари ҳақида гапирганда хат ёзишмалари кенг ёйилганини ҳам тилга олади.

Асарда амир Масъуд билан Гурган ва Табаристон бошлиғи Минучеҳр ўртасида узоқ вақт давомидаги ёзишмаларнинг асосий қисми махфий эканлиги ҳақида гапирилиб, «Қобуснинг ўғли Минучеҳр билан амир Масъуд ўртасида, амир Масъуднинг Ҳиротга келган чоғларида, доимий махфий ёзишмалар бўлиб турган. Минучеҳр амирга ўзининг бир одамини, яъни Ҳасан Муҳаддисни юбориб, амирга вақти-вақти билан хат ва одатий ахборотни етказиб турган»¹¹⁹, - дейди.

Давлат раҳбарлари вилоятлар ҳақида ҳам маълумотлар йиғиб турганлар. Одамлар ўртасидаги муносабатлар, аҳоли кайфияти тўғрисида подшоҳлар ўз вақтида керакли ахборотни билиб борганлар. Қисқаси, саройда ҳамма нарсадан хабардор бўлиш учун тегишли имкониятлар яратилган.

Китобдаги маълумотларга кўра, агар бирон-бир зодагонга лавозим берилаётган бўлса, вазир тегишли шартномани ёзарди ва у одамдан вазифаларни уддалаш ҳақида фикр сўрарди. Агар ижрочи бунга ижобий муносабат билдирса, подшоҳ шартномага қўл қўярди. Лавозимга тайинланган одам келишувдаги барча шартларни бажаришга сўз бериб, қасам ичарди. Фақат шундан кейингина ҳужжат ҳамманинг олдида эълон қилинарди ҳамда лавозим эгаси ўз ишини бошларди.

Хуллас, амалга тайинланаётган одамнинг бажараётган вазифалари ҳамманинг олдида баланд овоз билан эълон қилинарди. Амирлар ўзининг махсус муҳрига ёки узукка ишланган шахсий муҳрларига эга бўлган, бу узукларда улар хоҳлаган ёзув ва тасвирлар, масалан, амирнинг исмини ёки бошқа бирон-бир тимсолни акс эттириши расм бўлган. Хатлар ёки буйруқлар ишончли бўлиши учун улар узук билан муҳрланган. Масалан, амир Масъуднинг қўлида феруза тошидан ясалган узук бўлиб, бу узукда амирнинг исми ўйиб ёзилган.

Байҳақийнинг ёзишича, амир Масъуд саройи йиғилишларини кўп ҳолларда очик ўтказган. Уларга девон раҳбарлари, зодагонлар ёки бошқа

¹¹⁷ Низомулмулк, Абу Али. Сиёсатнома. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 65.

¹¹⁸ Байҳақи, Абу-л – Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 108.

¹¹⁹ Байҳақи, Абу-л – Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 205.

одамлар келиши мумкин бўлиб, хоҳлаган мурожаат қилсин, дейилган. Айрим подшоҳ ёки вазирлар девоннинг йиғилишлари ва эшиклари доимо очик, деб эълон қилган. Сарой ходимлари фуқароларни қабул қилиб турганлигини амир томонидан махсус тайинланган вакиллар эшитиб турган. Байҳақий вазир девони, ҳарбий девон, девонхона (канцелярия) ва сарой девонлари фаолияти ҳақида аниқ мисоллар келтиради. Муаллиф ёзишича, ижобий янгиликлар билан келганларни Масъуд яхши кутиб олган. Ҳатто карнай-сурнай садолари остида бундай хабарчиларга тўнлар кийдирган, даракчилар бутун аскарлар ичида юриб анчагина совға ҳам олганлар.

Подшоҳ саройида олий мажлис шаклида кенгашлар ҳам бўлиб турган. Айрим пайтлари бундай мажлисларнинг муҳокамалари эрталабдан тун ярмигача давом этган. Тартиб бўйича вазир кенгашда биринчи бўлиб ўз фикрларини билдириш ҳуқуқига эга бўлган ва кенгаш давомида барчанинг гапини эшитиб, кейин биргаликда қарор қабул қилинган. Масалан, Ҳиротга юриш ёки Ғазнадан ҳарбий аскар сўраш, қурол, пул сўраш ҳақидаги қарорлар кўпчилик овози билан йиғилишда қабул қилинган.

Форобий, Низомулмулк, Наршахий асарларидаги маълумотларга кўра, турли жойларда раҳбарлик қилган подшоҳлар давлат бошқарувида кўпроқ Афлотун ғояларига асосланган. Кейинча эса давлат бошқарувида «Сиёсатнома» ва бошқа шунга ўхшаш методологик китобларга асосланган асарлар ҳам пайдо бўлди. Улардан биттаси – «Темур тузуклари» эди. Темур ўз китобида айтганидек, «...давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият, ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади...

Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Турон, Эрон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, икки Ироқ, Мозандарон, Гилон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Жете Дашти, Қипчоқ Дашти, Хоразм, Хўтан, Кобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим»¹²⁰. Амир Темурнинг давлат бошқариш сиёсати жуда самарали бўлган ва у «Куч адолатдадир» деган шиор остида ўз ғояларини амалга оширган. Натижада, йирик империя яратган. Салтанатни мустаҳкамлашда тузукка катта эътибор берган, тартиб-қоида эса кўпроқ оммавий ахборотдан унумли фойдаланишга асосланган бўлган.

Муаллиф айтишича, «доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тадбирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради»¹²¹. Давлатни самарали бошқариш учун тўғри ахборотдан фойдаланишни талаб қилган. Шунинг учун, Шарафиддин Али Яздий ёзишича, «ҳар қандай воқеа, ўзгартириш киритмай, оширмай, камайтирмай, яъни аслида қандай кечган бўлса,

¹²⁰ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. – Б. 69.

¹²¹ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. – Б. 96.

ўшандай кўрсатиб берилсин, деб буюрилган»¹²².

Маъмурий бошқарувни уддалаш ахборот ишини тўғри йўлга қўймасдан, оммавий ахборот алмашувисиз бажариб бўлмасди, албатта. Ахборотнинг ўз вақтида етказилиши, ахборот тўғрилиги ҳам назорат қилинган, гарчи ортиқча қаттиқ чоралар ёрдамида бўлса ҳам.

Оммавий ахборот ёрдамида давлат бошқаруви ҳақида бир қатор кўрсатмаларни Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн» асарида ҳам кўрамиз. Масалан, муаллиф шундай деб ёзади: «Мирзо Пир Муҳаммад интиқом олиб бўлганидан кейин: «Ҳеч бир яратилган махлуқ бирор кишига тегмасин; жанг кунда қўлга туширганларидан ташқари ҳеч бир кимсага дахл қилмасинлар» деб буюрди»¹²³.

Абдураззоқ Самарқандий асарида давлат бошқарувида панду насиҳат, дуои хайрларнинг ўрни ҳам кўрсатилган. Бу ҳақда у ёзадики, Онҳазрат (Ҳумоюн) томонидан «подшоҳона насиҳат баён қилинади: У (мирзо Иброҳим Султон) шундай қилмоғи лозимки, раиятлар раҳм-шафқат тўшагида осойишталик роҳатини суриб, дуо қилиш билан машғул бўлсинлар ва хатарсизлик лаззати ҳам инсоф ҳаловатини жон завқи билан ҳис этсинлар; у шундай қатъий ҳукм жорий қилсинки, ноиблар сира ҳам адолат йўлидан ташқари чиқмасинлар ва девонга тегишли молларни ҳосил қилишда ўрнатилган қоидадан нари ўтмасинлар. (Ана шунда) мулк тароватини янгиловчи бўлган яхши ном ва давлат асосини мустаҳкамловчи бўлган дуои хайр, улуғлик чехрасининг кўрки бўлмиш гўзал мактовлару бекаму кўст саодат сабаби бўлмиш мўл мукофотлар биз учун ҳам, у саодатманд фарзанд учун ҳам ҳосил бўлғусидир»¹²⁴. Муаллиф тилга олган ҳукм, албатта, кўпчиликка эълон қилиниб кучга кирган.

Мамлакатнинг турли бурчакларидан ҳар хил эгалари томонидан ахборот олиб туриш подшоҳ учун муҳим аҳамият касб этарди. Бу ҳақда Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи» асарида шундай деб ёзади: «Беш юз нафар мусулмон савдогар уч нафар элчи ҳамроҳлигида жўнатилди. Элчиларнинг бири Муҳаммад Хоразмий, иккинчиси Умар, учинчиси Юсуф эди»¹²⁵. Савдогар ва элчиларнинг вақти-вақти билан керакли маълумотларни етказиб туришлари давлат бошқарувининг муҳим қисми бўлган.

Подшоҳнинг бошқарувчиси, яъни арабча, форсча, туркча, мўғулча, хитойча тилларни билувчи забондон (нотик) ҳамда подшоҳ ва элчи ўртасида калимачи таржимонлар бўлган. Бошқа мамлакатларда фаолият юритиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш ҳам қадрланган. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асаридаги айрим фикрларга мурожаат этамиз: «Мамлакат ишларини бошқариш, дину давлат қоидаларини мустаҳкамлаш учун Форсда туриш ва бу мамлакат ўзга мамлакатларга нисбатан бамисоли гарданбанд ўртасидаги боғловчи дурдонадек ва барча шаҳарлар дебочасининг зийнатидек бўлганлиги сабабли, бу диёрнинг манъ этиш ва ҳал қилиш

¹²² Қаралсин: ўша жойда. – Б. 9.

¹²³ Самарқандий А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 113.

¹²⁴ Самарқандий А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 207.

¹²⁵ Улуғбек, Мирзо. Тўрт улус тарихи. – Т.: «Ўзгўлпон», 1993. – Б. 127.

ишлари жаҳон амирзодаси Умаршайхнинг ўткир раъйи ва узоқни кўра билувчи ақлига ҳавола этилсин»¹²⁶. Бу ерда Умаршайх томонидан давлат тизимини ва бошқарувини кучайтириш масаласида Эрон тажрибасини ўрганиш ҳақида аниқ кўрсатмалар берилгани кўриниб турибди. Ўз навбатида, булар оммавий боғланишлар ёрдамида амалга оширилди. Мазкур ахборотлар, энг аввало, раҳбар доиралари ўртасида тарқатилган, уларга етказилган ва тушунтириб берилган.

Бундай маълумотлар оммавий коммуникация эканлигини қуйидаги сўзлардан англаш мумкин: «Орзу умидлар олий муҳр ила имзолангани учун унга ишонсинлар. Хижрий саккиз юз олтинчи йил улуғ шаъбон ойининг охирларида (милодий 1404 йил март ойининг ўрталарида) битилди». «Ишонсинлар» деган сўз кўпчилиikka тегишли эканлигига шубҳа йўқ.

Подшоҳнинг буйруқлари, унинг қарорлари ва бошқа вазифалар муаллиф томонидан олий муҳр билан тасдиқланган деб таърифланади. Давлат мақомининг асосий белгиларидан биттаси муҳр бўлиб, ҳозир ҳам ҳужжатлар муҳр билан тасдиқланади.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда подшоҳлар ўз давлат тизими ва бошқарувининг оммавий коммуникация ёрдамида мукаммаллаштирилиши нафақат шу ерда яшаган мутафаккирлар, ундан ташқари, Европадан ўша даврларда Осиё мамлакатларига келиб, бу ердаги воқеаларни кўрган тарихчиларнинг асарларида ҳам акс этирилган. Масалан, 2000 йилда Шарқ нашриётида чоп этилган «Путешествие» номли асарда баён этилишича, бир немис рицари бир неча йил Туркия султони Боязиднинг асири бўлган. Боязид Амир Темурдан мағлубиятга учрагандан кейин, унинг ерлари ва қуллари Амир Темурнинг қўлига ўтади. Энди Амир Темурнинг хизматини қилган бу немис асирлик давридаги саргузаштларини кейинга китоб шаклида ёзади. Унинг саёхатнома жанридаги «Путешествие» асари 1394-1422 йилларни қамраб олади.

Саёхатномада айтилишича, Марказий Осиё давлатлари томонидан катта йўлларда махсус карвонсаройлар қурилган. Бу карвонсаройларда оммавий коммуникацияни амалга ошириш учун тегишли шароитлар бўлган. Яъни карвонсаройга яқинлашаётган пайтида унинг қўнғироғи жаранглаган. Қўнғироқ овози эшитилиши билан саройбон бошқа бир отни тайёрлаб турган, чопар келиб бир отдан тушиб иккинчи отга миниб йўлини давом эттирган. Ўрта аср карвонсаройлари оммавий ахборот марказлари эканлиги ҳақида маълумотлар кўп. Ўша даврларда подшоҳлар ва улар тайинлаган шахслар хабарларни шу тарзда етказганлар. Давлат маъмурияти карвонсаройларни тўхтовсиз ишлаб туришини назорат қилган ва таъминлаган.

Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида оммавий тадбирлар ҳақида қуйидагича баён этилади: «Жаҳон соҳибқирони (Аъзам Темучин Қоони муаззам – М.С.) буюрди: «Оқ байроқ тикишсин; Сипоҳ Тангри иқболидан зафарга майл кўргуздилар. Ҳар чеккадан қурултойга йиғилишсин.

¹²⁶ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 179.

Кохину улуғлар саройга келишсин. Соввун келтириб соврун ейишади; суюрғол кўрурлар, ўрун олурлар»¹²⁷. Бу ерда бир қатор бошқарув усуллари ўз ифодасини топган, жумладан, мамлакатнинг турли бурчакларидан вакилларни қурултойга чақириш ва бошқалар. Мазкур асарда қурултойни ташкил этиш тартиби, унга кимлар қатнашиши кераклиги, ҳар бир қатнашувчининг бажарилаётган вазифаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Маълумки, Чингизхон фахрий ном бўлиб, унинг асл исми Темучин эди. Мирзо Улуғбекнинг асарида Темучин давлатни қандай бошқарганлиги ҳақида фикр юритилган. Масалан, «Темучин саодатли тож кийиб тахтга ўлтирди. Ҳар томондан буғчи ва улжорчилар келиб тиз чўкдилар. Жарчи устига жарчи чақирарди. Мўғул элу улуси қавмларидан оға-ини, отаю ўғиллар хосу авом саройга келишди»¹²⁸. Подшоҳнинг тахтга ўтириши, фармонлар чиқариши, давлатни бошқариши, фуқароларни қабул қилиши – буларнинг ҳаммаси тартиблаштирилган ҳолда амалга оширилган. Жарчи устига жарчи чақирилгани катта аҳамиятга эга, шу усулда кетма-кет ахборотлар кенг оммага етказиб турилган, аҳоли эса бундай ахборотга қараб ҳаракатини қилган.

Шу билан бир қаторда, одамлар саройларга келиб подшоҳни улуғлашган, унинг фармонларини эшитиб уларга амал қилишган. «Ясовул халқни ҳар тарафга ўткизиб, саф торттирди. Халқ қурултойига ҳар тарафдан жой олди. Авонғору жавонғорга ўн икки қатордан саф тортишди. Ясовул ҳар бир сафни қўрларга ажратди. Унинг ишига оқиллар таҳсин ўқиди ва маъқуллади. Бу саф тортган юлдузлар шоҳ учун эди. Олам маҳтоби (ёруғлиги) ой туфайли бўлганидек, ақл кучидан офаринга сўз очдилар ва халқ унга таъзим қилди. Келганларнинг барчаси унга дуо ва сано ўқирди»¹²⁹, деб ёзилган Мирзо Улуғбек асарида. Маълум даражада ушбу тадбир ритуал характерга эга, яъни бу ерда шахсга сиғиниш бор. Лекин шахсга сиғиниш ҳар бир даврда, жумладан, ўрта асрларда, анъана ҳисобланиб келинган.

Мирзо Улуғбек ўз китобининг «Шаҳзода Ясовур ўғлон ибн Ўрқтемурухон ибн Тўқтемурухон ибн Қудағай ибн Нури Ёмқон ибн Чиғатойхон аҳволининг баёни» деб номланган қисмида шундай ёзади: «Бирор воқеа бўлиши эҳтимолининг олдини олиб, Тус йўли билан Жомга келди. Бу ердан Муборақшоҳ ибн Буқойни кетидан мактуб йўллаб кетма-кет Ҳиротга жўнатди»¹³⁰.

Асарнинг бошқа бир жойида муаллиф ёзадики: «Таворих ровийлари хабар берадиларки, Чингизий нажод хонлари шаҳзода Чиғатой улусидан хонлик тахти ва жаҳонбонлик саририга ўлтирганлар. Уларнинг адади ушбу нусха иқтибос топаётган даврда 28 нафарга етган эди. Бекаму беш. Биринчи хон Чиғатойхон ибн Чингизхон.

Мамлакат олувчилар хабарларининг ривоят қилувчилари, соҳибқирон

¹²⁷ Улуғбек, Мирзо. Тўрт улус тарихи. – Т.: «Ўзгўлпон», 1993. – Б. 98.

¹²⁸ Улуғбек, Мирзо. Тўрт улус тарихи. – Т.: «Ўзгўлпон», 1993. – Б. 99.

¹²⁹ Ўша жойда. – Б. 99.

¹³⁰ Ўша жойда. – Б. 271.

асарларининг ноқиллари шундай тараннум этадилар»¹³¹. Бу ҳам ўз вақтида хабар юбориш ва огоҳлантириш, шунингдек, маълумот олишга йўналтирилган ҳаракатлар ҳисобланган, яъни кенг миқёсда оммавий коммуникация амалга оширилган.

Бугунги тизим билан ўша даврни солиштирсак, албатта, катта фарқ маълум бўлади. Яъни, у вақтларда ҳарбий қўшинлар бугунгидай кучга эга бўлмаган ёки ахборот алмашуви ҳажми ҳам бугунгидек катта бўлмаган. Лекин бу – бугунги кунги кўрсаткичлар. Аслида подшоҳларнинг ўша даврларда амалга оширган бошқарув ишлари ўрта асрлар меъёрлари билан анча ривожланган бўлиб, кўп жиҳатлардан оммавий боғланишларга асосланган. Оммавий коммуникация бўлмаганда биронта давлат пайдо бўлиши, ривожланиши мумкин эмас эди. Биз бу масалада америкалик Жон Дюининг «жамият – бу коммуникациядир» деган фикрига қўшилаемиз. Фақатгина коммуникация бор жойдагина давлат бўлиши мумкин.

Шундай экан хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин. Ўрта асрларда Марказий Осиё худудида барпо этилган давлатлар тизимлари биринчи ўринда қиличга эмас, балки ижтимоий боғланишлар жараёнига асосланган. Бундай боғланишлар, бир томондан, кенг миқёсда амалга оширилган, иккинчи томондан, улар кўп тарафлама бўлган. Агар биз мазкур кўп томонликни умумлаштирмоқчи бўлсак, қуйидаги асосий босқичларни ажратишимиз мумкин. Маъмурий коммуникация, энг аввало, бамаслаҳат қабул қилинган фармон, қонун, ҳукмларга асосланган. Ундан кейин мазкур қарорлар пойтахт ва вилоятларда маҳаллий маъмурлар, жарчилар ёрдамида эълон қилинган. Учинчидан, қарорлар бажарилиши назорат қилинган ва уларга бўйсунмаганлар жазоланган. Тўртинчидан, марказий ҳокимият қарорлари бажарилишини назорат қилиш учун вилоятлар бўйича масъуллар тайинланган, улар эса марказга тегишли маълумотларни юбориб турган. Ҳатто, маҳаллий ҳокимлар ишини кузатиб турган махсус одамлар ҳам марказга ахборот етказиб турган.

¹³¹ Улугбек, Мирзо. Тўрт улус тарихи. – Т.: «Ўзгон», 1993. – Б. 296-297.

2. Ҳуқуқий коммуникация

Мавзуимиз билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқий коммуникация ҳақида гапирганда қуйидагиларни эътиборга олиш керак. Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида ёзилган китобларда ҳуқуқий масалалар асосан маънавий-маърифий, маъмурий ёки илмий ёндашувлар билан бир қаторда баён этилган, шунинг учун кўп ҳолларда буларни бир- биридан ажратиш қийин. Шу билан бирга маълум бир ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган ва жорий қилинган. Масалан, Қуръони карим диний манба бўлиши билан бир қаторда унда иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий масалалар ҳам тушунтирилган.

Қуръоннинг шарҳларида эса бу китобнинг ушбу қирралари кўпроқ очиб берилган. Имом ал-Бухорий тўплаган «Саҳиҳи Бухорий»га мурожаат қилсак, кўринадики, ҳуқуқий масалаларнинг турли хусусиятлари бу китобда батафсил тушунтириб берилган. Мазкур ривоятлар ўша вақтда катта ҳудудда кўп халқлар ўртасида асосан оғзаки, қисман эса ёзма шаклда тарқалгани ҳаммага маълум. Демак, йиғилган ривоятларни халқнинг оғзаки ижодидан, муомаласидан, тажрибасидан, ҳаётдан олинган маълумотлар деса бўлади.

Масалан, Имом ал-Бухорийнинг бозорга маҳсулот олиб кетаётганларга ҳалақит беришга чек қўйилиши кераклиги ҳақида ривояти бор. Унда шундай дейилган: «*Абдуллоҳ (р.а.) ривоят қиладилар: «Биз бозорга озиқ-овқат олиб келаётганларнинг йўллари тўсиб чиқар ва улардан озиқ-овқат сотиб олар эдик. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ (бозорга мол олиб келаётганларнинг йўллари тўсиб чиқиб), улардан сотиб олинган озиқ-овқатларни озиқ-овқат бозорига олиб бормай туриб сотишни бизга маън қилдилар»*¹³². Бундан мақсад – савдогарлар ишида ҳуқуқий ноқулайликлар яратмаслик эди.

Қуръон ва ҳадисларга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар кейинчалик кенг тарқалиб, кўп халқлар ҳаётида жорий қилинди. Масалан, ҳадисларнинг бирига берилган изоҳдан маълум бўлмоқдаки, «Шўфъа – уй ва ерлари туташ бўлган қўшнилари бир-бирларининг уй ва ерларини ҳамда бирор мулкка шерик ёхуд бирор мулкда улуши (насибаси) бор кишиларнинг бир-бирларининг улуш (насиба)ларини биринчи бўлиб сотиб олиш ҳуқуқларидир. Шунга биноан, қўшни ён қўшнисининг ижозатсиз ўз уйи ва ерини ҳамда шеригининг рухсатсиз ўз улуши (насибаси)ни бировга сота олмайди»¹³³. Бугунги кунга келиб, мазкур норма Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимига киритилган.

Қуръон ва ҳадисларда одам ўлдиришдек оғир жиноятга ҳам муносабат билдирилган. Бу ҳақда «Қуръон тафсири китоби»да, «Нисо» сурасининг 16-бобида шундай дейилган: «Аллоҳ таолонинг сўзи: «Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир»¹³⁴. Демак, бировни ўлдириш жуда катта жиноят, лекин Ҳадисда «жиноятчини ўлдириш керак», деган гап айтилмаган, «унинг жазоси жаҳаннамдир», дейилган. Бугунги кунда бу масала кенг муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистонда дунёвий давлат мезонларига мувофиқ ўлим жазоси бекор қилинди, бу ҳақда тегишли қонун ҳам

¹³² Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 1-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 354.

¹³³ Ўша жойда. – Б. 367.

¹³⁴ Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 2-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 119.

кучга кирди.

Айтиш керакки, ўрта асрларда ҳам инсон ҳаёти илоҳий маънога эга бўлган, қотил ёки жиноятчини ўлдириш эса оғир ва баҳсли масала ҳисобланган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўша вақтда ҳам ўлим жазоси бўлиши шарт деган ибора етакчи ҳуқуқий ҳужжатларга деярли киритилмаган.

Мазкур китобда одам ёллаб ишлатиш ҳақидаги ҳуқуқий маслаҳатлар бор. «Одам ёллаб ишлатиш ҳақида китоб»¹³⁵ да ва худди шундай ҳадисларда «Набий (сав) ерни ижарага беришни тақиқламадилар»¹³⁶ деб айтилган. Шу каби ҳуқуқий масалалар Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида ҳам кенг келтирилган ва шарҳланган.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарининг асосий мақсадларидан бири – унинг мухлислари ўртасида ҳуқуқий тартиботни ташкил этиш эди. Муаллиф ўз китобида катта илмий ва амалий тажрибани умумлаштирган, кенг миқёсдаги ахлоқий ва ҳуқуқий масалаларни ўртага ташлаган. У ўз эътиборини биринчи ўринда қонун ижросига қаратган. Муаллиф айтишича: «Соҳиби қонун мамлакат аҳолисини бошқарув силсиласидаги қонунларга риоя қилишларини ва бўйсунтиришларини таъминлай олсагина аъло даражадаги давлат тузуми бўлиши мумкин»¹³⁷.

Қонунга риоя қилиш, энг аввало, унинг борлиги ва ундан кўпчилик хабардор бўлишига боғлиқ, бу эса тарғибот-ташвиқотга, яъни оммавий коммуникацияга бориб тақалади. Қачонки, қонунлар барпо қилинса, уларга риоя қилиш таъминланса, кенг омма ўртасида ҳуқуқий маданият жорийланади.

Бошқа бир жойда Форобий бундай вазиятларга, яъни қонун орқали жамиятни бошқаришнинг афзаллик ва қулайликларига, афоризм сифатида тушунтириш бериб: «Яхши бошқарув яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув – ёмон қонунларга, етук бошқарув – етук қонунларга боғлиқ»¹³⁸, - деб ёзади. Қонунлар мукамал ишлаб чиқилган бўлса, улар тарғибот қилинса, фақат ўшандагина давлат ва жамиятни яхши ташкил этишнинг илоҳи бўлади.

Форобий ўз асарларида тез-тез Афлотунга мурожаат қилиб туради. Маълумки, Афлотуннинг асарлари антик даврдан кейин йўқолиб қолган ва фақатгина XX асрларга келиб уларнинг бир қисми аниқланган. Афлотуннинг асарлари ёзилиши ва кейинча уларнинг асл нусхалари тикланиши ўртасида икки минг йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу вақт давомида Афлотуннинг ғоялари бутун дунёга тарқалганлиги Осиё давлатлари, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари мутафаккирларининг фаолияти орқали амалга оширилган.

Абу Наср Форобий Афлотуннинг асарларини турли китобларида келтиради, изоҳлайди ва тушунтириб беради, шу билан бирга, уни тарғибот ҳам қилади. Масалан, бир жойда шундай ёзади: «Афлотуннинг фикрича, агар шоир, баҳслашувчи ёки мутакаллим (нотик) бир-бирига зид фикрлар айтсалар, у ҳолда соҳиби қонун фақат фойда келтирувчи жиҳатларини ҳимоя қилиши зарур»¹³⁹.

¹³⁵ Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. I-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 368.

¹³⁶ Ўша жойда. – Б. 389.

¹³⁷ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ мероси», 1993. – Б. 32-33.

¹³⁸ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ мероси», 1993. – Б. 33.

¹³⁹ Ўша жойда. – Б. 34.

Тўғри йўл топиш мунозара ёрдамида амалга оширилиши ҳаммага маълум. Мунозара эса албатта, оммавий коммуникациядир. Шу билан бир қаторда бу ерда ҳам прагматик ёндашув етакчилиқ қилган, яъни турли фикрларнинг фойда келтирувчи жиҳатларига эътибор бериш зарурлиги акс эттирилган.

Жамиятда яшайдиган одамларнинг ўзаро муносабатлари доимо мураккаб бўлиб келган, чунки ҳар бир одам одатда ўз манфаатларини, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Маълумки, бундай пайтда бир одамнинг ҳуқуқлари иккинчи одамнинг ҳуқуқлари билан чегараланади. Яъни ҳуқуқлар тенглиги уларнинг чегараси борлигини англатади. Шунинг учун қонун-қоидаларсиз инсон жамиятда яшай олмайди. Ҳар киши ўз манфаатини ҳимоя этган жойда қонун барчанинг манфаатини ҳимоя қилади ва шу аснода маълум шахсларнинг ҳаракатларини чегаралаши ҳам мумкин.

Бир фуқаронинг қизиқишлари, ҳаракатлари бошқа кишиларнинг ҳуқуқларига зарар етказмаслиги керак. Шу аснода Форобий: «Одамлар қонунларга мурожаат этишга мажбурлар, шунинг учун ҳам улар муросага келганларида қонунларни мамнуният билан кутиб оладилар»¹⁴⁰, - дейди. Қонун фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларнинг бир-бирига адолатли тарзда бўлишини таъминлайди. Шунинг эвазига жамият учун кучли қонунлар зарур.

Шу билан бир қаторда уларни аҳоли мамнуният билан кутиб олиши учун ўша даврларда ҳам тушунтириш ишларини олиб бориш, тарғибот қилиш керак эди. Абу Наср Форобий бундай муваффақиятга эришди, шу туфайли унинг асари машҳур бўлди. Муаллиф Афлотунга мурожаат этиши керак эдики, ўрта асрларда Шарқ мамлакатлари мутафаккирлари ўртасида ундан ўтадиган билимдон киши, обрўли олим йўқ эди. Шунинг учун Афлотунни тилга олиш ҳақиқатга мурожаат қилиш билан баробар эди.

Форобий бир жойда шундай деб ёзади: «Афлотуннинг фикрича, шаҳар тартиботида энг асосий нарсаси мулк, ноз-неъматларни тўғри тақсимлашдир»¹⁴¹. Ўша вақтдаги мезонлар билан мулк ва ноз-неъматлар одамларнинг ҳаётини таъминлаш учун жуда зарур эди. Бугун эса инсоният ўзини таъминлаши учун мулк, ноз-неъматлар биринчи даражали аҳамиятга эга эмас. Чунки инсоният очлик давридан деярли ўтиб бўлди.

Абу Наср Форобий вақтларида ёзилган қонун ва ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш ёрдамида амалга оширилган эди. «Фозил одамлар шахри» асарида ёзилишича, қонунларга риоя қилиш, уларни бажариб яшаш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисобланган. Бу ҳақда Форобий: «қонунларни ва бошқарувни ҳурмат қилиш ҳамда уларга жиддий эҳтиром билан қараш зарурлиги ҳақида гапиради»¹⁴², деб Афлотунни тилга олади. Замонавий ибора билан айтганда, қонун легитим характерга эга бўлиши керак, яъни қонунни кенг жамоатчилик ўз ихтиёри билан тан олиб, бажариши зарур. Тескарисини бўлса, яъни қонунга нисбатан ҳурматсизлик ҳукм сурса, у ҳуқуқий нигилизмга айланади. Ҳуқуқий нигилизм – бу жамиятдаги қонунларнинг обрўсизлиги, уларга фуқаролар риоя қилмаслиги. Бундай пайтда парокандалик

¹⁴⁰ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ Мероси», 1993. – Б. 35.

¹⁴¹ Ўша жойда. – Б. 37.

¹⁴² Ўша жойда. – Б. 38.

пайдо бўлиши муқаррар. Демак, қонунни ҳурмат қилиш ва бажариш – ҳуқуқий коммуникациянинг, оммавий тарғиботнинг асосий мақсадидир.

Маълумки, қадимги Юнонистонда антик шаклдаги демократия бўлган.

У ерда қулдорлик тизими фаолият кўрсатиб турган ҳолда, эркин фуқаролар кўпчилик овоз билан қарор қабул қилганлар. Форобий ўз асарида Афлотунга тегишли яна бир мисолни келтиради: «Қонун чиқарувчининг факирларга ва бойларга бир хил эътибор бериши шартлиги, уларнинг руҳларини тузатувчи ва яхшиловчи қонунлар яратиши зарурлиги ҳақида у кўп гапирди»¹⁴³. Шундай қилиб машҳур юнон олим Афлотуннинг ғоялари Форобий ёрдами ва талқинида Марказий Осиё бўйлаб ўрта асрларнинг ўзида кенг тарқалган.

Керак бўлганида, инсоннинг руҳини тузатиш ва яхшилаш тўғри ёзилган қонунни яратиш ва уни кенг оммага тушунтириш йўллари билан амалга оширилади. Ушбу нуқтаи назардан IX асрда ёзилган «Фозил одамлар шахри» асари бугун ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Бевосита Ўзбекистонга боғлиқ бир жиҳатини келтирайлик: «Афлотун, мулкни бефойда жамғаришдан фарқли равишда мулк эгаси бўлиш ёмон одат эмаслигини, чунки мулк ҳалоллик билан тўпланадиган бўлса, қашшоқликда яшашга қараганда бадавлатлик афзал эканлигини тушунтиради»¹⁴⁴. Китоьда ўша даврда ҳам жамиятда мулкдорлар синфи бўлиши зарурлиги акс эттирилган. Манбада айтилишича, мулк эгаси бўлиш ижобий ҳодиса. Форобийнинг фикрича, халқни меҳнат қилишга ўргатиш зарур, одамлар бойисин, бундан ҳамма ютади. Муаллиф айтадики: «Афлотун мол-мулк орттиришнинг йўллари ҳақида батафсил гапирди ва юнонларга маълум бўлган усулларнинг қайси бири ҳалол, қайсилари ҳаромлиги ҳақида мисоллар келтиради»¹⁴⁵. Бундай ҳуқуқий маслаҳатлар – бевосита оммавий тарзда ўтказилаётган коммуникациядир.

Ўтмишдаги буюк алломалар, яъни Форобий, Наршахий, Амир Темур каби давлат ва халқ учун курашган кишиларнинг Худога, Пайғамбарга, уламоларга, Афлотунга мурожаат қилишлари бежиз эмас. Ўша вақтларда ҳам замондошлар ёнидаги буюкларга унчалик ишонч билдирмаган. Чунки бир вақтда яшаган одамлар ёнларидаги алломаларни қадрламайди, фақат улар бу дунёдан ўтишгач, орадан маълум вақт ўтганидан кейингина уларнинг аҳамиятига етиб боради. Ўзининг гапини мазмунли, маъноли, таъсирчан қилиш учун улар бошқа воҳийлаштирилган тимсолларга ёки замонавий тил билан айтганда, харизмаларга мурожаат қилишган.

Шунинг учун, Афлотун асарларига мурожаат қилиб ўз фикрини маълум даражада унинг ғояларига асослаб тушунтирган. Масалан, Форобий шундай деб ёзади: «Афлотун, фазилатини қабоҳатга алмаштирган, танбал ва ўжар одамларга қарши ҳокимлар курашсаларгина маъқул тартиб бўлиши мумкинлигини тушунтиради. Агар уларнинг фазилат ва қабоҳатларини таҳқиқчи ҳисобга олиб, тартибга келтирмаса, қонун бузилиши мумкин»¹⁴⁶. Кўриб турганимиздек, бу ерда айнан ҳуқуқий тартибот ҳақида сўз юритилмоқда, қонунни бузадиганларни

¹⁴³ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ Мероси», 1993. – Б. 38.

¹⁴⁴ Ўша жойда – Б. 38.

¹⁴⁵ Ўша жойда. – Б. 38.

¹⁴⁶ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ Мероси», 1993. – Б. 40.

тартибга чақирилишини давлат томонидан шунга ваколат берган одамлар амалга ошириши кераклиги айтилмоқда.

Форобий кўп жиҳатдан қонун соҳиблари, ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрловчи ҳокимлар фаолиятига эътибор беради. Чунки, айрим ҳолларда, уларга берилган ваколат доирасида, агар раҳбарлик қиладиган одамлар ўзлари қонунга риоя этмасалар, аҳоли уларга ишонмайди ва қонунларни буза бошлайди. Натижада, парокандалик юзага келади, ҳуқуқий тартибсизлик барпо этилади. Бу ҳақда Форобий шундай ёзади: «Қонун чиқарувчининг ҳаёт тарзи шаҳар аҳолисининг ҳаёт тарзи ва уларнинг қонунларига зид бўлмаслиги керак»¹⁴⁷.

Муаллиф вазиятга баҳо берар экан, қонун чиқарувчилар чуқур билимга эга бўлиши, уларнинг ўзи қонунга биринчи бўлиб риоя қилиши шартлигини уқтиради. Масалан, у шундай ёзади: «Энг катта жиноят – раҳбар шахс томонидан қилинган жиноятдир. Бундай ҳолатда бошқа ҳокимлар уни тарбиялаш ва таъсир ўтказиш чораларини кўришлари керак. Агар бунга эътибор берилмаса, бундай жиноятлар шаҳар иллатларининг кўпайишига ва шаҳарнинг инқирозига сабаб бўлади»¹⁴⁸.

Ҳуқуқий жиҳатдан «Фозил одамлар шаҳри» – ихчам, қисқа ва тушунарли шаклдаги кенг жамоатчиликка қилган мурожаатномадир. Форобий асарида бугунги кунда ҳам шаҳар, вилоят, давлат қандай ҳуқуқий бошқарилиши кераклиги ҳақидаги илмий тарздаги тавсияларни учратиш мумкин.

Адолатли қонунчилик ҳақида эса муаллиф шундай ёзади: «Ҳеч қайси соҳиби қонун ўзидан олдинги соҳиби қонун томонидан амалга оширилган ишларни рад этмаслиги керак»¹⁴⁹.

Форобийнинг сўзларини тўғри тушуниб, уларни давлат бошқарувида жорий қилиш бугунги кунда ҳам долзарб масалалардан биридир. Масалан, «шаҳарликлар бир-бирларига берадиган ҳадялар, совғалар тўғрисида қатъий қонунлар жорий этишлари керак»¹⁵⁰, деб айтади у. Бундай тавсия бугунги кун журналистикаси учун жуда долзарб гап. Ўзбекистонда совғалар ҳақидаги ҳуқуқий ҳужжат борлиги бизга номаълум. Лекин бошқа мамлакатларда бундай ҳужжатлар мавжуд. Гап шундаки, совға ва ҳадялар журналистларни объективликни йўқотишга ва нотўғри ёзишга олиб боради. Халқаро журналистика мезонларида бу кўпол хато ҳисобланади. Қолаверса, айрим мамлакатларнинг ҳуқуқий амалиёти бўйича ҳадя ва совғанинг қимматлигига қараб, пора деб ҳам ҳисобланиши мумкин.

Масалан, АҚШда нархи 20 доллардан ортиқ бўлган совға кимга берилишидан қатъий назар (давлат раҳбари, журналист, олим) ватанига қайтганда совғани декларацияга киритади ва уни махсус комиссияга топширади. Комиссия бу масалани кўриб чиқади ва ҳақиқий совға деб топилса, унга қайтаради. Бўлмаса, давлат тасарруфига ўтказди.

Адолатли бошқарувни жорий қилиш ва тушунтириш, ҳуқуқий тарғибот тартиби ва у билан шуғулланадиган шахсларга баҳо бериш бошқа асарларда ҳам

¹⁴⁷ Ўша жойда. – Б. 42.

¹⁴⁸ Ўша жойда. – Б. 42.

¹⁴⁹ Ўша жойда. – Б. 44.

¹⁵⁰ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Халқ мероси», 1993. – Б. 48.

учрайди. Жумладан, «Бухоро тарихи»да шаҳарга қозилик қилган кишилар ҳақида шундай фикр юритилади: «Себавайх ибн Абдулазиз ал-Бухорий ан-Наҳвий шулар жумласидандир. «Мен Абдуллоҳ Муборакдан эшитдимки, – дейди Муҳаммад ибн Аъян, – Себавайх Бухорода қозилик қилганида (халқнинг) икки дирҳамга ҳам адолатсизлик қилмади»; сўнг у яна: «Икки дирҳам кўплик қилади, у тариқча ҳам жавр ўтказмади», – дейди.

Яна Муҳаммад ибн Умар ҳам йиллар давомида, токи шохид бўлгунига қадар қозилик қилди. Абу Дайм Ҳозим Садусий (ҳам қози бўлди) ва унга халифадан қозилик фармони келди. Ғанжор деб машҳур бўлган раҳматли Исо ибн Мусо ат-Таймийга қозиликни берган эдилар, у қабул қилмади»¹⁵¹. Бундан кўринадик, ўрта асрларда ўзига хос бир анъана бўлган – айрим пайтлар халифадан қозилик лавозимларини беришга фармон келиши зарур эди, чунки қозилик лавозими шу қадар муҳим ва аҳамиятли эди. Ҳамма ҳам қозилик қилишга розилик бермаган, бу касб масъулиятли, қийин эканлигини кўпчилик билган. Бу ерда ҳалоллик, билим ва ақл зарурлигини даъвогарлар тушунган ҳамда уддалай олмаслигига кўзи етган, ўзига етарли даражада ишонмаган одамлар қозиликни рад этишган.

Қуйида Наршахий қозилик ҳақида яна бир мисол келтиради: «...Саъид ибн Халаф ал-Балхийни икки юз ўн учинчи йил жумод ал-аввал ойининг охирида (16 август 828) қозиликка тайинладилар. Бу киши қозиликни шундай олиб бордики, худойи таолонинг яратган бандаларига адолат, инсоф ва шафқат қилиш борасида уни мисол қилиб кўрсатар эдилар. У яхши қонун-қоидалар ўрнатди»¹⁵². Албатта, ҳукукий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг ўзи етарли эмас эди. Шу билан бир қаторда уларни кенг оммага етказиш ҳам зарур бўлган. Буни эса кўпроқ ҳукукий йўналишдаги оммавий боғланишлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин эди.

Ушбу мисолда мутафаккирлар ҳукукий коммуникацияни ижро этувчилар ҳақида ҳам фикрлар билдирганлигини кўрмоқдамиз. Нафақат қонунлар мавжудлиги, балки уларнинг мазмуни ва аҳамиятини тушуниш, ушбу маълумотларни ҳаммага етказиш ҳам муҳим масала бўлган.

Қонун биринчи ўринда жисмоний кучга, мажбурлашга асосланмаслиги керак. Қонунчилик тизимининг етакчи вазифаси – ҳукукий меъёрларни халққа тушунтиришдир, яъни самарали оммавий ҳукукий коммуникацияни амалга оширишдир. Қонун, энг аввало, маънавий, тарбиявий, ахлокий кучга эга бўлиши керак. Агар қонун фақат халқни бўғишга, бўйсундиришга, эзишга йўналтирилган бўлса, бундай қонунларнинг умри жуда қисқа бўлади.

Ўрта асрларда яшаган мутафаккирлар жамиятнинг табақаланишига ҳам эътибор қаратганлар. Икки кишининг унвони бир хил бўлса, уларнинг ўртасида фарқ қолмайди, деб ёзади Низомулмулк «Сиёсатнома»да. «Мамлакатда қози ва хизматкор унвонининг бир хиллиги раво эмасдир. Амирлар ва улуғ кишиларнинг унвонлари Хисом уд-дин (диннинг қиличи), Сайф уд-давла (давлатнинг қиличи), Амин уд-давла (давлатнинг амини), Шамс уд-давла (давлатнинг қуёши)»¹⁵³ ва шунга ўхшаган номлар билан аталган. Маълумки, номлар объектни тавсифлаш, унинг хусусиятларини оммага етказиш учун асосий усулдир. «Қилич» сўзини

¹⁵¹ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 89.

¹⁵² Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 89.

¹⁵³ Низомулмулк, Абу Али. Сиёсатнома. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 138.

тилга олиш эса ўша даврнинг анъаналари билан шартланади. Қолаверса, «қилич» деганда фақат шамшир назарда тутилмаган, ўша даврларда яшаган одамларнинг тилида бевосита ва билвосита маънолари қўшилиб ишлатилган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида ҳам ушбу мамлакатнинг ҳуқуқий меъёрлари ҳақида бир қатор тушунтиришлар бор. Масалан, асарнинг иккинчи жилдида қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқий тартибланиш изоҳланган. Беруний бу ҳақда ёзади: «Дехқончилик ва чорвачиликдан келадиган даромадларни ва ер ҳамда ўтлоқ солиғини бошлаб волийга бериш лозимдир. (Маҳсулотнинг) олтидан бири фуқаронинг ўзини, молини ва оиласини сақлаб келаётганлиги учун хизмат ҳақи ҳисобида волийга берилади. Шу хилдаги солиқни бериш ҳамма фуқароларга лозим бўлса ҳам, улар олган маҳсулотлари ҳақида ёлғон сўзлайдилар ва хиёнат қиладилар. Савдо ишидагиларга ҳам шунга ўхшаш ўзларига белгиланган миқдорда солиқ тўлаш лозим бўлади. Бу айтилган солиқлардан браҳманларгина озод қилиниб, бошқалар озод қилинмайди.

Қасбдан ҳосил бўлган маҳсулотнинг, тегишли солиқларини тўлагандан кейин, қолдиғидан баъзилар тўққиздан бирини садақа учун беришни лойиқ кўрадилар»¹⁵⁴.

Ўрта асрларда Ҳиндистонда қасам ёки жазо турлари қандай эканлигини Абу Райҳон Беруний илмий тарзда шарҳлаб берган ва бундай қоидалар Марказий Осиё халқларининг ҳуқуқий амалиётига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатган. Масалан: «Даъвонинг миқдорига қараб қасамнинг ҳам турлари кўпдир. Аввало, жавобгар қасамга рози бўлиб, даъво ҳам оз нарса учун бўлса, жавобгар шундай деган: «Менинг олдимда браҳман олимларидан беш киши бор, агар сўзим ёлғон бўлса, менга даъво қилинган нарсанинг саккиз ҳиссаси баробарида қилган амалларимнинг савоби даъво қилувчига бўлсин». Бундан устунроқ қасам шу: тонувчига қози вайша деган заҳарнинг браҳмана деб танилган хилини ичишга буюради. Бу энг ёмон хилидир. Агар рост бўлса, вайшани ичиш зарар бермайди.

Яна ҳам устунроқ қасам: жавобгарни чўнқир, тез оқар дарёга ёки таги чўнқир, суви тўла қудуққа олиб келинади, жавобгар, сувга қараб туриб: «Сен малоикаларнинг покизасисан, ошқора ва махфий ишларни билувчисан, агар ёлғончи бўлсам мени ўлдиргин, агар тўғри бўлсам, мени сақлагин», дейди. Сўнгра уни беш киши ўраб олиб келтириб дарёга ташлайди. Агар ростгўй бўлса, дарёдаги ёки қудуқдаги сувга ғарқ бўлмас ва ўлмас (эмиш)»¹⁵⁵. Албатта, заҳар ичиш ёки дарёга ташлаш тўғри ҳуқуқий қарор эмас, булар диний нотенглик таъсирида қабул қилинган меъёрлардир. Аммо уларнинг нотўғрилигини англаш ҳам бошқа халқлар учун сабоқ эди. Масалан, Марказий Осиёда бундай жазолар деярли ишлатилмаган. Берунийнинг асари эса ушбу маънода ҳуқуқий-маърифий аҳамиятга эга бўлган.

Асарда ҳукм чиқариш тартиби ҳақида ҳам гапирилган. Масалан, Беруний шундай деб ёзади: «Қози даъвогарнинг даъвосини эшитиш учун унинг хатини (аризасини) ва даъвони исбот қиладиган ҳужжатларни талаб қилади. Лекин хат

¹⁵⁴ Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 406.

¹⁵⁵ Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 412-413.

шу баробардаги кишиларнинг даъвосида ёзиладигандек мантиқли бўлиши керак. Агар хат ва ҳужжат бўлмаса, гувоҳларни чақиради. Гувоҳлар сони энг камида тўрт ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Агар гувоҳнинг рост гапираётгани қозининг олдида муқаррар бўлса, бир киши билан иш кўриб, ҳукм чиқаради. Шунда ҳам махфий текшириш ва ошкора аломатларни излаш ва маълум бўлган ҳодисаларни бир-бирига солиштириб, ҳақиқатни топиш учун ҳар хил чораларни кўришни тарк қилмайди»¹⁵⁶.

Амир Темур ҳарбийлар учун алоҳида ва фуқаролар учун алоҳида қози тайинлагани ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, у «Темур тузуклари» асарида шундай дейди: «Лашкар учун махсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинладим; ҳар мамлакатга шайхулисом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин»¹⁵⁷. Бугун нафақат Ўзбекистонда, бошқа мамлакатларда ҳам ҳарбий ва фуқаролик суди алоҳида фаолият юритади.

Амир Темур ўзидан олдинги қонун-қоидаларни, ҳукукий назария ва амалиётни ўрганиб, қонунлар чиқарган. У ўз тузукларининг бир жойида шундай дейди: «...Султон айтди: «Муҳаммад авлодидан биринчиси – ҳазрати Али, сўнггиси – имом Муҳаммад Маҳдий охирзамондир. Шундай бўлгач, пайғамбаримиз авлодининг изни ва рухсатисиз унинг мулкини ўз тасарруфимизга киритмаслигимиз зарур, акс ҳолда босқинчилик қилган бўламиз»»¹⁵⁸. Кўриб турибмизки, Амир Темур урушдан ташқари ҳолатда бошқаларнинг мулкига эгалик қилмаган, бундай ҳаракатдан бош тортган. Шу билан бирга Амир Темур ҳукукий тартиботни босқичма-босқич амалга оширган ва биринчи ўринга ўз ҳукукий тизимини кучайтириш учун энг кучли восита бўлмиш диний тартиботни қўллаган. Бу ҳақда у ўз «Тузуклари»да шундай дейди: «Дину шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан кейин, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Қонун ва қоидаларга (тўра ва тузукка) таяниб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим»¹⁵⁹. Бундай ёндашув анча самарали эканлигини асрлар тасдиқлади.

Амир Темур кўп ҳолларда охириги ҳукми ўз зиммасида қолдирган. Бу ҳақда у шундай деган: «Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзини кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки ажрим чиқарувчи қозига олиб бориб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса ажрим қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин»¹⁶⁰. Бундай амалиёт, мазкур китоб, эълон, хат ва бошқа йўллар билан кўпчилиikka етказилган. Ҳукукий қарор назоратини эса керак бўлганда Соҳибқироннинг ўзи амалга оширган.

Ўрта асрларда ижод қилган Марказий Осиё мутафаккирлари хорижий ҳукукий нормаларга ҳам кўп эътибор берганлар ва уларни ўз юртларида тарғибот қилганлар. Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асаридан мисоллар

¹⁵⁶ Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 412.

¹⁵⁷ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. – Б. 73.

¹⁵⁸ Ўша жойда. – Б. 79.

¹⁵⁹ Ўша жойда. – Б. 80.

¹⁶⁰ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. – Б. 94.

келтирдик. Энди Абдураззоқ Самарқандийнинг асарига мурожаат этайлик.

Юриспруденцияда айбсизлик презумпцияси деган тушунча бор. Унинг маъноси шундан иборатки, токи бирор одамнинг айби суд томонидан тасдиқланмаса, уни айбдор дейиш мумкин эмас.

Бундай ҳукукий норма ўрта асрларда Хитойда ривожланган экан ва ушбу амалиёт Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн» асарида келтирилган: «Хитойликлар гуноҳкорларга нисбатан жуда зўр эҳтиёткорлик кўрсатадилар. Чунончи, подшоҳнинг ўн иккита девони бор; агар бирор киши бирор гуноҳ билан айбланса ва гуноҳ ўн бир девонда тасдиқлансаю, ўн иккинчисида муқаррар қилинмаса, у кишида ҳали ҳалос бўлишга умид бор. Агар гуноҳкорнинг иши юзасидан олти ойлик ва ундан зиёда йўлдаги бирор кишига ҳожат тушгудек бўлса ҳам, токи текшириб билинмагунча, гуноҳкорни ўлдирмайдилар; уни ҳибсда сақлайдилар»¹⁶¹. Бошқа мамлакатлар тажрибаси билан танишиш ҳам ўша вақтларда оммавий ҳукукий коммуникация ёрдамида амалга оширилган.

Ҳукукий қоидалар кундалик ҳаётда учраб турадиган диний, маиший ва бошқа нормалар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўрта асрлардаги давр ҳақида Амир Темурнинг ҳарбий асири бўлган немис Иоганн Шитльбергер ўзининг «Путешествие» номли асарида ёзганидек: «Агар кимдир жума намози пайти масжидга бормаса, у ким бўлишидан қатъий назар, уни нарвонга боғлаб кўчаларда олиб юрадилар ва кейин баданини яланғочлаб йигирма беш дарра урадилар»¹⁶². Бу ерда муаллиф бор ҳақиқатни, кўзи билан кўрган воқеаларни акс эттирган, Соҳибқироннинг давлат бошқарувидаги ўзига хос услубини қоғозга туширган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда дунёда ва Ўзбекистонда жорийланган ҳукукий тизим узоқ асрлар давомида шаклланган. Ушбу тарихий жараёнда ўрта асрларда Марказий Осиёда барпо этилган асарлар алоҳида ўрин тутди. Бошқа соҳалардаги илмий ва маърифий юксалиш каби, ҳукукий тарғиботда ҳам ўша даврларда катта натижаларга эришилган. Ушбу натижалар турли йўналишлардаги асарларда ўз аксини топган.

¹⁶¹ Самарқандий А. Мажмаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 317.

¹⁶² Шитльбергер Иоганн. Путешествие. – Т.: «Шарқ», 2000. – Б. 81.

3. Ҳарбий коммуникация

Ўрта асрларда ёзилган кўп китобларда ҳарбий коммуникация етакчи ўрин эгаллайди. Уларнинг таркибида араблардан бошлаб, Амир Темур даври ва ундан кейинги ҳарбий юришларга бағишланган асарларни айтиш жоиз. Бу манбаларда ҳарбий кучларни бошқариш, уларнинг тизимли равишда фаолият кўрсатиши, жанг олиб бориш пайтида коммуникация жараёнининг турли шакллари қўллаш тадбирлари ва шунга ўхшаган масалаларга жавоблар бор. Ушбу мавзу бўйича алоҳида бир изланиш ўтказилса ҳам бўларди. Тадқиқотимизда коммуникацияларнинг мазкур шакллари бир фасл доирасида кўриб чиқишни лозим топдик.

Ҳарбий ҳаракатлар қадим замондан мавжуд. Масалан, Искандар Зулқарнайн ёки форсий подшоҳлар Сосонийлар даврларида ҳарбий кучлар нафақат юришлар пайтида, шу билан бирга тинчлик даврларида ҳам керак эди. Жамият тинчлигини сақлаш мақсадида ҳам ҳарбий кучлардан фойдаланиб борилган. Масалан, Абу Наср Форобийнинг асарида: «Афлотун одамлар орасида тартиб ўрнатилгандан сўнг уруш бўлиб қолишини ҳисобга олиб, ҳарбий қўмондонларни ва бошқа раҳбарларни тайинлаш керак, деб таъкидлайди»¹⁶³. Бу усул, яъни тинчлик пайтида ҳарбий қўмондонлар борлиги, тегишли раҳбарият тайинланиши урушнинг олдини олиш мақсадида ишлатилган.

Араблар Бухорога қилган юришларида ҳар доим ҳарбий разведка усулларида унумли фойдаланганлар. Масалан, Шарик Ибн Шайх ал-Махрийнинг норозилиги ҳақидаги «хабар Абу Муслимга (Аббосийлар халифаликка кўтарилишига сабабчи бўлган саркарда ва давлат арбоби – М.С.) бориб етди, у Зиёд ибн Солиҳни ўн минг киши билан Бухорога юборди ва унга: «Амуга етганингда ўша ерда тўхтаб, айғоқчиларингни юбор, улар исёнкор Шарик аҳволдан хабар берсинлар, Бухорога эҳтиётлик билан юргин», – деб таъкидлади»¹⁶⁴. Албатта, олдин айғоқчиларни юбориб керакли ахборотга эга бўлиш ва кейин ҳаракатга тушиш – ҳарбий коммуникация усули.

Худди шу асарда овозли коммуникацияларга ҳам эътибор берилади. Масалан, араб лашкарлари ва Бухоро аҳолиси бир неча бор бир-бирлари билан жанглар қилган, Наршахий эса уларни шундай изоҳлайди: «Мусулмонлар такбир айтиб юборган эдилар, кофирлар бирдан қоча бошладилар»¹⁶⁵. Бу жангга киришганлар томонидан овозли боғланишлар, яъни коммуникациялар амалга оширилишининг далолати.

Қутайба ибн Муслим учун Бухоро ёнидаги Байкан шахрини эгаллаш қийин бўлди. Наршахий маълумот беришича, ўшанда Қутайба қуйидаги қарорини эълон қилдирган: «Ҳар ким шу раҳнадан ичкари кирса унга хуни баҳосида (мукофот) бераман, агар у ўлдирилса, (мукофотни) унинг фарзандларига бераман», – деб қичқирди»¹⁶⁶. Ҳарбий шароитда, уруш бўлаётган пайти мазкур саркарда ўз лашкарини жонлантириш, ҳаракатга ундаш учун ушбу усулдан

¹⁶³ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ Мероси», 1993. – Б. 40.

¹⁶⁴ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 135.

¹⁶⁵ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 119.

¹⁶⁶ Ўша жойда. – Б. 120.

фойдаланган. «(Шундан кейин) ҳар ким ичкарига киришга қизикди ва (ниҳоят) Ҳисорни олдилар»¹⁶⁷, – деб ёзади муаллиф. Ҳисор – мудофаа қурилмаси, қўрғон эди. Ўрта асрларда уруш пайтида баланд овоз ёрдамида боғланишлар энг муҳим усулларида бири бўлиб хизмат қиларди.

Асарда товушли коммуникациянинг бошқа турлари ҳам тилга олинган. Бу ҳақда Наршахий шундай деб ёзади: «Мусулмонлар тезлик билан қарнай чалиб ҳаммалари бирдан отларига миндилар ва сафларга тизилдилар»¹⁶⁸. Ўша даврда қарнай – ҳарбий коммуникациянинг кенг тарқалган усули бўлганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, хат ёзишмалари ҳам алоқа воситаси сифатида кўп ишлатилган. Арабларга қарши қўзғолонни бошқарган Муқанна хат усулидан кенг фойдаланиб, улар ёрдамида вилоятлар аҳолисига мурожаат этган.

Наршахий бунга қуйидагича изоҳ беради: «Муқанна ҳар бир вилоятга нома ёзиб, ўзининг доий (ташвиқотчи)ларига берди. Номага мана шуларни ёзди: «Раҳмли ва меҳрибон тангри номи билан, саййидлар саййиди Ҳошим ибн Ҳакимдан фалончи ўғли фалончига, ҳамд худога бўлсин, ундан бошқа худо йўқ. У Одамнинг ҳам, Нух, Иброҳим, Исо, Мусо, Муҳаммад ва Абу Муслимларнинг ҳам худосидир. Сўнгра (сўз шуки), қудрат-эғалик, иззат ва ҳужжат Муқаннаникидир; менга имон келтиринг ва билингки, подшоҳлик менга хос, – унга лаънатлар бўлсин (деб қўшади Наршахий – М.С.), – азизлик ва худолик меники, мендан бошқа худо йўқ, – оғзига тупроқ (деб қўшади Наршахий – М.С.), – кимки менга имон келтирса, жаннат ўшаники, кимки менга имон келтирмаса дўзах уники»¹⁶⁹. Албатта, бугунги кун тушунчалари нуктаи назаридан бундай ҳаракатлар бир оз ғайри табиий кўриниши мумкин, лекин ўша вақтда, яъни Муқанна қўзғолони даврида жамоатнинг савияси унча баланд эмас эди, одамлар тарғиботчиларга ишонар эдилар.

Ўрта асрларда ижтимоий маълумот тарқатувчилар одатда қўзга кўринган шахслар бўлган. Муқанна ўз усулида раият билими даражасидан фойдаланди ва уларга хатлар юборди. Бу хатлар маълум даражада ўз таъсирини кўрсатди. Агар халқ унга ишонмаганида эди, Муқаннанинг қўзғолони дастлабки муваффақиятга ҳам эриша олмасди.

Мовароуннахр ҳудудини араблар босиб олиш мақсадларидан бири – кўп Худолик, Зардуштийлик динига бўйсунадиган одамларга мусулмон динини ўргатиш бўлган. Дастлабки босқичларда ўша жойларда яшайдиган одамлар (масалан, бухороликлар) бунга қарши чиқишган.

Наршахий асаридаги яна бир ҳарбий алоқа усули – бу рангли коммуникациядир: «Оқ кийимликлар»нинг қўллари узайиб, улар ғалаба қозондилар, – деб ёзади муаллиф. – Алоқа (хат-хабар) ишлари бошлиғи бу ҳақда халифага хабар юборди, халифа Маҳдий эди»¹⁷⁰. Оқ кийимликлар деб аталганлар уруш вақтида ўз сафдошларини кийимларидан таниб рақибга қарши ҳаракат қилганлар. Бундай кийиниш рангли коммуникацияларнинг фақат бир тури эди.

¹⁶⁷ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 120.

¹⁶⁸ Ўша жойда. – Б. 119.

¹⁶⁹ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 138-139.

¹⁷⁰ Ўша жойда. – Б. 94.

Тинчлик даври ўша вақтларда ҳам унча тинч бўлмаган. Кўп подшоҳ ва саркардалар бундай пайтларда турли йўналишдаги, жумладан, ҳарбий характерга эга бўлган маълумотларни тўплаб юрган. Бундай информацияни йиғиш жараёнида турли лавозимлардаги одамлардан фойдаланилган. Буларнинг ичида элчилар муҳим роль ўйнаган. Чунки «элчига ўлим йўқ» деган ибора ўша вақтларда ҳам маълум бир кучга эга эди.

Масалан, Низомулмулкнинг асарида шундай гаплар бор: «Подшоҳнинг элчи юборишдан мақсади хат ё мактуб юбориш эмас, балки унинг сафардан кўзда тутган қатор мақсади ва сир-асрорлари мавжуд. Подшоҳ тоғ йўлларининг ахволи, дарёлар қандайлиги, лашкар йиғи олиш даражаси, у ерда қанча ем-хашак бор, қайда ким ҳокиму ва малик, лашкарларининг сони қанча – шуларни билиш учун элчи юборади»¹⁷¹. Демак, элчилар нафақат бугунги кунда улар хизмат қиладиган мамлакат ҳақида турли сирлар ва ҳарбий маълумотлар йиғиш билан шуғулланар, балки бу қадимдан келаётган удумдир. Масалан, ҳарбий атташелар барча мамлакатларда ҳарбий сирларни йиғиётган мутахассислар ҳисобланадилар, лекин дипломатик иммунитетга эга бўлганлиги учун уларга тегинмайди.

Адам Мец ўз асарида шундай бир фикр келтиради: «Ҳарбий мудофаа вазирлиги (девон ал-джайш) ўз ичига ҳарбий харажатлар палатасини «мажлис ат-тақрир» ва аскарларни йиғиш палатасини «мажлис ал-муқабала»ларни олади. Баъзи ҳарбий қисмлар, масалан гвардия ва вилоятлардаги турли отрядлар (бу*ус) алоҳида бошқарилган»¹⁷².

Шунингдек, ҳарбий коммуникация турлари ҳақида Шомийнинг асарида ҳам маълумотлар келтирилган. Муаллиф Амир Темур томонидан ишлатилган шаклларни изоҳлайди. Бу ҳақда у шундай дейди: «Жувонбахт маҳдумзодалар, улуғ амирлар, улуғ даргоҳ муқарраблари ва хос бандаларидан ташкил топган сонсиз тумони ва қўшунларининг сардорлари – ҳаммалари жаҳонпаноҳ тахт поясига ҳозир бўлдилар. Ана шу хос йиғилишда хушёр хотири осмоний сирлардан огоҳ ва равшан, дили сафҳаси илоҳий файз ойинаси бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон муборак тилини сўзга келтириб, қадимги подшоҳларнинг жанг ўрнидаги тўра ва ёсоқларни айтиб ўтди, жанговарлик расму русумлари, душман билан жанг қилиш қоидаларини кўрсатди, жангнинг қонхўр дарёсига киришу унинг гирдобидан саломат чиқишни яхши тарзда баён этди. Шундан кейин уларнинг ҳар бирлари жувонғор (лашкарнинг сўл қаноти – М.С.), бурунғор ва қул (лашкарнинг марказий қисми – М.С.) қисмларнинг қайси мақомида туришларини ва қандай қилиб жиловларни бир-бирига улашни ҳамда душман ҳамласини қандай рад қилишни ўргатди»¹⁷³. Кўриб турганимиздек, бу ерда ҳарбий алоқалар ва уларнинг усулларида турли вазиятларда қандай фойдаланиш кераклигича тавсиф берилган.

Албатта, бевосита ҳарбий ҳаракатлар пайтида ўша даврларда энг кўп ишлатиладиган боғланишлар тури – бу товушли коммуникациялардир. Товушли коммуникацияни овоз билан ёки ноғора-сурнай ёрдамларида амалга ошириш ҳақида ушбу асарда кўп маълумотлар бор. Масалан, лашкарлар Хиротга

¹⁷¹ Низомулмулк, Абу Али. Сиёсатнома. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 95.

¹⁷² Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М.: «Наука», 1973. – Б. 71-72.

¹⁷³ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 247.

яқинлашганидан кейин, «кеч киргач, довулу ноғора қоқиб ва бурғу чалиб, икки томондан ҳам тонг отгунча соқчилик қилинди»¹⁷⁴, – дейилади. Демак, иккала томон ҳам ўзини ҳимоя қилиш мақсадида довулу ноғоралардан фойдаланиб, рақиб ҳужумини олдини олиш мақсадида ҳаракат қилган.

«Зафарнома» асарининг муаллифи бир қатор товушли коммуникация турлари ҳақида гапирди. У шундай деб ёзади: «Катта дўмбира, карнай, бурғу (чалиб), ноғора қоқдилар. Уларнинг садосидан ва жангчию ботирлар наърасидан жаҳон шўру ғавғога тўлди. Жангчилар қалби кўкрак нафасида жўш урди»¹⁷⁵. Маълумки, овоз ва шовқин инсоннинг онгига таъсир қиладиган воситалардан ҳисобланади, уруш пайтида эса улар баланд ва кўрқинчли даражада бўлган.

Асарда қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Шу ҳолатда Амир Соҳибқироннинг катта қули ва лашкарнинг қалби курко, карнай, ноғора ва бурғу чалиб, зўр хайбат ва буюк бир шавкат билан етиб келдилар. Карнай, сурнай овозидан олам шов-шувга тўлди-ю, жаҳон шўру ғавғога қолди. Шу миёнада Устуй ўз қўшуни билан қул қисми орқасидан келиб қўшилди. Икки томондан шу қадар кўпчилик ва шавкат билан жанг бошладилар»¹⁷⁶. Карнай-сурнайлар нафақат ўз қўшинларини жонлантириш билан бирга рақиб лашкарларини кўрқитиш мақсадида ҳам ишлатилган.

Бошқа бир жойда 1395-1396 йиллардаги воқеалар ҳақида Шомий қуйидагича ёзади: «Амирзода Султон Хусайн баҳодир ва Худойдод баҳодир жўнадилар ва ноғора, карнай, дўмбира, бурғу тортиб етиб келдилар. Жанг бошлаб, уларнинг ҳаммасини қўлга олдилар»¹⁷⁷. Бу ерда ноғора, карнай, бурғудан фойдаланиш усуллари тилга олинган.

Товушли коммуникацияни биз овозли ва мусиқавий турларга бўлишимиз мумкин. Масалан, «Зафарнома»нинг 4-бобига ёзилган изоҳларда шундай сўзлар бор: «Мавлонзоданинг ишораси билан дўмбиралар чалинди. Душманга ҳар томондан ўқ-ёйлар, тошлар ёғдирилди, уларни таёқ билан саваладилар»¹⁷⁸. Ноғора, карнай, бурғу, дўмбираларни биз мусиқавий боғланишларга киритишимиз мумкин.

Бундан ташқари, коммуникациянинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Масалан, ёруғлик ёрдамида боғланиш. Шомийнинг асарида олов шаклидаги ҳарбий коммуникацияга қуйидаги таъриф берилган: «Амир Соҳибқироннинг ўзи бир минг беш юз тажрибали, жангговор отлиқлар билан Эсан майдонидан то Кеш теварагигача бориб, ярим кечада сувдан ўтдилар ва тоғ устига чиқиб, ҳар жой - ҳар жойда ўт ёқдилар. Ғаним қоровуллари буларнинг хабарини етказдилар. Хавф ва кўрқинч ғалаба қилиб, душман қочишга юз тутди»¹⁷⁹. Бундан кўринадики, ҳарбий ҳаракат ҳали бошланмаган эди, лекин олов орқали, психологик таъсир кўрсатганда, яъни турли жойларга гулханлар ёқилганидан кейин Амир Темур лашкарлари кўп экан деб, рақиб кўрқди. Бу – олов шаклидаги ҳарбий коммуникация самарадорлигининг кўрсаткичи.

¹⁷⁴ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 114.

¹⁷⁵ Ўша жойда. – Б. 130.

¹⁷⁶ Ўша жойда. – Б. 211.

¹⁷⁷ Ўша жойда. – Б. 219.

¹⁷⁸ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 414.

¹⁷⁹ Ўша жойда. – Б. 41.

Бошқа бир жойда айнан шунга ўхшаш яна бир мисол келтирилган: «Бир куни кечаси Инкотуро ҳийла ишлатиб тушган жойига минг кишини қўйиб, уларга кўп жойларда айрим-айрим гулханлар ёқишни буюрди»¹⁸⁰. Инкотуро – Амир Темур тарафдори, Амир Умаршайх билан жанг қилган одам.

Ҳарбий кучларга эга бўлиш, ўз вақтида ва керакли дақиқада аскарларни ҳамда маълумотларни йиғиш муҳим деб ҳисобланган. Чингизхон ёки Амир Темур жуда катта ҳудудларни эгаллаган, кўп халқларни ўзига бўйсундирган, лекин улар фақат жанглар билан шуғулланмаган. Жумладан, айғоқчиларни разведкага юбориб, керакли маълумотларни йиққан, улардан унумли фойдаланган. Шу йўл билан улар ўз ҳарбий кучини асраган, ҳатто керакли пайтларда жангнинг олдини олиш учун ҳаракатлар қилган.

Яна бир жойда Шомий шундай баён этади: «Икки мингга яқин кишини тирик ушлаб, Амир Соҳибқирон ҳузурига келтирдилар. Ҳазрат уларнинг бариси устига афв ва марҳамат этагини ёпиб, қонларидан ўтди»¹⁸¹. Бундай информация аҳоли ўртасида тез тарқатилишига шубҳа қилмасак, бўлади.

Муаллиф фактларни бир-бир келтирар экан, воқеаларни изчил тарзда айтиб беришга ҳаракат қилганлиги кўриниб турибди. Шомийнинг баёнларидан маълумки, Амир Темур ҳар доим уруш олиб боришнинг тўғри йўлини танлаган ва оммавий ахборот тарқатишнинг самарали усулидан фойдаланган. Шаҳар ёки қалъага яқинлашгач, у мудофаачилардан уларни ихтиёрий равишда топширишни таклиф қилган, бу эса қон тўкилишининг олдини олиш учун кўрилган чора эди. Шомий ўз ўқувчисига Амир Темурнинг эълонини қуйидаги тарзда етказди: «Раиятдан кимки ўз уйидан чиқмаса ва қалъа фасилига бормаса, у ва унинг аҳлу аёли амонликда бўлади. Акс ҳолда, неки кўрсалар, ўзларидан кўрсинлар»¹⁸². Бу ҳам уруш даврида ғалабага имкон даражада тинчлик билан, кўпчиликни огоҳлантириш усулида эришиш йўлидаги ҳаракатдир. Турли эълонлар чиқариш, уларни кенг тарқатиш, овоза қилиш каби оммавий коммуникацияларнинг усуллари билан Амир Темур томонидан урушнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорона фойдаланилган.

Шомийнинг асарида оммавий коммуникациянинг энг абадий усуллари билан бири – тошга матн тушириш ҳақида гувоҳлик бор. Унинг ёзишича: «...Улуғ Доғ мавзесига етдилар. Амир Соҳибқирон тоғ устига чиқиб, ҳар ён назар солди. Атроф поёнсиз сахро ва чўли биёбон эди. У куни шу жойда тўхтаб, ҳамма лашкарларга тош келтиришни буюрди. У жойда баланд бир нишона – минора кўтардилар. Тоштарошларга буюрди, улар у кунлар тарихини тошга нақш қилдилар, токи у нишона турар экан, замона саҳифасида бу юриш зикри боқий қолгай»¹⁸³. Тошларда тарихни ёзиш коммуникациянинг энг қадимий кўринишларидан ҳисобланади. «Зафарнома»га берилган тушунтиришларнинг 41-бўлимидаги 4-изоҳда шундай маълумотлар келтирилади: «Бу ҳарсангтош асримизнинг 30-йиллари ўртасида Қозоғистоннинг Қарсақпай маъдани ёнида топилган, ҳозир Эрмитаж музейида сақланмоқда. Унга ўн бир сатр ёзув

¹⁸⁰ Ўша жойда. – Б. 144.

¹⁸¹ Ўша жойда. – Б. 115.

¹⁸² Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 115

¹⁸³ Ўша жойда. – Б. 158.

битилган, ёзувнинг 8 сатри қадим уйғур ва 3 сатри араб ҳарфидадир. Араб ҳарфидаги 3 сатрни ўқиб бўлмайди, лекин уйғур тилидаги сатрларни ўқиса бўлади. Ундан маълум бўлишича, 793 (1391) қўй йили ёз фаслининг ўртасида Турон султони Темурбек 200 минг кишилиқ ўрдуси билан Тўқтамишхонга қарши сафарга чиқди»¹⁸⁴. Шундай қилиб, ҳарбийлар ўз юришларини акс эттиришда антиқа усуллардан фойдаланган. Бу ҳаракат ҳозирги давр учун антиқа, лекин аввалги замонларда у асосий усуллардан бири эди. Шунинг учун тарихий воқеалар тошларга, ёғочларга битиларди.

Ҳарбий коммуникацияларнинг турлари Байҳақийнинг китобида ҳам батафсил келтирилган. Асарнинг ҳажми анча катта, чунки муаллифда ўрта асрдаги ҳаётни, ҳарбий юришларни, давлат сиёсатини атрофлича ёритиш учун имконият бўлган. Натижада, биз бу манбада ўша даврдаги оммавий алоқаларнинг турли кўринишлари астойдил ёритилганлигини, жумладан, ҳарбий коммуникациянинг турли шаклларини ҳам кўрамиз.

Масалан, ҳарбий бошқарув тизимининг яхши ишлаши учун давлат раҳбарлари, подшоҳлар, амирлар томонидан махсус ҳарбий девонлар ташкил этилган эди. «Ҳарбий девонга Бу-л-Касим Касир раҳбарлик қилган, амир эса у билан лашкарлар ҳақида суҳбатлар ўтказган»¹⁸⁵, – деб ёзади Байҳақий амир Масъуд ҳақида. Амир ўз раияти ва лашкарлари билан уни боғлаб турган одамлар сифатида отликлардан ҳам фойдаланилган. Бу ҳақда Байҳақий Собук-текин ҳақида шундай деб ёзади: «Отликларни юбориб (Собук Тегин – М.С.) кўп аскарларни йиғиб олишга муваффақ бўлган, бу аскарлар ичида хиндлар, ҳолажийлар ва бошқалар бор эди»¹⁸⁶. Давлатни ва ўз шахсини тарғиб қилиш ёки машҳур бўлиш мақсадида подшоҳлар турли вилоятларга ўзининг ҳарбий ғалабалари, ёки бошқа ютуқлари ҳақида хатлар ёзиб турган. Масалан, Султон Масъуднинг ғалабалари ҳақидаги «Тегинободдан олинган хатдан нусхалар кўпайтирилиб, Ғазна, Балх, Тохаристон, Ғузғанон (оригиналда Ғузғанан – М.С.)ларга юборилган»¹⁸⁷. Хатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун эса кўчирмаларга амирнинг ўзининг махсус муҳри босилган.

Инсониятнинг бутун тарихи давомида султонлар ва подшоҳлар, қирол ва императорлар икки кучдан қўрқиб, ўзини асраб келганлар – дин арбоблари ва ҳарбийлардан. Бундай тоифадаги одамларни улар, бир томондан, доимо сийлаб турган бўлса, иккинчи томондан, назорат қилиб келган. Шунинг учун лашкарларнинг тайёргарлигидан хабардор бўлиш ёки уларни подшоҳга вафодорлигини синаш мақсадида ҳар доим маълумот йиғилиб борилган. Жумладан, Байҳақий шундай ёзади: «Ғазнадаги ҳарбийлардан ҳар куни ёзувлар келиб, хатларда ҳарбийлар нима қилаётганлиги, нима билан машғул бўлаётганлиги ҳамда подшоҳнинг топшириқларини улар қандай бажараётганлиги ёритилган эди»¹⁸⁸.

Энди бевосита уруш жараёнига ўтамиз. Маҳмуд Ғазнавий ёки Амир Масъуд

¹⁸⁴ Ўша жойда. – Б. 429.

¹⁸⁵ Байҳақи, Абу-л-Ғазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 161.

¹⁸⁶ Ўша жойда. – Б. 284.

¹⁸⁷ Ўша жойда. – Б. 76.

¹⁸⁸ Байҳақи, Абу-л-Ғазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. 117.

олиб борган урушлар ҳақида Байҳақий батафсил фактлар келтиради. Уруш жараёнида ҳарбий коммуникациянинг бир қатор усуллари ишлатилар эди. Бор имкониятлардан келиб чиқиб буюмли, овозли ёки коммуникациянинг бошқа турларидан кенг фойдаланилган.

Байҳақийнинг маълумот беришича, «куннинг ўртасида Ҳасан аскарлар олдида катта байроқни чиқаришни буюрди, ўзи эса биринчи бўлиб кучли отлиқлар билан ҳужумга ташланди»¹⁸⁹. Байроқ бу ерда буюмли оммавий коммуникация вазифасини ўтаган, бошқалар уни кўриб, руҳланиб, кучга тўлиб ҳужумни кучайтирган. Яна бир жойда Байҳақий шундай деб ёзади: «Амир лашкарларнинг олдида байроқни олиб боришни буюрди, ўзи эса хотиржамлик билан байроқдан кейин юрди. Шу йўл билан барча ғуломлар ва бошқа аскарларнинг руҳини кўтариб, уларнинг қаттиқроқ курашишга интилишлари таъминланди»¹⁹⁰. Бу ерда байроқ аскарларни бирлаштирувчи ва руҳлантирувчи восита сифатида хизмат қилган.

Уруш пайтида ҳатто байроқларнинг ранги ҳам оммавий коммуникация вазифасини ўтаган. Одатда, Ислом динига риоя қилувчилар яшил байроқ остида курашарди. Лекин бошқа рангдаги байроқлар ҳам қўлланилган. Бу ҳақда Байҳақийда шундай маълумот бор: «Мен ўзим узоқдан кумли тепалик устида учта қора байроқни кўрдим, чунки ўша тепаликнинг рўпарўсида турган эдим. Учала туркман саркардалари ҳам ўша ерда эди»¹⁹¹. Шундан кейин туркманлар билан бошланган урушда Амир Масъуд қўли баланд келиб, ғанимлар мағлубиятга учради. Китобни ёзар экан, Байҳақий воқеаларни кенгроқ ёритишга ҳаракат қилади ва табиий равишда коммуникацияларнинг ҳар хил турлари ҳақида гапирди.

Масалан, товушли коммуникация кўринишларини асарнинг барча жойларида учратиш мумкин. Жумладан, «ғурликларнинг кўпи ўлдирилди, анчалари эса уларни асирга олишни ўзлари илтимос қилди. Уларга раҳм қилинди, асирлар ва ҳарбий ўлжалар беҳисоб бўлди. Амир жарчилар орқали қуйидагини эълон қилдирди: «Пул, кумуш, олтин ва асирлар аскарларга совға қилинади, қурол эса амирга топширилсин»¹⁹². Аскарлар қанча бойиса, шунча яна урушни давом эттиришга хоҳишлари бўлади, лекин аскарлар ўртасида ортиқча қурол сақланиши хавфли, чунки бундай ҳолда амирнинг ўзига хиёнат уюштириш ҳеч нарса эмас.

Бу китобда шовқин ва бақиришлар ғаним лашкарларини қўрқитиш учун ишлатилганлиги тилга олинган. Масалан, амирнинг катта ҳарбий қўшини олдинга силжиганда, «дунё шовқин ва бақириқ билан тўлиб кетди, гўёки минглаб минг болғалар бирдан ҳаракатга тушгандек»¹⁹³, деб ёзади муаллиф.

Коммуникациянинг самарали турларидан урушнинг энг масъулиятли пайтлари ҳам усталик билан фойдаланилган. Масалан, 1034 йилда тусликлар билан нишопурликлар ўртасида бўлган қаттиқ жангда, Тус шахрининг

¹⁸⁹ Ўша жойда. – Б. 111.

¹⁹⁰ Ўша жойда. – Б. 188-189.

¹⁹¹ Ўша жойда. – Б. 701.

¹⁹² Ўша жойда. – Б. 189.

¹⁹³ Ўша жойда. – Б. 702.

фукарolari Амир Масъудга қарши қўзғолон кўтарган эди. Қўзғолончиларга қарши Амир Масъуднинг вазири Аҳмад Хўжа курашди. Байҳақийнинг асарида бу ҳақда қуйидаги тасвир бор. Аҳмад уч юзта отлични пистирмада сақлади ва уларга «тайёр бўлиб туринглар, менинг ишорамни кутинглар, тусликлар менга яқинлашгандан кейин, мен орқага чекинаман ва уларни ўзимга эргаштираман, ўшанда сизлар тусликларни орқасидан хужум қиласизлар», – деб ўргатди. Пистирмадаги жангчилар ҳаракатга тушиши керак бўлган пайти, яширинган лашкарлар бирдан бурғулар, ноғораларни чалиб, урушга киради. Бошқаларга ҳам қаттиқ бақириш, шовқин кўтариш топшириғи берилади, натижада шовқин кескин кучайиб кетиб, тусликлар кўрқувдан тарқалиб кетиб, енгилди¹⁹⁴.

Мазкур мисолдан маълум бўлмоқдаки, жангларда рақибни енгил учун турли усулларнинг мажмуидан фойдаланилган. Бу ерда ҳарбий тактика, жангчиларнинг жасорати билан бир қаторда кутилмаганда катта шовқин-тўполон билан душманларни кўрқитиш методи ишлатилган. Шунингдек, Байҳақийнинг китобида ҳам амирлар, подшоҳлар ўз аскарларининг кўригини тез-тез ўтказиб туриши ҳақида маълумотлар бор. Ушбу жараёнда уларнинг руҳи тетиклиги, ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлиги назорат қилинган. Намойиш пайти аскарларнинг бошлиқлари подшоҳнинг ёнидан ўтганда у билан яхшироқ саломлашиш талаб қилинади. Байҳақий гувоҳлик беришидек, бундай намоёишлар «топшириқларни нақиблар бир-бирларига тезда етказиши ва ноғора, бурғулар чалиниши ҳамда аскарларнинг баланд бақириши»¹⁹⁵ билан ўтарди.

Бундай тадбирлар аскарларнинг сонига қараб бир неча соат давом этиши мумкин эди. Масалан, Байҳақий Амир Масъуд аскарларининг кўплиги ҳақида гапирганда, ҳарбийлар қанча вақт давомида унинг ёнидан ўтганлигини таърифлаб, «эрталабдан тушгача улар юрди»¹⁹⁶, деб ёзади.

Ўша вақтлардаги жангларда подшоҳ ва амирларнинг ўзлари ҳам қатнашган. Байҳақий Амир Масъуд ҳақида ёзиб, «Амир, филни ўзи бошқариб душман томон ташланган ва бутун лашкарлари амирдан кейин борган ва амир катта тезлик билан филни чоптиргани»¹⁹⁷ ни муаллиф ўз кўзи билан кўрганича таърифлайди.

Ҳарбий юриш пайти тўхташ зарур бўлган жойда ноғора, қарнай ёки сурнай билан «мана шу жойда тўхтаймиз» деган сигнал бериларди ва ҳамма уни англаб оларди. Жойидан силжиганда саф тортиш сигнали сифатида шундай усуллардан фойдаланилган. Бу ҳақда «Масъуд тарихи» асарида кўп маълумотлар келтирилган. Ёки ҳарбий қўшинлар юриш пайтида «кечаси тўхтаганда қўшин атрофига қучли қўриқчи гуруҳлар юборилган»¹⁹⁸. Бу ҳам кутилмаганда душман лашкарлари бостириб келмасин деган мақсадда ҳарбий боғланиш вазифасини бажарган. Ҳар доим Амир Масъуднинг асосий қўшинлари кетаётган пайтида тўрт томонидан қўриқчилар юрган, чунки айрим туркман қабилалари ёки уюшган гуруҳлар ўша вақтларда боқинчилик орқали ҳам кун кечирганлар ва ўз худудига ҳеч кимни киритишни исташмаганлар, кутилмаганда қарвонлар ва

¹⁹⁴ Қаралсин: Байҳақи, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 527-529.

¹⁹⁵ Қаралсин: Байҳақи, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 106.

¹⁹⁶ Ўша жойда. – Б. 106.

¹⁹⁷ Ўша жойда. – Б. 700.

¹⁹⁸ Ўша жойда. – Б. 698-699.

бошқаларга қарши ҳаракатланганлар.

Босқинчилар бирдан ҳужум уюштириб, қисқа вақт ичида карвонларни тор-мор этиб, молларни ўғирлаб, талон-торож қилиб зодагонларни эса асирга олиб қочиб кетарди. Бундай воқеалар тез-тез содир бўларди, бу ҳақда кўп китобларда маълумотлар етарли.

Амир Масъуд хавф-хатардан сақланиш мақсадида, 1040 йилларда ўзининг аскарлари билан юришларида, атрофида кўриқчи ва айғоқчи гуруҳлардан фойдаланганлиги¹⁹⁹ айтилади.

«Темур тузуклари» асарида ҳам зафарли юришлар пайтидаги ҳарбий коммуникациялар усуллари бағишланган маълумотлар кўп. Масалан, бу ерда ҳарбий ҳаракатларни бошлашдан олдин, маслаҳат олиб борилганлиги ҳақида шундай деб айтилади: «Тажрибали ва доно кишилар билан турли мамлакатларни забт этиш шатранжи устида бош қотирдим»²⁰⁰. Қандай қилиб муомала қилиш, рақибни қандай қилиб енгиш кераклиги ҳақида астойдил бош қотирган амир ўз ҳолатини шахмат шаклида тасвирлаган.

Амир Темур ҳарбий келишувга иложи бўлмаганда жангга киришган, уруш жараёнида эса муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳарбий боғланишлар усулларида маҳорат билан фойдаланган. Гап ҳарбий коммуникация ҳақида кетар экан, Амир Темур бундай коммуникация турларини зарурат ва қўшинларнинг катта кичиклигига қараб алоҳида белгилаган. Қарши келаётган қўшин қайси коммуникация усулидан фойдаланишига қараб – товушли, рангли ёки олов усулиданми – шуни кузатган ва белгиларни таниб унинг қандай қўшинлигини, аскарлар сони ёки қўшин турини (отлиқлар ёки пиёдаларми) узоқдан туриб билган.

Бу ҳақда «Темур тузуклари»да турли маълумотлар келтирилган. Масалан, «ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора берилсин. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора, туман туғи тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай берсинлар. Юзбошига ва ўнбошига биттадан катта ноғора берсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса, биттадан бурғу тақдим этсинлар. Тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу берсинлар»²⁰¹, – деб кўрсатма берарди Амир Темур. Қўшинларнинг баланд овозли усулларида фойдаланиши айниқса, уруш бўлаётган пайтида қўл келарди, чунки унда жанг шовқинида аскарлар бир-бирини тезроқ танирди ва ажрата оларди.

Асар кунт билан ўқилса, карнай овози кўп ишлатилганлигини кузатиш қийин эмас. Масалан, «Темур тузуклари»да айтилишича, «мен ҳам нарвонга оёқ қўйиб энди қалъага кирмоқчи бўлган эдим, карнай тортиб, бурғу чалдилар. Тангри таолонинг қўллаши билан қалъани қўлга киритдим»²⁰², – дейди ўз ҳаракатлари ҳақида Соҳибқирон.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида қуйидаги суҳбатни келтиради: Чингиз «Жўжига деди – «Сен туғ остида каттик тур; ноғора

¹⁹⁹ Қаралсин: ўша жойда. – Б. 741.

²⁰⁰ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. – Б. 117.

²⁰¹ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. – Б. 104.

²⁰² Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ. Ғулом», 1996. . – Б. 104.

ва бугни чалдириб тур. Ман бугун бир гурух лашкар билан жанг қилуримни кўргин. Найман шохининг додини берурман, бугун у мендан омон қутила олмайди!»²⁰³. Саркардаларнинг шахсий намунаси ўрта асрларда одатий ҳол эди. Амир Темур ҳам бир неча марта яккама-якка жангга чиққан. Мирзо Улуғбек ёзишича, Чингизхон ҳам уруш олиб бориш пайти жангда ишлатиладиган мусиқавий асбобларга алоҳида эътибор берган.

Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи» асарида шундай ёзади: «Замон Соҳибқирон фармонига мувофиқ Хоразмга лашкар жўнатилди. Сипоҳ бошлиқлари Жўжию Чигатой бўлиб, буларнинг учинчиси Ўқтой эди... Жаҳон шоҳи (Чингизхон – М.С.) буни эшитиб Жўжи ва Чигатойдан ранжиди. Ғазабга келиб буюрди ёрлиғ сипоҳга ёзилсин. Севимли ўғлим Ўқтой янги шоҳ, у сипоҳга бош бўлғуси. Сўзини икки қилмай, унинг фармони билан хужумга ўтинг. Ёрлиғни элчи билан жўнатди. – «Тезда Хоразмга етиб боргил, сипоҳу уччаласини фармонимдан хабардор эт. Адоватни тўхтатиб, иттифоқ бўлишсин. Жўжию Чигатой кўшинга бош эди, энди бу икки сарварга бош Ўқтой бўлди. Ҳеч ким унинг амру фармонидан чиқмасин. Жони хор бўлмасин. Бунга хилоф иш кўрувчилар бўлса жон тўғини ғилофидан суғурарман. Ким Жўжию Чигатой ҳолига кулоқ солгудек бўлса жазолангуси»²⁰⁴. Жанг давомида ёрлиғдан фойдаланиш ҳарбий коммуникацияларнинг самарали усули ҳисобланган. Чингизхон, унинг тарафдорлари нотўғри иш қилганда ёрлиғ юбориш усулидан фойдаланган.

Боғланишлар ёрдамида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишнинг яна бир усули – тинчлик шартномаси ёки сулҳни имзолаш эди. Мирзо Улуғбек ёзишича, «Тинимсиз жангу жадаллардан кейин хожа Рашидиддин табиб саъй-ҳаракати билан сулҳ тузишга қарор қилинди. Мазкур ойнинг 24-да, пайшанба куни, ҳақиқий олампааноҳ ва мансур подшоҳ қайтиш жиловини кароматли қароргоҳи томон бурди»²⁰⁵. Сулҳ тузиш ҳам ҳарбий муносабатларнинг бир туридир.

Ва, ниҳоят, энг муҳим ҳарбий усуллардан бири – чопар хизматида фойдаланиш. Бу ҳақда Мирзо Улуғбек шундай деб ёзади: «Темучин қооннинг лашкари жамъ бўлгандан ва қувват олгандан кейин Ўнгхонга чопар жўнатди. Икки ўртада бир неча бор элчилар бориб келишди. Муомала сулҳ тузиш билан якунланди. Учинчи навбатда ўзининг одамини Ўнгхон элчисига қўшиб юборди. Ўзи эса улар ортидан лашкари билан йўлга чиқди»²⁰⁶. Элчи ва чопарлар - ҳарбий коммуникацияларнинг энг ишонарли вакиллари эди ва улардан саркардалар кенг фойдаланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўрта асрларда подшоҳлар бир-бири билан жанг қилиши ва бир-бирининг устига лашкар тортиши одатий ҳол эди. Уруш давомида эса, табиийки, ҳарбий коммуникациялар биринчи ўринда турган. Жанг пайтида кўшинларни тўғри бошқариш, жанг майдонида уларнинг тезкор тадбирларини таъминлаш, аскарларнинг қайси бир қисми қачон, қаерга силжиши зарурлиги ва барча бошқа ҳаракатлар оммавий боғланишлар ёрдамида амалга

²⁰³ Улуғбек, Мирзо. Тўрт улус тарихи. – Т.: «Ўзгўлпон», 1993. – Б. 94.

²⁰⁴ Ўша жойда. – Б. 162.

²⁰⁵ Ўша жойда. – Б. 266.

²⁰⁶ Ўша жойда. – Б. 89.

оширилган. Коммуникациянинг турлари эса одам овози, тасвири буюмлар, турли чолғу асбобларнинг товушли ва мусикали янграшлари, чопар ва элчилар ахборотларидан иборат эди.

Жамият ва миллат шаклланишида оммавий коммуникацияларнинг аҳамияти V-XV асрларда қандай ривожланганлиги ўша давр асарларида бевосита ўз аксини топган. Асарларда ёзилишича, Соҳиб қонун, яъни қонун чиқарувчи тарихий анъаналарни, фалсафа, соҳа ҳақидаги илмий фикрларни ўрганиш, қонун чиқаришни удалаш ва фармон бериш санъатини ўзлаштирмоғи шарт. Қонуншунос ёшлигидан давлат ишлари бўйича фойдали машқлар қилиб юриши, давлат ишларининг тўғри ва нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритишни ўрганмоғи, вақти-вақти билан ўз малакасини ошириб туриши, машғулотларга сабот, қунт билан қараши зарурлиги таъкидланади.

Аксарият давлат раҳбарлари кенгаш давомида барчанинг фикрини эшитиб, кейин биргаликда қарор қабул қилишган. Бундан кўринадики, ўша даврлардаёқ давлатни мукамал илмий асосда бошқаришга ҳаракат қилинган. Шу билан бирга маънавий-маърифий, маъмурий, ҳуқуқий ҳужжатлар тизими жорий этилган эди.

Ҳарбий алоқаларга оммавий коммуникациянинг тури сифатида, катта аҳамият берилган. Кўриб чиқилган асл манбаларда араблардан то Амир Темур давригача бўлган ҳарбий юришлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Бу асарларда ҳарбий кучларни бошқариш, уларни тизимли тарзда фаолият кўрсатиши, жанг олиб бориш пайтида оммавий коммуникация шакллари қўллаш тадбирлари кенг ёритилган.

Ушбу тарихий манбаларга асосланган ҳолда хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир ҳукмдор ёки подшоҳ ўз давлатини ривожлантириш мақсадида кўп тадбирлар ўйлаб топган ва оммавий коммуникациянинг турли шаклларида фойдаланишга ҳаракат қилган.

Ўрта асрлардаги Марказий Осиё давлатларининг тажрибаси дунёда замонавий давлатчилик тизими ўрнатилиши учун муҳим тарихий босқич бўлди, чунки улар барпо этган тизимлардан кейинги даврларда унумли фойдаланилди. Осиё мамлакатларида маъмурий, ҳуқуқий оммавий коммуникациялар Ғарб университетлари, академиялари ва ҳарбий билим юртларида XVI-XX асрларда кенг ўрганилган. Умуман олганда, маъмурий, ҳуқуқий ва ҳарбий оммавий коммуникацияларсиз Шарқдаги на буюк давлатлар, на буюк миллатлар пайдо бўлиб, гуркираб яшаши мумкин эмас эди.

3-боб. КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҲОРАТИ

1. Коммуникация ташкилотчиларининг хизматлари ва улар яратган шароитлар

Ўрта асрларда ҳам, ҳозиргидек, давлат бошқаруви ва жамият осойишталиги учун бир қатор шартларни амалга ошириш зарур эди. Жумладан, мустаҳкам ҳокимият ўрнатиш, ҳарбий куч ва маъмурий тизимларга эга бўлиш буларнинг ичида биринчи даражадаги вазифалар эди. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Давлат, жамият, ижтимоий қатлам ва гуруҳлар самарали фаолиятининг энг муҳим шартларидан бири доимо ахборот алмашинувини тўғри ташкил этиш ва йўлга қўйиш бўлиб келган. Бусиз ўша вақтларда ҳам, ҳозир ҳам ҳеч қандай давлат нафақат фаолиятини, ҳатто яшашини таъминлай олмайди.

Демак, ўша вақтларда энг муҳим шарт – оммавий коммуникация тизимини ташкил этиш эди. Агар биз, умумлашган фикр сифатида, ўрта асрлардаги давлатлар кўпроқ озиқ-овқат, ҳарбий куч ва ғояларга асосланиб фаолият юритган десак, хато қилмасак керак.

Шуларнинг ичида ғоя ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди, деб ҳисоблаймиз. Чунки алоҳида фуқаролар ўз-ўзини озиқ-овқат билан таъминлаши мумкин, аммо улар ўзларини умумдавлат ва умуммиллий ғоя билан таъминлай олмайди. Бундай ишни давлат ва жамият раҳбарияти амалга ошириши мумкин. Мисол сифатида умумдавлат (ва умуммиллий) ғоя сифатида ислом динига асосланган Исмоил Сомоний амирлиги, Амир Темур салтанати, Усманийлар империясининг мафкуралари хизмат қилади. Бу масалада ҳам, биринчи ўринда, давлат ва жамият миқёсида ривожланган коммуникация тизимига эга бўлмоғи зарур эди.

«Масъуд тарихи»да Байҳақийнинг қизиқ бир фикри бор. Муаллиф ёзишича, «Подшоҳлик масаласи етакчи масаладир, бу ўзақдир, қолганлари эса шохлардир. Ўзакни қўлда тутса, шохларни эплаш осон»²⁰⁷. Ўзакни қўлда тутиш эса кўпроқ оммавий информация ёрдамида амалга оширилади. Байҳақий, салтанат тарихчиси сифатида, узок вақт давомида саройда юриб, давлат бошқаруви санъатини ва халқ турмуш тарзини жуда чуқур ўрганган.

Шўролар давридаги айрим манбаларда ўрта асрларда мусулмон мамлакатлари подшоҳлари саводсиз, маишатпараст одамлар сифатида талқин этилган. Аслида уларнинг кўпчилиги тажрибали ташкилотчилар, етук давлат раҳбарлари ва арбоблари сифатида тарихга кирган. Акс ҳолда ўрта асрлардаги Шарқий мамлакатлар юксалиши бўлиши мумкин эмасди.

Ижтимоий фикр ташкилотчилари турли қатламлар ўртасида доимий тарзда тарғибот ишларини олиб борганлар. Улар давлат бошқарувида бўлаётган ўзгаришлар, маъмурий ва ҳуқуқий ислохотлар, диний талқинлар, маданий янгиликлар ҳақида жамият аъзоларини доимо хабардор қилиб

²⁰⁷ Байҳақи, Абу-л –Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969 – Б. 147.

келганлар. Жумладан, олий фармонларни ўқиб эшиттирганлар, жазолар ҳақида огоҳлантирганлар ёки ишга ёллаш тўғрисидаги ахборотларни тарқатганлар. Масалан, Имом ал-Бухорий ҳақида шундай гувоҳлик мавжуд. Имом ал-Бухорий Нисобурда қанча турган бўлса, доим ҳадис айтиш билан машғул эди. Одамлар тўлиб-тошиб келардилар. Ҳовли-ю супалар, қўйингки ҳамма ёқ тўлиб кетар эди. Бугунги кунда ҳам Имом ал-Бухорий бутун, Ислом дунёсида машҳур бўлиши мана шундай фактларга асосланади.

Худди шу манбада коммуникация жараёнининг ташкилотчиларига ахборот олиб келувчилар хабарларни етказиб турганлиги учун тақдирланиши ҳақида маълумотлар бор.

«Саҳиҳи Бухорий»нинг бир юз тўқсон учинчи боби «Хушхабар келтирган кишига тортиқ қилинадиган нарса хусусида» деб номланган. Бобда қуйидагилар ёзилган: «Каъб ибн Молик Аллоҳ таоло тавбаларини қабул қилиб, гуноҳларини мағфират этганлиги ҳақида башорат берилган чоғда иккита кийим тортиқ қилганлар»²⁰⁸. Ахборот етказиш усулларини такомиллаштириш ва энг яхши ахборотларнинг тез етиб келишини таъминлашга, маълум даражада, мукофотлаш йўли билан ҳам эришилган.

Давлат раҳбарлари маъмурий тизимни ахборот билан таъминлаб туришлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бундай ҳаракат давлат сиёсатини амалга оширишнинг самарали йўли эди. Бу ҳақда ибн Синонинг китобида анча маълумотлар берилган. Ушбу маълумотларга мувофиқ, подшоҳ, амирликка дахлдор одамларни йиғиб, мажлис ўтказган, уларни турли хизматларни бажаришга тайёрлаган ва ишни бажара олишини назорат қилиб борган. Сарой хизматидаги одамлар қатъиятли бўлиши талаб қилинган. Чунки, улар олий мақомли мажлис давраларида ўтириб, подшоҳ билан ҳамсухбат бўлганлар. Бу кишилар даврнинг кўзга кўринган, зодагон, билимли одамлари бўлган. Шу билан бир қаторда, уларнинг кўпчилиги халқ билан сўзлаша оладиган, бошқаларнинг фикрига қулоқ соладиган, доно одамлар бўлишган.

Саройлардаги ҳаётнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборат эдики, бу ердаги мажлисларни кузатиб боровчи кишилар ҳам тайинланганки, улар суҳбатнинг тўғри ташкил этилиши ва ахборот ҳаққонийлигини назорат қилиб, ҳисоботлар тайёрлаганлар. «Уларнинг табиатлари гўзаллик ва зеҳн ўткирлиги, донолиги, ростгўйлик ва ёқимтойлик, яна ютуқлик билан зийнатланган»²⁰⁹. Ушбу гувоҳлик ўрта асрларда подшоҳ ва амирларга яқин бўлганлар феодал ва реакцион одамлар эди, деган баҳони рад этади.

Ибн Сино Хоразмга кўчиб келганидан кейин, ўша воҳанинг шароитлари ҳам унинг асарларида ўз аксини топган. «Медицинские взгляды» номли китобга киришнинг муаллифи Хоразмдаги вазиятни ўрганиб, унга қуйидагича таъриф беради. Хоразмшоҳ Маъмун даврида, Хоразмда вазият олимлар учун бошқа жойларга, масалан, Бухорога нисбатан, яхшироқ бўлган. Чунки Маъмун фан, маданият ва санъат ривожланишини қўллаб-қувватлаган.

²⁰⁸ Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 1-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 536.

²⁰⁹ Ибн Сино, Абу Али. Жизнеописание // Медицинские взгляды. – Т.: «Медицина», 1983. – Б. 14.

Шоҳ саройида ўша вақтда кўп олимлар, шоирлар, рассомлар, бастакорлар йиғилган. Улар Маъмун академиясини ташкил қилганлар. Ўша даврда академияни Абу Райҳон Беруний бошқарган.

Хоразм олимлари Маъмун бошчилигида ибн Синони яхши кутиб олганлар, биргаликда илмий баҳслар, фалсафий мушоҳадалар олиб борганлар. Натижада, давра қатнашчилари ўз илмини оширган, савиясини кенгайтирган ва дунё илмига катта ҳисса қўшган йирик асарлар ёзган²¹⁰.

Ўрта асрларда давлат бошқарувидаги шахслар турли мазмун ва шаклдаги асарлар яратилишига бевосита алоқадор бўлганлар. Бу ҳақда энг муҳим фактлардан бирини келтирайлик. «Бухоро тарихи» асари Исмоил Сомонийга бағишланганлигини муаллифнинг ўзи таъкидлайди. Демак, тахмин қилиш мумкинки, бу ерда ахборот ташкилотчиси амирнинг ўзи бўлган. «Бухоро тарихи»да бу ҳақда шундай ёзилади: «Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий шундай дейди: «Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий Бухоро (шаҳари), унинг хусусият ва фазилатлари, шаҳарнинг ўзида ва кишлоқларида мавжуд бўлган қулай шароитли ва фойда етказувчи нарсалар, шаҳарга алоқадор бўлган нарсалар ҳақида... бир китоб ёзган ва уни марҳум Амири ҳамид Абу Муҳаммад Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний номига бағишлаган»²¹¹.

Исмоил Сомоний йирик давлат қуришига бир неча муҳим омиллар сабаб бўлган. Шулардан биттаси – у нафақат ўзи, шу билан бирга ўз вазирларига ҳам ўз атрофида билимли одамларни, олимларни, дин пешволарини йиғиб, улар билан бамаслаҳат иш кўришни тавсия этганлиги. Ва бу жараёни доимо ўз назорати остида сақлаган. Айнан шу мақсадда Исмоил Сомоний ҳукмронлик қилган даврда у Аркда ўз саройи олдида девонхоналар қуришни буюрди. Бу ҳақдаги иқтибосни биз юқорида келтирган эдик.

Сарой қошида девонхоналар ташкил этиш йўли билан ҳар бир девоннинг ўзи бажарадиган вазифалари белгиланган, ҳар бир девонхона эса ўз фаолияти давомида халқ билан алоҳида мулоқотда бўлишини таъминлаган. Яъни ушбу девонхоналар амирлик учун энг муҳим ахборот йиғувчи, ишловчи, етказувчи ва тарқатувчи маркази ҳисобланган. Бошқача қилиб айтганда, девонхоналар тизими давлат ичида ва бошқа мамлакатларда юз бераётган воқеалар ҳақида ахборот йиғиш, уни ишлаш ва амирга етказиб бериш билан шуғулланган.

Маълумки, Исмоил Сомоний ва Абу Лайс ўрталарида бўлган жанг пайтида, Абу Лайс халифага ундан ёрдам сўраб мурожаат қилган. Аммо Бағдод халифаси уларнинг ишларига аралашмаган. Абу Лайс ўша вақтда Самарқандни бошқарган эди. Исмоил Сомоний Бухоро амири бўлгунча, улар бир-бирларига яқин одамлар эдилар. Кейинча Исмоил Сомоний давлати ривожланиб кетгани Абу Лайсга ёқмаган ва у Бухорога қўшин тортган. Абу Лайс бу жангда ҳалокатга учраган. Исмоил Сомоний Хуросонга амирлик қилишга ёрлик олиш мақсадида халифага мурожаат қилган, халифа эса Исмоил Сомонийни амир қилиб тайинлаганлиги ҳақида фармон юборган.

²¹⁰ Каралсин: Ибн Сино, Абу Али. Жизнеописание // Медицинские взгляды. – Т.: «Медицина», 1983. – Б. 14.

²¹¹ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 88

Демак, ўша давр ичида Исмоил Сомоний ва Бағдод халифаси ўрталарида ахборот алмашиш жараёни содир бўлган. Фармонни жойларга етказишнинг ўзи ҳам оммавий коммуникация кўрсаткичидир. Чунки Исмоил Сомонийни Хуросон амири бўлганлиги тўғрисидаги фармон барча вилоятларда ўқиб эшиттирилган.

Исмоил Сомоний нафақат Бухоро ва Самарқанд, балки катта бир давлат, жумладан, Ҳиндистоннинг бир қисмига ҳам амир бўлди. «Халифа (ал-Муътазид – М.С.) амир Исмоилни Хуросон амири қилиб фармон юборди – Хулвон довонидан бошлаб Хуросон вилояти, Мовароуннаҳр, Туркистон, Синд, Ҳинд ва Гургонлар ҳаммаси уники бўлди... У зоҳид бўла туриб шундай сиёсатли эдики, сомонийлар сулоласидан ҳеч ким ундан сиёсатлироқ бўлмаган»²¹². Маҳаллий халқларга бу одам амир бўлгани ҳақидаги маълумотлар эълон, фармон ва хатлар ёрдамида етказилди.

«Бухоро тарихи»да Муқаннанинг тарғиботчилари арабларга қарши қилган ҳаракатлари ҳам ўз аксини топган. Наршахий, амир топшириғи билан китоб ёзадиган тарихчи сифатида, Муқаннанинг бошқарувчилик фаолияти ҳақида маълумотлар беради. «У (Муқанна – М. С.) ҳали Марвда турган вақтидаёқ ҳар ерга дойларини юбориб кўп халқни йўлдан оздиради. Марвда араблардан Абдуллоҳ ибн Амин номли бир киши Муқаннага имон келтирди ва қизини унга хотинликка беради. Ана шу Абдуллоҳ Жайхундан ўтиб Нахшаб ва Кеш шаҳарларига келади ва халқни лаънати Муқанна динига чақириб, кўп кишини йўлдан оздирди. (Бундайлар) Кеш шаҳарида ва унинг қишлоқларида кўп эди»²¹³. Шундай қилиб, Наршахий арабларга қилинган аксил тарғибот натижасида, уларнинг сиёсатига қарши ахборот тарқатиш йўли билан Муқанна томонидан қўзғолон кўтариш амалга оширилгани ҳақида маълумот билдиради.

Байҳақий ҳам «Тарихи Масъуд»да шундай мисол келтиради: «Амир (Масъуд – М.С.) менга ўз қўли билан ёзган шартнома ва қасам қораламасини ташлади. У шундай чиройли ёзардики, энг яхши дабирлар ҳам бундай услубда ёзишни эпполмасди»²¹⁴. Подшоҳ томонидан оммавий ахборот тизимини ташкил этиш, жумладан, хаттотлар, ёзувчилар, тарихчиларнинг белгиланиши далиллар билан кўрсатилган. «Исфаралик Абул-Аббос жияни бўлган Убайдуллоҳни девонга ишга олишни амир Муҳаммад унинг бобосига бўлган ҳурмати юзасидан тавсия этди. Бу фақир ва ёш киши, унинг гўзал имлоси бор ҳамда дабир вазифаларини у аъло даражада бажара олади»²¹⁵, – деб ёзади Байҳақий. Яхши саводи бўлган, хусниҳати чиройли ва қобилиятли ёшларни коммуникация жараёнини амалга оширадиган жойларга, жумладан, девонларга юқори тоифадаги раҳбарларнинг ўзлари танлаб, уларни ишга олишни ва вазифа беришни назорат қилиб борганлар.

Хоразмшоҳ Абул Аббос XI аср бошларида яшаб ўтган, ширин сўзли раҳбар бўлган. Байҳақий ушбу шахс ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг

²¹² Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 81.

²¹³ Ўша жойда. – Б. 139.

²¹⁴ Байҳақи, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 206.

²¹⁵ Байҳақи, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 217.

қуйидаги гувоҳлигини келтиради: «Амир Абул-Аббоснинг энг олий фазилати шундан иборат эдики, унинг оғзи ёмон сўзлар, беодоблик ва бошқа беъманиликлар учун ёпиқ эди. Мен, Бу Райҳон, унга етти йил хизмат қилдим ва унинг оғзидан ҳақоратли сўзлар чиққанини эшитмаганман»²¹⁶. Давлат раҳбарларининг билимли ва маданиятлилиги ҳақидаги мулоҳазаларимизни давом эттириб, бу йўналишдаги бошқа фактларни ҳам келтиришимиз мумкин.

Ахборот кимдан ва қандай усулларда йиғилиши мумкинлиги ҳақидаги амалиёт бўйича «Фозил одамлар шахри»да ҳам маълумотлар бор. «Афлотуннинг фикрича, мансабдорларни тўғри тайинлаш фойда келтиради. Шу билан бирга у халқ ичида юриб, гап терадиган жосуслар ва айғокчилар хусусида тўхталиб ўтади»²¹⁷. Бир қараганда, бундай ҳаракатлар «қора» усулларга ўхшайди, аммо барча замондаги давлат раҳбарлари мазкур усуллардан фойдаланган, булар давлатни бошқаришнинг табиий элементидир.

Қадимги дунёда (Миср, Хитой ва бошқа), фиръавн ва императорлар улар бошқарадиган даврни хроникасини ҳатто тошларда ҳам ўйиб ёздирганлар. Бу амалиёт ўрта асрларда сақланган ва ўзини тўлиқ оқлади.

Амир Темурнинг топшириғи билан воқеалар деярли кунда ёзиб борилган ва бу иш доимий назоратда бўлган. Бу ҳақда Соҳибқирон шундай дейди: «Бу мактубни (бошимдан кечмиш) воқеалар дафтарига кўчириб ёзиб қўйишларини буюрдим»²¹⁸. Воқеалар дафтари – подшоҳликда ҳар куни бўлиб турадиган воқеалар ёзиб борилган махсус дафтар-кундалик.

Албатта, давлат раҳбарлари томонидан махсус тайинланган тарихнавислар уларни кўп мактаган ва бундай маълумотларни тўлалигича ҳақиқат деб бўлмайди. Лекин Амир Темурни кўкка кўтарган Шарафуддин Али Яздийдан ташқари Соҳибқиронни қоралаган ибн Арабшоҳ ҳам бўлган. Китобхонлар бундай қарама-қарши хроникалар билан танишиб, ўзлари хулоса чиқарардилар.

Ташкилотчиликнинг яна бир кўриниши «Темур тузуклари»да ўз аксини топган: «Мажлис котибларини тайинлашни буюрдимки, девон мажлисида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда кўрилган ва ҳал қилинган муҳим масалалар ва айрим ишлар тафсилотларини ёзиб олиб, сақлашлари лозим»²¹⁹. Шунингдек, «Арз қилинган гаплар, чиқарган ҳукмларим, мажлисларда кўрилган мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб жузъий ишларгача, барчасини, қаламга олиб, (бошимдан кечирган) воқеалар дафтарига киргизсинлар»²²⁰. Бугунги кунгача етиб келган кўп маълумотлар айнан шундай топшириқлар асосида тайёрланган китоблардан олинган. Шунинг учун биз бундай ташкилотчиларни инсоният олдида буюк хизматни адо этган шахслар деб баҳоласак арзийди. Чунки ташкилотчилар бўлмаганда инсоният

²¹⁶ Байҳақи, Абу-л-Фазл. История Масъуда – М.: «Наука», 1969. – Б. 808.

²¹⁷ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ Мероси», 1996. – Б. 41.

²¹⁸ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ.Ғулом», 1996. – Б. 80.

²¹⁹ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ.Ғулом», 1996. – Б. 108.

²²⁰ Ўша жойда. – Б. 108.

ҳам ўз тарихига эга бўлмасди.

Ташкилотчиликнинг энг ёрқин мисолларидан биттаси Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн» асарида келтирилган: «Ҳақимлар томонидан сўзланган ва улуғлар китобларида битилганки, шоҳ шахсан ўзи қанчалик етук, одил, салтанат ишларини юритишга қобил ва лойиқ бўлса ҳам, бироқ истеъдодли кордон вазирларсиз мамлакат иши тартибга келмайди»²²¹. Демак, подшоҳнинг вазифаси нафақат ўзи етук ҳамда билимдон шу билан бирга, у ишга жалб этган одамлар ҳам шундай бўлиши шарт. Чунки битта одам бутун бир давлатни бошқара олмайди. Агар вазир ёмон бўлса, у ўзининг қабих ниятларини амалга ошириш йўллари топади.

Ушбу мавзуда раҳбарлар томонидан билдирилган фикрлар тарихий китобларга киритилган ва замондошлар ҳамда кейинги авлодлар учун сабоқ бўлиб келган. Абдураззоқ Самарқандий ўз асарининг «Сўз мактови ва китоб тартиби ҳақидаги» қисмида бу ҳақда шундай деб ёзади: «Султонларга келганда эса, улар ўз фикрларининг тўғрилиги ва ўлкалар забот этувчи тифларининг ёрқинлиги билан зулм зулматини ёритадилар ва пайғамбарлар ҳидоятнинг сероб чашмасидан олиб чиққан иноят сувини адолат анҳорида оқизадилар»²²². Кўриб турганимиздек, бу ерда фикр тўғрилиги билан тиф ёрқинлиги тенглаштирилган. Ҳарбий куч қандай бўлса, сўз кучи ҳам шу қадар юқори баҳоланган. Ўрта асрлардаги давр учун бундай маърифатли баҳолар катта ютуқ бўлган.

Фаслга сўнгги мисол сифатида «Бобурий хати»ни келтирмоқчимиз. Ҳар бир подшоҳ, амир ёки султон ўз ҳудудида ахборот тизимини ташкил этганда ўз мақсад, вазифалари ва имкониятларидан келиб чиққан. Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек одам инсоният тарихига ҳатто ўз хати билан ҳам кирди.

Хулоса сифатида шуни айтмоқчимизки, агар ўрта асрларда давлат раҳбарлари ўз подшоҳликлари ва салтанатларида ўша даврлар мезонлари бўйича замонавий коммуникация тизимларига эга бўлмаганларида эди, инсониятнинг бугунги ривожланиши бу қадар юқори бўлмасди.

Журналистиканинг касбий хусусиятлари ва нишонларига баҳо бераркан, «Жаҳон журналистикаси тарихи» дарслигининг муаллифлари шундай деб ёзадилар: «Журналистиканинг алоҳида соҳа сифатидаги белгиловчи аломатларининг Гутенберггача бўлган аҳволи ва босма станок пайдо бўлганидан кейин уларда юз берган ўзгаришларга келсак, юқорида санаб ўтилган белгиларнинг аксарияти ривожланмаган шаклда илгари ҳам бўлган, аммо кўпи босма станок ихтиросидан кейин тараққий топиб, таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди»²²³. Бошқача қилиб айтганда, журналистика асосчиси Иоганн Гутенбергнинг ихтироси ҳосилдор заминга тушдики, у гуркираб ривожланиб кетди. Маълум даражада ушбу заминни ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаган мутафаккирлар яратди.

²²¹ Самарқандий. А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 246.

²²² Самарқандий. А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. – Т.: «Фан», 1969. – Б. 56.

²²³ Мўминов Ф., Нурматов А., Солиева М. ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. 2-нашр. – Т.: «Фан ва технология», 2008. – Б. 137.

2. Коммуникацияни ижро этувчиларнинг аҳамияти

Ўрта асрларда Марказий Осиёда оммавий боғланишларни ташкил этувчи раҳбарлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун турли йўналишдаги билимли ва қобилиятли одамлардан фойдаланганлар. Оммавий коммуникацияни амалга оширувчи мутахассислар бир қатор талабларга жавоб беришлари шарт эди. Масалан, улар саводли, виждонли, интизомли, қобилиятли, айтилган давлат, тижорий ва шахсий сирларни фош этмайдиган одамлар бўлиши керак эди. Уларнинг хотиралари яхши бўлиб, гапга чечанлик талаб қилинар эди. Масалан, Имом ал-Бухорий юзлаб ҳадисларни ёдлаб олган ва уларнинг шарҳларини баён этган. У. Алимов Имом ал-Бухорий ҳақида шундай деб ёзади: «Ҳадис илми бобида қуввату иқтидорлари бениҳоят ортиб, ислом оламида катта шуҳрат қозонганлар..., кўплаб машҳур муҳаддис шогирдлар етиштирганлар»²²⁴. Айрим манбаларда Имом ал-Бухорийнинг китобини унинг ўзидан етмиш минг киши (баъзи жойларда тўқсон минг киши) тинглаган, деб айтилади.

Муаллифлар ўз китобларининг асосий ғоя ва мазмунини ижодий фаолиятлари давомида ўз шогирдлари ва бошқа тингловчиларга етказиб туришлари табиий. Лекин Имом ал-Бухорий мисолида аудиториянинг бунчалик катталиги одамни ҳайратда қолдиради. Бизнингча, бунинг асосий сабаби – муаллиф ўрганган мавзу ҳаммани қизиқтирганидир.

Коммуникация ижрочилари тилни тўғри тушуниш, унинг қадрига етишни талаб қилиб келганлар. Ўрта аср мутафаккирлари ушбу масалага жиддий эътибор берган. Абу Райҳон Беруний бу ҳақда шундай деб ёзади: «Тил, сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Шунинг учун тил замоннинг бирон каби турғун қисми билан чекланиб қолади. Агар инсондаги сўзлаш қуввати ҳамма жойга шамол сингари ёйилувчи бўлмаганда эди ва замонлардан замонларга нафаслар сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замоннинг хабарини, айниқса, узоқ замонлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кўчириб бўлар эди? Пишиқ ва маҳкам қилиб яратувчи ва халқ ишларини тузатувчини поклайман»²²⁵. Тилга эътибор – элга, замонга, маданиятга эътибор эканлигини улуғ мутафаккирлар ўша вақтларда ҳам тушунган.

Коммуникацияни ижро этишда уни бажарувчиларининг меҳнат маданияти, улар томонидан матн тўғри тайёрланиши, уни аҳолига тўғри етказилиши ва бошқа шу каби хусусиятлар эътиборга олинган. Уларнинг ичида турли касб эгалари бўлган. Шулардан бири – дабир, котиб. Дабир шунчаки амирнинг сўзларини ёзиб олувчи одам бўлмаган, шу билан бирга у кенг доирадаги девонхона ишларини бажарган.

Ибн Синонинг ҳам коммуникация ташкилотчиси ва ижрочиси сифатидаги хизматлари бекиёс. Маълумки, у «фалсафа, мантиқ, социология, психология, адабиётшунослик, шеърят, мусика назарияси, геология, минерология,

²²⁴ Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 1-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 5.

²²⁵ Беруний, Абу Райҳон. «Хиндистон». // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1957. – Б. 138.

физика, математика, астрономия, ўсимликшунослик ва тиббиёт соҳасида бой ижодий мерос қолдирган»²²⁶. Демак, олим барча саналган йўналишлар бўйича оғзаки ва ёзма шаклларда оммавий коммуникацияни амалга оширган. «Бунинг учун албатта, унда худо берган қобилият бор эди. Ибн Сино ўн ёшлигида Қуръонни ва бошқа фанларни оғзаки ёддан билиб, кўп одамларни ҳайратда қолдирган»²²⁷.

Ўша даврда саройларда муҳим ахборотни бевосита подшоҳга етказувчилар бўлган. Уларга ҳар хил асарларда турлича ном берилган масалан: «чопар», «хабарчи», «хушхабар» ва ҳоказо. Байҳақийнинг асарида эса муҳим топшириқ билан юбориладиган киши «риқобдор»²²⁸ деб номланган.

Байҳақий асосли равишда ўз китобини улкан бинога қиёслаган. Буни нокамтаринлик деб баҳолаш ноўрин бўларди. Чунки минг йил олдин яратилган ёдгорликлардан бугунги кунгача жуда камлари етиб келган. Байҳақийнинг асари эса бир неча марта таржима қилинган ҳазинадир.

Бу ҳақда Байҳақий қуйидагича ёзади: «Тарихни тасвир этиш ўз шартларига эга. Уларни тўлиқ бажариш учун мен амир Масъуд Райдан Нишопургача, Нишопурдан эса Ҳиротгача етиб келган вақтларининг ўрталарида бўлган воқеаларни акс эттиришим керак»²²⁹. Унинг истаги амалга ошди. Муаллиф асарини ёзиш билан бирга асрларга татигулик хотиралар қолдирган. Китоб орқали у ўзининг илмий қарашларини, етук тарихнавис эканлигини маҳорат билан кейинги авлодларга етказган.

Шунингдек, коммуникация ижрочилари ичида ёзувчи ва шоирлар кўп бўлиб, улар ўзи ва ўзгаларнинг шеър ва асарларини ёд билишган ҳамда сарой аъёнлари ўртасида ижро этган. Масалан, Байҳақий ёзишича, Абул Музаффар ибн Аҳмад ибн Абул Қосим «юз минг байтга яқин шеърларга эга бўлган»²³⁰. Ўрта асрларда билимли бўлиш, тиниқ ва равон гапириш алоҳида қадрланган.

Шундай мисоллардан яна бири «Қадимги ёзма ёдгорликлар» китобида бор. Унинг муаллифлари ўрта асрларда битилган уйғур ёзувли манбаларда келтирилган котиблар ва хаттотларни тилга оладилар, масалан, Тархон, Ҳасан Қора Сайл Шамс бахши, Абу Малик бахши, Мансур бахши, Али Шох бахши, Зайнул-Обидин бахши ва бошқалар. Асардаги маълумотлардан келиб чиқиб, коммуникация ижрочиларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Масалан, «туркий муҳитда яратилган суғдча ёдгорликлардан энг қўхнаси Биринчи турк ҳоконлиғи даврида яшаб ўтган турк амалдори Махан тигиннинг ўлими муносабати билан тахминан 583-588 йилларда ўрнатилган Буғут битигтошидир, (Битиг ҳозирги Мўғулистон ҳудудидан топилган)»²³¹.

Асарда ёзилганидек, «манбаларнинг гувоҳлик берувича, илк ўрта асрларда суғд тили ва ёзувининг қўлланув доираси Суғд давлатидан чиқиб Марв воҳаси, Шимолий Бохтар ва улкан турк ўлкалари, – Чоч воҳаси,

²²⁶ Қаралсин: Ибн Сино, Абу Али. Жизнеописание // Медицинские взгляды. – Т.: «Медицина», 1983. – Б. 16.

²²⁷ Ўша жойда. – Б. 11-12.

²²⁸ Байҳақи, Абу-л –Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. 82-бетга берилган изохдан.

²²⁹ Ўша жойда. – Б. 81.

²³⁰ Байҳақи, Абу-л –Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 279.

²³¹ Қаюмов А, Исақов М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 120.

Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Марказий Мўғулистонга қадар ёйилган эди. Бу, аввало, бутун Ўрта ва Марказий Осиёдан ўтган савдо карвон йўллари, хусусан, Ипак йўлида суғдларнинг тутган мавқеи, шунингдек, уларнинг уч диний оқим – бурхон, монийлик ва настурийликни ушбу замин халқлари, жумладан, турклар орасида ёйиш йўлида олиб борган саъй-ҳаракатлари билан боғлиқдир... Бу заминдан топилган кўплаб ёзма ёдгорликларнинг асл эгалари суғдларнинг ўзлари – савдогарлар, зиёратчилар, сайёҳлар ёки бирон сабаб билан ўша юртларга бориб қолган кишилардир».²³² Мазкур манбадан кўриниб турибдики, коммуникация вазифасини ижро этувчилар кўп касбларга оид, катта ҳудудда яшайдиган, турли ижтимоий қатламларга тегишли ҳамда ҳар хил қабилаларга мансуб кишилар бўлган.

Коммуникацияни ижро этувчилар ижтимоий боғланишларнинг турли йўналишларда фаолият юритганлар, ўрта асрлардаги манбаларда улар кўпроқ ёзма тарздаги коммуникацияни амалга ошираётганларини учратиш мумкин. Бу ҳақда «Қадимги ёзма ёдгорликлар» асарида қуйидагича мисоллар бор: «Юсуф Хос Ҳожиб котибни bitigci деб ҳам атайдди. XIV – XV асрларнинг манбаларида эса уйғур хатида кўчирувчи котибларга нисбатан bahsi сўзи қўлланган. Манбаларда бахшиларнинг номлари ҳам қайд этилади. Язд шахрида Мансур бахши, Ҳиротда Абу Малик бахши, Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши, Самарқандда Зайнул-Обидин бахши ижод этиб шуҳрат қозонган. Истанбуллик бахшилар орасида Абдулраззоқ Шайхзоданинг доврўғи кетган эди»²³³. Тахмин қилиш мумкинки, Юсуф Хос Ҳожиб давридан XV асргача «бахши» сўзи «котиб» сўзининг синоними сифатида ишлатилган, кейинги асрларда эса бу сўз оғзаки ижодкор, ижрочи маъносини англатадиган бўлган. «Шарқнинг йирик адабий-маданий марказларида уйғур хатида битувчи котиблар мактаблари юзага келди. Айниқса, ушбу мактаб намояндалари томонидан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Адиб Аҳмаднинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарларининг уйғур хатида кўчирилуви диққатга лойиқ. Бу ҳол шу чоғларда қадимги туркий ёзув анъанасигина эмас, қорахонийлар даври адабий ва тил анъаналари ҳам устивор бўлганидан далолат беради»²³⁴. Ўша даврларда кўп котибларнинг ҳатто ўз мактаблари ҳам бўлган.

Шунингдек, уйғур ёзувининг шаклланиши ва суғд-турк маданий муносабатлари ҳақида китобда қуйидаги маълумотлар бор: «Талас водийсидаги Қулонсой ва Терексой қоя битиги палеографик жиҳатдан ўзига хосдир. Ушбу битигларда бир пайтнинг ўзида ёнма-ён қўлланилган суғд ва уйғур хатларининг ўзаро таъсирини кузатиш мумкин... Жумладан, Турфонда моний ёдгорлиги «Хуастуанифт»нинг суғдча версияси кўчирилган ва ҳар сатри остида туркий таржимаси ҳам берилган»²³⁵. Ушбу асар илк ўрта асрлар монийлик фалсафасининг мисоли бўлиб, эроний, суғдий, хитойча, туркий тилли шаклларда тарқалган.

²³² Ўша жойда – Б. 119-120.

²³³ Қаюмов А, Исхаков М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 129.

²³⁴ Ўша жойда. – Б. 118.

²³⁵ Ўша жойда. – Б. 121.

Қосимжон Содиковнинг «Туркий матннавислик тарихидан (уйғур ёзуви ва унинг ёдгорликлари) асарида ёзилишича: «XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросон ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида тутган мавқеи бениҳоя катта. Бу кезлар уйғур хати арабий билан ёнма-ён амал қилди. Темурийлар унга эътибор билан муносабатда бўлдилар»²³⁶. Ўша асрларда бу ҳудудларда турли тиллар ёрдамидаги халқаро боғланишлар муҳим ўрин эгаллаган.

«Зафарнома» асарини тадқиқ этарканмиз, хулоса чиқаришимиз мумкинки, Амир Темур муншийлари, котиблари ўз асарларида Соҳибқироннинг Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга юришлари билан боғлиқ воқеаларни кундалик тарзида баён этган. Муаллифлар, улар ёритадиган масалалар бўйича етарли билимга эга бўлишлари учун, турли манбалар билан ҳам танишиб чиқар эдилар. Кўп ҳолларда улар бевосита воқеалар гувоҳлари бўлган. Масалан, тадқиқотчилар Низомиддин Шомий ҳақида ёзишича, «муаллифнинг ўзи 1400–1404 йиллар давомида Амир Темур юришларида шохиди бўлган ва ёзиб олган воқеалар»²³⁷ни баён этган. Ёзилажак асар авом халққа тушунарли, содда, раво тилда ва айна пайтда маърифатли кишилар эътиборига ҳам лойиқ тарзда ёзилиши лозимлиги эътиборга олинган. Шундай қилиб, Низомиддин Шомий кўпчиликка маъқул бўлган тарзда асарни ёзишни ўз зиммасига олган.

«Темур тузуклари»нинг «матни ва инглизча таржимасини чоп этган майор Дэви ва Ж. Уайтлар асарга ёзган сўзбошисида «Темур тузуклари» Темурнинг ўз қўли билан ёки унинг назорати остида ёзилган деб айтадилар»²³⁸. Ким томонидан ёзилмасин, оммавий боғланишлар нуқтаи назаридан асар ўша вақтлардаги маълумотлар билан асрлар давомида турли давр ва авлодларни таништиришга хизмат қилмоқда.

Коммуникацияни ижро этувчилари ичида, ҳозирги тил билан айтганда, техник ходимлар ҳам муҳим ўрин тутган. Буларнинг сафида биз хаттот (нусха кўчирувчиларни), хушхат одамлар (каллиграф)ни, матога хат ва расм туширувчиларни ёғоч ва тошда ҳарф кесувчиларни келтиришимиз мумкин. Матбуотнинг босма техникаси бўлмаган даврларда буларнинг меҳнати ва маҳоратига талаблар жуда баланд эди. Шубҳасизки, Марказий Осиёда ўрта асрларда оммавий коммуникация вазифаларини бажаришда, илм, маърифат ва маданиятни тарқатишда буларнинг хизмати беқиёс бўлган.

Ҳатто «ксилография босма ёзув усулининг илк, шу билан бирга улуғ кашфиёти бўлувига қарамай, қўлда битилган матнлар ўрнини тўлиқ босолгани йўқ. Нодир ва қимматли китоблар ўша-ўша амалдорлар томонидан моҳир хаттот ва усталарга буюртирилиб, қўлда кўчирилаверди»²³⁹. Кўриб турганимиздек, қайта кўчириб ёзиш ўша даврларда ёғочдан босиб олишдан кўра кўпроқ ривожланган эди, бундай услубнинг ютуқларидан бири – унинг эстетик хусусиятларидир. Нафислиги жиҳатидан қўлда кўчириш

²³⁶ Қаюмов А, Исақов М, Отахўжаев А, Содиков Қ, Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 118.

²³⁷ Қаралсин: Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 6.

²³⁸ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: «Ғ.Ғулом», 1996, – Б. 7.

²³⁹ Қаюмов А, Исақов М, Отахўжаев А, Содиков Қ, Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 125–126.

ксилография ёки литографиядан анча устун турар эди.

Ўрта асрларда тош кесиш кенг тарқалган касб бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ушбу хизматни бажарувчилари ҳақида шундай ёзади: «Аҳмад Қосим кўхбур ва яна баъзи бир неча йигитниким Мирзохоннинг сўнгича йиборилиб эди»²⁴⁰. Тош кесувчилар, сангтарошлар, қолаверса бино қурувчилари ва безатувчиларининг хизматлари шундай таъсирли бўлганки, улар ўз асарларининг зийнати ҳозирги авлодларгача етказдилар.

«Қутадғу билиг» нусхаларининг матний қиёси ҳақида муаллифлар шундай деб ёзади: «Ушбу маълумотлар асар қўлёзмаларининг кенг тарқалганлигига далил бўла олади ва унинг кўплаб номаълум нусхалари хусусида фикр юритишга имкон беради. Кўринадики, унинг илк нусхаси хонга тортиқ этилган. Китоб хонга манзур бўлгач, кўп нусхада кўчиртирилган. Достон бутун Машриқу Чин ўлкаларида шуҳрат қозонгандан сўнг яна янги қўлёзмалари битилган. Ўз навбатида, ушбу қўлёзмалар асарнинг мустақил варианты даражасига кўтарилган. Демак, асар ўз замонидаёқ бир қанча вариантли бўлган (эҳтимол, бошқа тилларга таржима қилинган бўлса, ажаб эмас, чунки муқаддимада унинг эронликлар орасида ҳам машҳурлигига ишора бор)»²⁴¹.

Хаттотликнинг кенг ривожланганлиги туфайли қадимги туркий асарлар турли ерларда нодир асарлар сифатида кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Шу ўринда яна бир мисол. «Темурийлар замонида яшаб ўтган тарихчи ибн Арабшоҳ ҳам ушбу ёзувнинг «чиғатойликларда» кенг шуҳрат топганлигини алоҳида таъкидлаган эди: «Улар («чиғатойликлар») ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайди, чунки бу уларда ризқ очқичидир»²⁴², деб академик А. Рустамов фикри келтирилади мазкур манбада.

Яхши ёзадиган кишилар, албатта, ўзига хос билим эгалари бўлишган. Хаттотлик касбини фақат билим олиш, ҳуснихат устида ишлаш, одамлар билан муомалада бўлиш йўллари билан эгаллаш мумкин эди.

Хулоса сифатида қуйидагиларни айтишимиз мумкин. Ўрта асрларда Марказий Осиё ва қўшни ҳудудларда оммавий коммуникацияларни амалга ошириш жараёнларида турли касб эгалари қатнашган. Коммуникацияни бевосита амалга татбиқ этувчилар – тегишли матнларни кўпайтирувчилар ва тарқатувчилар эди. Буларнинг сафига хаттот, наққош, хушхатчи, тошкесар, сангтарош, чопар, жарчилар ва бошқалар киради.

²⁴⁰ Бобур, Зоҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Т.: «Юлдузча», 1990. – Б. 181.

²⁴¹ Қаюмов А, Исаков М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 166.

²⁴² Ўша жойда. – Б. 118.

3. Оммавий ахборот сифатлари

Юқоридаги боб ва фаслларда биз оммавий коммуникациянинг турли даврларга хос бўлган шакллари асл қўлёзмалар асосида имкон даражасида ўрганиб чиқдик. Мазкур фаслда эса оммавий ахборот сифатлари ҳақида мулоҳаза юритамиз. Оммавий ахборот сифатлари деганда биз, энг аввало, матнларнинг мазмуни ва шаклининг уйғунлиги назарда тутмоқдамиз.

Муаммони ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, жамоатчиликка етказадиган оммавий ахборотга бундай фазилат азалдан хос эди. Бундай мисоллар бизгача етиб келган дастлабки антик даврдаги асарларда (масалан, софистлар ижодида) бор. Ўрганиладиган давримизни олсак, бундай сифатни ҳадислардан бошлаб кузатишимиз мумкин. Масалан, «Саҳиҳи Бухорий»да шундай дейилади: «*Абдуллоҳ ибн Умар айтадилар*: «Икки киши Машрикдан келиб нутқ сўзлади (хутба айтди). Уларнинг (ўз фикрини чиройли) баён қилиши одамларни мафтун қилиб қўйди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: «Баёнда ҳам сеҳр мавжуд (ёки баъзи баённинг сеҳри бор)», дедилар»²⁴³.

Шунингдек, кенг оммага тегишли бўлган ахборотни тушунарли қилиб етказиш, кишиларнинг онгига таъсир қилиш каби масъулиятли вазифа оммавий ахборотни тарқатиш жараёнларида катта роль ўйнаган. Чунки халқнинг анчагина қисми унча ҳам саводли бўлмаганлиги туфайли одамларга хабарларни оғзаки шаклда тушунарли ва аниқ етказиш зарур эди.

Ўша даврлар муаллифлари ўз услубларига жиддий эътибор беришларини кўп мисоллар билан тасдиқлаш мумкин. Бу ҳақда Беруний шундай деб ёзади: «Бу китоб баҳслашиш ва тортишиш китоби эмас, шунинг учун бу китобда душманлар исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиққанларга қаршилик кўрсатмайман. Бу фақатгина баён қилиш китобидир, холос»²⁴⁴. Яъни хабарларни тўғри ва тушунарли баён этишни олим ўз бурчи деб ҳисоблайди. «Ҳиндистон» асари илмий томондан мукаммал ёзилган бўлиб, услубий жиҳатдан ҳам анча тушунарли ва аниқ ифодаларга эга. Шу билан бир қаторда муаллиф ахборотни ўрганиш усулларига ҳам эътибор берган. Масалан, у борлиқни икки усул билан билиш мумкинлигини назарда тутди, бири кўриш, иккинчиси эса ёзма ёки оғзаки тарзда ўрганишдир.

Беруний ёзишча, ««Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди», деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишидан иборатдир»²⁴⁵. Маълумки, Беруний илмийлик талабларига жавоб берадиган манбалардан фойдаланган. Буларнинг ичида иккала усулни ҳам учратиш мумкин: ўзи бевосита гувоҳ бўлган воқеалар ва ишонарли манбаларга мурожаат этиш.

Асарлар ва нутқларнинг аниқлиги, ишонарлилиги ва тушунарлилиги билан бир қаторда уларнинг бадиий ва эстетик жиҳатларига ҳам эътибор берилган. Масалан, Байҳақий ўз китобида шундай деб ёзади: «Барчани

²⁴³ Ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. 2-китоб. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 347.

²⁴⁴ Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 28.

²⁴⁵ Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 25.

нарироққа ўтказишга ишора қилди ва сўнгра нутқ қилмоққа бошлади. Бу ҳукмдор сўзлаганда ёруғ оламдаги одамларга гўё бошларидан дурлар ёғилаётгандек ва оғизларига шакар солинаётгандек туюлар эди»²⁴⁶. Албатта, нутқ эгасининг услуби ёқимли бўлса, у эшитувчиларни ўзига эргаштириш имкониятини уддалайди.

Хатлар IX–X асрларда ажойиб жонли сўз билан ишланган, мусулмон бадий хунармандчилигининг энг нафис санъат асарлари сифатида намоён бўлади. Ўша пайтда шиша ва бронзадан санъаткорлар яратган ажойиб буюмлардан ҳеч нарса қолмаган бўлса, биргина мана шу хатлар асосида тасаввур этиш мумкинки, ўша вақтларда баённинг энг оғир шаклини эркин эгаллаш ва пардай енгил ҳарирлиги юқори баҳоланган.

Кўплаб вазир ва амалдорлар хат услубиётини маҳорат ила эгаллаганлари тасодикий эмасди, айримларининг хатлари эса китоб шаклида чоп этилишига муносиб бўлган. Буларнинг қаторида ал-Ҳасиб, ибн Муқли, ал-Муҳаллабий, ибн ал-Амид, ас-Соҳиб, Сомонийлар вазири ал-Искофийнинг хатларини тилга олиш мумкин. А. Мец ёзишчи, Ал-Искофий нафақат давлат ёзишмаларининг етук устаси, шу билан бирга адабий танқид (мувазана)нинг машҳур намояндаси бўлган²⁴⁷. Чиройли хат битиш билан бир қаторда ҳар бир хаттотнинг ўзига хос услублари ҳам бўлган, масалан, инициаллардан ёки рангли тасвирлардан фойдаланиш. Ўша даврнинг қонуниятларидан бири шу бўлганки, китобни кўлига ушлаган кишилар асарни ёзиш услуби ва унинг хушхатлигидан китоб қайси хаттотнинг қаламига мансуб эканлигини англашарди.

Бугунги журналистикада газета ва журналлар, радио ва телекўрсатувлар дизайни масаласига кўп эътибор берилмоқда. Бу жараён онлайн журналистикаси кенг жорийланиши билан янада авж олмоқда. Бу анъана маълум даражада ўрта асрларда Марказий Осиёда битилган китоблар беазага ўхшайди. Қолаверса, айнан ўша даврларда оммага ахборот етказётган асарларнинг безатилишига асос солинган десак, хато қилмаган бўлар эдик.

Биз бу масалани аниқ далиллар келтирилган «Қадимги ёзма ёдгорликлар» китоби мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Китоб муаллифлари ёзишларича, ўрта асрларда «қўлёзма китобларнинг қадимги Турфон муҳитида битилган китоблардан фарқ қилувчи белгиларидан яна бири саҳифаларга безак бериш, миниатюралар ишлаш етакчи ўринга кўтарилди. Чунончи, китоб бетлари рангли миниатюралар, ислимий (ўсимликлар) ва геометрик шакллар, турли нақшлар билан безатилган. Уларга хошиялар чизилган. Уйғур ёзувли матн ўнгдан чапга қараб бир текис ёки ундаги геометрик шакллар бўйлаб кўчирилар эди. Айрим қўлёзмаларда хошиядан ташқарига ҳам араб ёзувли матн битилган ёки гирдо-гирдига нақшлар ишланган. Баъзи китобларда эса ёзувнинг бир неча хат услуби аралаш қўлланганини кузатамиз. Мажмуаларда асар сарлавҳалари, муайян ўринлар,

²⁴⁶ Байхаки, Абу-л-Фазл. История Масъуда. – М.: «Наука», 1969. – Б. 89.

²⁴⁷ Қаралсин: Мец, А. Мусульманский Ренессанс. – М.: «Наука», 1973. – Б. 96.

одатда, бошқа рангда, ҳатто ўзига хос услубда ажратиб ёзилган. Қўлёзмаларда матн билан нақшлар ўзаро уйғунлашиб кетган»²⁴⁸. Бундай мисоллар бошқа манбаларда ҳам келтирилган.

Кўриб турганимиздек, ёзувларни безатиш мактаби кенг қамровли ва кўп асрлик анъаналарга эга.

Хаттотлик санъати чиройли, хуснихатли ёзиш билан чегараланмаган. Ундан ташқари хаттотлардан билимли, саводли бўлиш талаб қилинган, шу билан бир қаторда улар турли матнлар безатилишининг устаси бўлиши ҳам шарт эди. Юқорида келтирилган китоб муаллифлари бу ҳақда ёзганларидек, «хаттотликда уйғур хатининг безак имкониятлари қадрланган»²⁴⁹. Турли шаклларда тасвирланган безаклар оммавий коммуникацияни амалга оширувчи йўналишдаги асарларнинг сифатларини англатади.

Тарихий ёдгорликлар ичида икки-уч тилда битилган матнларни ҳам кўрамиз. Мисол сифатида ушбу асардан парча келтирамиз: «Марказий Осиё халқлари ёзув маданияти тарихида икки, ҳатто уч тилли ёдгорликлар битилгани аён. Табиийки, бундай матнлар турли тил вакиллариغا мўлжалланган»²⁵⁰. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, асар муаллифи ўз аудиториясини кенгайтиришга, оммавий ахборотни кўпчиликка етказишга шу йўл билан ҳам ҳаракат қилган.

Давлатлар бир-бирини ўз тасарруфига олаётгани натижасида ҳам услублар ўзгарган. Масалан: «Уйғур хати ўрнини аста-секинлик билан арабий ёзув эгаллаётган эди. Ушбу маданий жараён таъсирида икки алифболи қўлёзмалар кенг тарқалди. Бахшилар, омма талабидан келиб чиқиб, уйғур ёзувли қўлёзмаларда, ўрни билан, араб хатини ҳам қўлладилар. Шунга кўра ислом турк муҳитида уйғур ёзуви билан битилган ёдгорликларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) фақат уйғур хатида битилган матнлар; 2) уйғур хатида битилиб, ҳар қайси сатри араб ёзуви билан изоҳланган матнлар; 3) уйғур хатида битилиб, баъзи ўринлари араб ҳарфларида ёзилган матнлар»²⁵¹. Ҳар бир асарнинг матни аниқ тарихий шароитга (контекстга) қараб битилган. Хаттотнинг эса ҳар томонлама удабурон бўлиши талаб қилинади: «Қўлёзма китобларнинг кўркини, аввало, матннинг ўзи таъминлаган. Ёзувнинг нафис услуби, хаттотларнинг ажойиб маҳорати, айрим ўринларнинг турли сиёҳда ажратиб берилганлигининг ўзиёқ китоб кўркини ошириб юборган. Лозим бўлганда, матннинг ўзидан турли геометрик шакллар чиқариш мумкин эди. Бу жиҳатдан уйғур хатининг имкониятлари кенг. Матнга чизилган ҳошиялар, ҳатто тизимча ўтказишга мўлжалланган доирачалар ҳам китоб беағи вазифасини бажарган»²⁵². Кўриб турганимиздек, асарга зийнат беришда нафақат хаттотнинг маҳорати, шу билан бирга тилнинг имкониятларидан ҳам фойдаланилган.

Ўрта асрларда битилган китобларга чирой берилишида нафақат алоҳида

²⁴⁸ Қаюмов А, Исхаков М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 130.

²⁴⁹ Ўша жойда. – Б. 130.

²⁵⁰ Ўша жойда. – Б. 129.

²⁵¹ Қаюмов А, Исхаков М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 129.

²⁵² Ўша жойда. – Б. 128.

усталарнинг маҳорати, шу билан бирга, ҳатто безатиш мактаблари ҳам бор эди. «Язд хаттотлик мактабининг намојандаси Мансур баҳши 1432 йили кўчирган мажмуа, 1444 йил Самарқандда Зайнул-Обидин кўчирган «Ҳибату-л-хақойиқ» («Атабату-л-хақойиқ китоби»), «Меъроҷнома» қўлёзмалари уйғур хаттотлик санъатининг гўзал, ноёб намуналаридандир. Ушбу қўлёзмаларнинг эътибор билан битилганлиги, нафис безаклари кишини хайратга солади»²⁵³. Ҳар бир муаллифнинг ўз ўқувчисини хайратга солишидан мақсад битта – китобга аудиториянинг диққатини тортиш, одамларни у билан танишиб чиқишга, уни ўқишга ундаш.

Биз таҳлил қилаётган асарда китобни ишлаб чиқиш учун фойдаланаётган ашёлар ҳақида ҳам фикр юритилган. Муаллифлар ёзишича, «Қадимги ҳиндлар бундай китобларни тайёрлаш жараёнида ёзув ашёси сифатида пальма япроқларидан фойдаланган. Қизиғи шундаки, бундай китоб шакли туркларга маълум бўлгач, улар ўз табиий-географик шароитидан келиб чиқиб, пальма япроқлари ўрнини қоғозга алмаштирдилар. Қоғоз эса китобат ишида дарахт япроқларидан тайёрланадиган варақларга кўра анча қулай бўлиб чиқди»²⁵⁴.

Маълумки, журналистиканинг пайдо бўлишида ва, айниқса, ривожланишида қоғознинг ўрни бекиёс. Қоғоз аслида қадимий Хитойда ихтиро қилинган, лекин кўп асрлар давомида сир сақланиб келинган.

«751 йилда Самарқанд остоналарида араблар ва хитойликлар ўртасида уруш бўлиб, унда арабларнинг қўли баланд келган эди. Голиблар бошқалар қатори қоғоз ишлаб чиқаришни биладиган хитойликларни ҳам асир олганлар»²⁵⁵. Шундай қилиб қоғоз Самарқанд орқали дунё бўйича тарқалган.

«Қадимги ёзма ёдгорликлар» китобининг муаллифлари ёзишича: «Қўлёзма китоблар ўрама қоғоз, дафтар, потхи ва ҳаммага маълум бўлган шарқ қўлёзмалари шаклида тайёрланган. Булардан ўрама қоғоз ёки дафтар усули кўпроқ турк монийчиларда, потхи китоби турк буддийларда, шарқ қўлёзмалари шаклидаги китоблар эса ислом даврида кенг ёйилган»²⁵⁶. Демак, ўрта аср ижодкорлари матннинг аниқлиги ва ўқимишлилиги, унинг нафис безатилишидан ташқари янада китобнинг ўқиш учун қулайлигига ҳам эътибор беришган.

Асарнинг қулайлиги ва ихчамлиги ҳақида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор. Масалан, саройга хабар етказувчилар ҳақида Низомулмулк қуйидагича ёзади: «Шундай ҳам бўладики, хабар берадиганларнинг сўзлари ҳар хил чиқиб қолиши ё улар бошқача тушунилиши мумкин. Хабарлар бири-бирига мос бўлиб, бир кишининг тилидан айтилиши керак. Асосий шарт шундай бўлиши керакки, одамлар нима гапирмасинлар, яна девонга ёзилиб, шохга маълум қилиб, унинг фикри билиб олинмагунча бирор чора кўриш мумкин эмас»²⁵⁷. Кўриб турганимиздек, саройга етиб келаётган хабарларни

²⁵³ Қаюмов А, Исхаков М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 131.

²⁵⁴ Қаюмов А, Исхаков М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 127.

²⁵⁵ Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: Университет, 1998. – Б. 25-26.

²⁵⁶ Қаюмов А, Исхаков М, Отахўжаев А, Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: «Ёзувчи», 2000. – Б. 126.

²⁵⁷ Низомулмулк, Абу Али. Сиёсатнома. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 89.

қандай шаклда етказилишига ҳам жиддий эътибор берилган.

Манбаларни ёзиш давомида муаллифлар, албатта, ишонарли китоблардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Улар ўз ишларини ихчам ва қисқа тарзда сарой кенгашларида ўқиб эшиттирганлар, айрим пайтлари эса сарой хайъатига асарнинг қисқача шаклини тайёрлаб тарқатганлар: хайъат аъзолари уларни ўқиб ўз фикрларини муаллифга билдирганлар ва кенгашда ҳам ўз хулосаларини эълон қилганлар. Бу ҳақда Наршахий китобида мисол бор. Шунинг учун биз Ўрта асрларда битилган айрим тадқиқотларни, гарчи улар якка муаллиф номи билан тарихда қолган бўлса-да, кўпроқ жамоатчилик ҳосиласи деб баҳоласак, тўғрироқ бўлар эди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўрта асрларда ҳам – оммавий маълумотни кенгроқ аудиторияга етказиш мақсадида – турли мазмуний ва шаклий усуллардан фойдаланилган. Ёзма манбаларга келсак, бундай хусусиятлар қаторида биз матннинг аниқлиги, ихчамлиги, таъсирчан сўзлар билан ифодаланиши, унинг сифатли қоғозларда ҳуснихат билан ёзилиши, нафис расмлар билан безатилиши ва, ҳаттоки, китоб ўқилиши ўнғайлиги мақсадида уни қулай тарзда тикилишигача эътибор берилганлигини санаб ўтишимиз мумкин.

4. Асарлар жанрлари

Ўрта асрларда ижтимоий коммуникациялар жараёнида энг аввало, уларнинг оғзаки ва ёзма шаклларни ажратиш зарур. Ўз ўзидан маълумки, оғзаки боғланишларнинг турлари ҳам кўп, уларнинг таъсирчанлиги ҳам юқоридир. Биз уларга тадқиқотимиз мавзуси жиҳатидан етарли даражада тасниф ва таъриф беролмаслигимизнинг сабаби – ўша даврлардаги оғзаки коммуникацияларнинг гувоҳи бўлмаганимизда. Бундай ижтимоий боғланишларнинг барча турлари ҳақидаги маълумотлар бизгача фақат ёзма ёки моддий шаклларда етиб келган.

Шунинг учун, биз уларнинг ўша даврлардаги самарадорлиги ҳақида гапирганда, мазкур соҳа мутахассисларининг фикрини эътиборга олсак, фойдадан холи бўлмайди. Таниқли ҳаракатшунос Аллан Пиз бу ҳақда ўзининг «Ҳаракатлар тили» деб номланган китобида шундай ёзади: «Минг йиллар давом этган бадан ҳаракатларининг тили бор-йўғи XX асрнинг 60 йилларида ўрганила бошланиши эҳтимолдан узоқ туюлади. Чунки бугунги кунда ҳам кўпчилик мулоқотнинг асосий шакли деб нутқни айтади. Аммо эволюция нуқтаи назаридан нутқ яқингина даврларда пайдо бўлди ва у асосан фактлар ва маълумотларни етказиш учун ишлатилади. Оғзаки нутқ эса 500 000 йил олдин пайдо бўлган. Шу вақт ичида инсоннинг мияси уч марта йириклашди. Бундан олдин эса ҳиссиёт ва сезгиларни етказишнинг асосий шакли бадан ҳаракатлари тили ҳамда томоқдан чиқаётган товушлар бўлган, (муаллиф одамсимон мавжудотлар пайдо бўлиши билан оғзаки нутқ вужудга келишидаги ўртадаги тахминан 7 млн йилни назарда тутмоқда – М. С.). Айтиш жоизки, ушбу вазият бугунги кунда ҳам деярли ўзгармаган»²⁵⁸.

Оммавий коммуникацияларни амалга ошириш мақсадида ўрта асрларда биз ўрганадиган мавзу нуқтаи назаридан боғланишларнинг қуйидаги шакллари кенг ишлатилган: эълонлар, фармонлар, буйруқлар, мажлислар, йиғилишлар, кенгашлар, маслаҳатлар, оғзаки топшириқлар ва ҳоказо. Кўп ҳолларда ёзма шаклда тайёрланган ҳужжат кўча, майдон, мажлисларда кенг оммага оғзаки тарзда етказилган ва тингловчиларга оғзаки ахборот сифатида таъсир кўрсатган.

Маълумки, мутахассислар оғзаки ахборотнинг учта асосий хусусиятини ажратиб кўрсатади, булар лингвистик, паралингвистик ва кинетик кодлар деб номланади. Лингвистик код – бу сўзларнинг маъноси. Паралингвистик код – сўзлар атрофидаги эмоционал муҳит: гапириш тезлиги, талаффузнинг тиниқлиги, овознинг чиройлилиги (тембри), мантикий урғулар, паузалар, мусиқа, бадий шовқинлар, овознинг самимийлиги, ишонарлилиги ва бошқалар. Кинетик (ҳаракатлар) коди ҳақида биз ҳозиргина гапирган эдик.

Бизнингча, ушбу таснифга – биз ўрганиладиган мавзу нуқтаи назаридан – яна ташкилий кодни ҳам қўшиш мумкин. Чунки ижтимоий маълумотни кенг оммага етказиш учун маълум бир шароитлар яратилиши зарур. Ташкилий

²⁵⁸ Пиз А. Язык телодвижений. Расширенная версия. Инглиз тилидан таржима. – М.: Эксмо, 2008. – Б. 15. Кенгайтирилган версия учун асос бўлиб хизмат қилган «Бадан ҳаракатлари тили» китоби (1978) шу вақтгача 48 тилга таржима қилиниб, дунё бўйича 20 млндан ортиқ нусхада тарқалган.

чоралар эса ўтказиладиган тадбир нақадар муҳим, етказилаётган маълумотлар эса қай даражада аҳамиятли эканлигидан далолат берарди. Бирор-бир янгиликни шунчаки кўчада бақириб чиқиш билан халқни катта майдонларда йиғиб, турли даражадаги амалдорлар иштирокида фармон ёки фатвони етказиш ўртасида катта фарқ борлигини ҳамма сезарди. Хабарни эълон қилиш тантанаворлигининг ўзи хабар эди, бундай муҳит унинг мазмунига қўшимча маънолар бериш қобилиятига эга эди, ҳатто, кўп ҳолларда, хабар атрофидаги ташкилий чоралар хабарнинг мазмунидан устунроқ ва аҳамиятлироқ бўлган эди. Шунинг учун биз анъанавий таснифга қўшимча киритишни лозим топдик.

Ёзма шаклларга ўтсак, ўрта асрларда Марказий Осиёда яшаб ижод этган олимлар, муаррихларнинг ишларида бизнинг бугунги тушунчамиздаги журналистик жанрларнинг кўринишлари мавжуд бўлмаган. Бироқ ўша даврдаги асарларда маълум даражада ҳозирги кундаги журналистик ҳамда публицистик асарларнинг элементлари бўлиб, улар замонавий жанрларнинг шаклланиши учун ўзига хос пойдевор вазифасини ўтаган.

Юқоридаги фикрлардан ўрта асрларда Марказий Осиёда ижтимоий коммуникацияни амалга ошириш мақсадида яратилган асарлар қандайдир жанр кўринишга мансуб эмас, деган хулоса чиқармаслик керак. Асарларнинг шакл ва мазмунидан, муаллифнинг баён қилиш услубидан келиб чиқиб, бу давр асарларини оғзаки ва ёзма, ёзмаларини эса турли жанрларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин. Масалан, тарихий турга кирадиган ишларда ҳодисалар хронологияси, бўлиб ўтган воқеаларнинг келиб чиқиши, сабаб-оқибатларини ёритишга кўпроқ урғу берилган. Илмий асарларда эса фалсафа, санъат, дин, ҳуқуқ, адабиёт ва бошқа фанларга оид илмий қарашлар, таърифлар келтирилган. Биз ўрганаётган китобларда бошқа муаллифлар, ҳатто, қадимий юнон, араб, ҳинд олимларининг фикрлари ҳам баён этилади. Шунингдек, турли муаллифлар ўз асарларини яратишлари пайтида, сарой девонхоналарида тегишли материалларни тайёрлаганда, дипломатик, маданий, илмий, ҳарбий, ҳуқуқий коммуникацияларни амалга оширишда турли жанрлардан фойдаланганлар. Табиийки, ўрта асрларда жанрлар бугунгидек кўп турларга хали бўлинмаган эди.

Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китоби тарихий хронологияни чуқур ва атрофлича таҳлил қилишга бағишланган ва шарҳлар тарзида битилган илмий асардир. Ибн Синонинг араб тилида ёзилган ва шеър илмига бағишланган «Фан аш-шеър» рисоласи ҳам илмий асарнинг яхши намунаси бўла олади. Саккиз бобдан иборат ушбу рисолада шеърнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг ўзига хос белгилари хусусида фикр юритилади. Ибн Синонинг фикрича, шеърни шеър қиладиган нарсаси ташбеҳ – ўхшатишдир. Шеър учун уч муҳим белги: калом, лаҳн ва вазн бўлиши кераклигини таъкидлайди. Демак, бу ўринда аллома, гарчи кўпроқ шахсий нуктаи назарларга асосланган бўлса-да, тадқиқот объектини илмий жиҳатдан ўрганишга интилган.

Жанрларнинг дастлабки илдизларини, яъни наср ва назмнинг олимлар томонидан фарқланишини Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи Саъдайн

ва Мажмаи Бахрайн» асаридаги қуйидаги иқтибосда кўриш мумкин: «Сўз майдонининг собиқ (чавандоз)лари ва бу кўҳна чарх сирларини саралаб ажратувчилар, албатта, бу икки шуҳратли тоифа ҳақидаги хабарлар ва уларнинг ёдгорликларини ўрганиб, тартиб ипига боғлаганлар; у (тоифа)ларнинг қилган ишларидан юз берган ва айтган сўзларидан содир бўлган (манфаат)лар баёнида жаҳон аҳлининг (ҳам) аҳволу авзойи ойдинлашади ва бундан кишиларга нафу фойдалар етади. Сўнг бу фанний ҳунар эътибор қозониб «тарих илми» деб шуҳрат топган ва олимлар ҳар хил тилларда ва ҳар хил замонларда шу фан бўйича назм ва наср услуби билан асарлар ёзиб, китоблар тузганлар»²⁵⁹. Муаллифнинг фикрича, агар воқеалар ҳақида олимлар кенг аудиторияга тўғри хабарларни етказсалар, унда жаҳон аҳлининг аҳволу авзойи ойдинлашади. Бу хабарнависларга берилган юксак баҳо.

Асарда келтирилган яна бир парчада шундай сўзларни кўриш мумкин: «Инсон жинси ва одамзод гуруҳи орасидан чиқиб юксак фазилат ва олий ҳиммат эгалари бўлган буюк мақсадли кишилар ҳамиша мактовга сазовор сўзларни абадий қолдириш фикрида бўлганлар»²⁶⁰. Ушбу қисқа сатрларда жиддий фикр бор. Сўз инсонлар ўртасида боғланишларни ўрнатиш учун ниҳоятда қадрли имконият. Шундай экан, уни абадийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Аммо бу ҳунар ҳар кимнинг қўлидан келмайди, бунинг учун тегишли маълумот ва касб эгаси бўлиб, сўзлардан моҳирона фойдаланиш зарур.

Ўрта асрларда битилган ишларнинг яна бир хусусияти шундан иборат эдики, у қайси жанрда ёзилмасин, уларга кўтаринки руҳ хос эди. Шунинг учун тарихий хроника, йилнома ва зафарномалар пафос билан ёзилганига ҳайрон бўлмаслик даркор. У даврдаги асарларда диний ҳамду-санолар, патетик мурожаатлар, битта сўзни бир неча маънода ишлатиш кенг тарқалган амалиёт бўлган. Гапимизнинг исботини Абдураззоқ Самарқандийнинг қуйидаги сўзларида кўришимиз мумкин: «ҳазрат (ҳоқони саид) (мирзо Шохруҳ Ҳумоюн – М.С.) ва унинг шуҳратли авлоди, шунингдек, салтанатга дахлдор хеш-ақраболарининг аҳволоти, бошқа волилар ва азизларнинг ҳолатларини баён қилишни ҳамда (инъом берувчига шукр этиш вожибдир), деган ҳукм тақозосича, (менга кўрсатилган) иззат-икром эҳсонлари, санасию инъом ҳадялари дуосини қисқача бўлса ҳам адога етказишни, сўнгра, агар саодат ёрлик қилса, Эрону Турон, балки аксар жаҳон аҳволини бу бахтиёр замонга қадар айтиб ўтишни истадим»²⁶¹.

«Бухоро тарихи»ни тарихий хроника сифатида баҳоласак, хато қилмасак керак. Маълумки, бизгача етиб келган манба – бу XIV асрда араб тилидан форс тилига ўтирилган нусхадир. Асл нусхаси эса йўқолиб кетган. Кейинча эса бу асар француз ва бошқа тилларга таржима қилинди.

Асар мазмунини мажлисларда қисқача баён этиш ўша вақтларда одат бўлган эди. Масалан, «Бухоро тарихи» ҳақида, «бандаларнинг камтарини

²⁵⁹ Самарқандий А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Бахрайн. – Т.: «Фан», 1966. – Б. 56.

²⁶⁰ Самарқандий А. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Бахрайн. – Т.: «Фан», 1966. – Б. 56.

²⁶¹ Ўша жойда. – Б. 56-57.

Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар бу таржимани... фахрлар эгаси Абдулазиз ибн ас-садр ал-имом ал-Ҳамид Бурхонуддин Абдулазизнинг... олий мажлиси учун қисқартириб баён қилди»²⁶². Демак, «Бухоро тарихи»нинг нафақат таржима манбаси, шу билан бирга асарнинг қисқартирилган варианты ҳам бўлиши мумкин экан.

Ҳофиз Таниш Ал-Бухорийнинг «Абдулланом» асари образларининг тузилиши усули, маълумотларга бойлиги билан ҳам алоҳида эътиборга эга. Бу асар тарихий хроника шаклида ёзилган. Бу ҳақда китобнинг илмий муҳаррири ва сўз боши муаллифи Б.А.Аҳмедов шундай деб ёзади: «Рашидиддин, Мирхонд, Шарафиддин Али Яздий ва Абулҳасан Нишопурий асарларига таянганини очик айтади»²⁶³. Демак, Ҳофиз Таниш воқеаларни ишонарли баён этиш учун ўзидан олдин ўтган буюк олимлар асарларидан фойдаланади, ўз китобини ўша манбалар асосида ёзгани тўғрисида маълумот беради. Бу факт эса ўша давр турли ёзма манбаларга бой эканлигини кўрсатади.

Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг «Тарих моҳияти» деб номланган қисмида шундай гаплар бор: «Бу сўз ҳақиқат қидирувчи инсофли кишига етарли далиллардандир. Агар у қаршилиқ кўрсатиб, мунозарачиларнинг бўяма гапларига мойиллик кўрсатса, қалбидан уни кеткизиш, касалга чалинган ақлини даволаш ва кўнглига ҳақиқат (уруғини) сепишда бу китобда келтирилгандан кўпроқ (далилларга) эҳтиёж туғилади»²⁶⁴. Олим ишониб ёзадики, аниқ ва тўғри келтирилган далиллар омма ўртасида ҳақиқатни, тўғри ахборотни тарқатишга ёрдам беради, аргументация сифатида хизмат қилади. Ахборот тарқатувчи шахс бундай фактлар билан ҳар бир соғлом фикрловчи одамни ишонтира олади.

«Ҳиндистон»да ҳиндларнинг диний дунёқарашлари ҳақида фикр юритар экан, Беруний ўз асарида шундай деб ёзади: «Ведани ёзиш мумкин эмас, дейдилар, чунки у турли куйлар билан ўқилади. Уни ёзишда қаламнинг ожизлиги ва ёзилганда ортиқ ёки кам қилиб қўйилиши сабабли уни ёзувдан узоқ тутадилар... Чунки, ҳиндлар мана шундай дейдилар: «Олий тангри Бароҳимга мабда – мавжудотнинг бошланиши ҳақида хитоб қилиб гапирган гапи ичида Шавнакнинг Зухра юлдузидан ҳикоя қилган ушбу накли бор: «Ер юзи сувга ғарқ бўладиган вақтда сен ведани унутасан. Шунда веда ернинг энг тагига тушиб кетади, у ердан уни балиқдан бошқа нарса чиқара олмайди. Шунинг учун мен балиқни юбораман, у ведани чиқариб, сенга топширади. Кейин мен чўчқани юбораман, у озук тишлари билан ерни кўтариб, уни сувдан чиқаради»»²⁶⁵.

Бу ерда биз оммавий коммуникацияни амалга ошириш жараёнида турли тиллардан фойдаланишнинг нозик жабҳаларига дуч келмоқдамиз. Айрим тилларнинг шундай хусусиятлари борки, уларда маълум бир маънони фақат оғзаки талаффуз ёрдамида етказиб бўлади, ёзма матнда эса бу маъно

²⁶² Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 88

²⁶³ Ал-Бухорий, Ҳофиз Таниш. Абдулланом. (Шарафномаи шохий). 1-китоб. – Т.: «Фан», 1999. – Б. 4.

²⁶⁴ Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1968. – Б. 62.

²⁶⁵ Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: «Фан», 1965. – Б. 106.

чикмайди, чунки ёзмада у ўз кучини йўқотади. Беруний келтирган мисол ҳинд тилига тегишли бўлса, бундай хусусиятлар бошқа тилларда ҳам бор, масалан, араб тилида. Албатта, бизнинг бу кузатувимиз бевосита жанрларга тегишли эмас, лекин талаффуз ҳам шакл бўлганлиги ва шаклнинг ушбу элементи жанрга яқин турганлиги сабабли биз ушбу мисолни шу ерда келтиришга қарор қилдик. Аслида эса Берунийнинг «Ҳиндистон» асари жуда мураккаб жанрда ёзилган. Ҳиндлар ҳаётидан хабардор кишиларгина бу маълумотларга тушуна олишлари мумкин.

Байҳакийнинг «Масъуд тарихи» асари тарихий усулда ёзилган бўлса-да, жанр жиҳатидан бу китоб мураккаб тузилмадир. Уни тарихий эпоея, йилнома ёки биографик хроника дейиш ҳам мумкин. Ишнинг услуби, унинг таркибидаги фактлар ва муаллифнинг позицияси ушбу учала жанрларнинг ҳам талабларига жавоб беради. Агар биз ушбу китобнинг етакчи жанр хусусиятини аниқламоқчи бўлсак, уни тарихий хроника деб баҳолаган бўлардик. Асарда ўз даври кишиларининг турмуш тарзи ҳақида гапирилган. Шу билан бирга, китобда халқ ҳаёти, у ёки бу тарзда турли ҳудудларда бўлиб ўтган ёки давом этаётган кўплаб воқеалар ва суҳбатлар, қолаверса, давлатлар ўртасидаги муносабатлар ва урушлар ҳақида ҳам ёзилади.

Бухоронинг биринчи амири Абруй маҳаллий халққа ўз зулмини ўтказгандан кейин халқ турк подшоҳи Қаражурин Биёғуга мурожаат қилди. Биёғу ўз ўғли Шери Кишварни аскарлари билан юборди. Шери Кишвар Абруйни енгди ва бу жойлар унга ёқиб қолди. Кейин Шери Кишвар отасига хат юборди ва ундан бу вилоятни сўраб, Бухорода туриш учун рухсат беришини илтимос қилди. «Биёғудан: «у вилоятни сенга бағишладим» деган жавоб»²⁶⁶ келди. Ўша вақтлардаги анъаналарга мувофиқ, бирор-бир киши ўз фарзандларига инъом этиладиган ҳудудлар ҳақида унинг розилиги тегишли тарзда расмийлаштирилган тилхат, хат ёки фатҳномалар орқали бажарилган ва мазкур қарорлар халққа эълон қилинган.

Маълумки, ўрта асрлар ёзма жанрлар энди-энди ривожланиб келаётган даврдир. Оммавий коммуникацияларнинг оғзаки турлари эса кўп мингйиллик анъаналарга эга эди. Биз уларга етарли даражада тасниф беролмаслигимизнинг сабаби – у вақтлардаги оғзаки боғланишларнинг гувоҳи бўлмаганимизда. Ўрта асрлардаги оғзаки (товушли) коммуникациялар ҳақидаги маълумотларни ҳам биз фақат ўша даврлардаги ёзма манбалардан олишимиз мумкин, холос. Масалан, Наршахий асарининг бир жойида шундай гаплар бор: «Зиёд (Бухорхудот Зиёд ибн Солиҳ – М. С.): «Ҳар ким шаҳардан чиқса унга омонлик берилади», – деб жар чақиртирди»²⁶⁷. Оммавий коммуникациянинг оғзаки шакллари давлат бошқарувида жуда кўп қўлланиладиган бўлиб, улар гавжум жойларда жарчилар овозини баралла қўйиб айтиларди, натижада оммавий ахборотни бир вақтнинг ўзида жуда кўп кишилар эшитардилар, хабардан воқиф бўлардилар. Коммуникациянинг бу усули шуниси билан эътиборлики, бунда ёшу қари, саводли ва саводсиз

²⁶⁶ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 91.

²⁶⁷ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 137.

кишилар, подшоҳ томонидан чиқарилган турли буйруқлар, эълонлар ва бошқа воқеалардан огоҳ бўлиш имкониятига эга бўлардилар.

Бошқа бир мисол. «Амир Насрнинг вафот этганлиги хабари Амирул-мўминин Муътази (Аббосийлардан, 892–902 йилларда халифалик қилган – М. С.) биллоҳга етгач, 280 йили муҳаррам ойида (март-апрел 893) у амир Исмоилни Мовароуннаҳрга амир қилиб фармон берди»²⁶⁸, дейилади китобда. Маълумки, мусулмонлар яшаётган ҳудудларда амирни тайинлашда халифанинг фармони чиқар эди. Халифа номани юборгач, амирликка тайинланган раҳбар халифа фармони жарчилар ёки бошқа махсус тайинланган одамлар ёрдамида ўқиб эшиттирарди, халқни йиғиб янги тайинланган амирнинг ким эканлиги, унинг қариндош-уруғлари ва фармон ким томонидан ёзилганлиги ҳақида омма учун ахборот тарқатарди.

Ўрта асрларда оммавий маълумотлар тарқатишнинг ўзига хос бўлган яна бир муҳим жиҳати–подшоҳ ва султонлар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни тошга, ёғочга ёки темирга ўйиб ёздиргани ва кўпчилик кўриши мумкин бўлган ерга жойлаштиргани. Масалан, «Тағшоданинг отаси бўлган Бидун Бухорхудот тахтга ўтирганидан кейин (680 йилдан олдин – М.С.), одам юбориб бу ҳисорни (вайрон бўлиб турган Аркни – М.С.) тузаттирди, ундаги қасрни ҳам у тузаттирди ва ўз номини темирга ёздириб қасрнинг эшигига маҳкам ўрнаттирди»²⁶⁹. Бундай усулдаги ёзувни биз омма учун эълон (хабар, маълумотнома) деб баҳоласак, ўринли бўларди деб ҳисоблаймиз. Бошқа бир жойда келтирилишича: «Абу Дайм Ҳозим Садусий (ҳам қози бўлди) (Бухорода – М.С.) ва унга халифадан қозилик фармони келди»²⁷⁰.

«Беш юз ўттиз тўртинчи йил ойларида бирида (28 август 1139 – 16 август 1140) Хоразмшоҳ (Хоразмшоҳ Отсиз, 1127-1156 – М.С.) Бухорога келганида амир Занги Али халифа ҳамда Султон Санжарнинг (Салжукийлар сулоласи ҳукмдори – М.С.) фармони билан, Бухоронинг валийси эди»²⁷¹. Бундан кўриниб турибдики, агар энг юқори амалларга халифанинг тасдиқ ёрлиғи керак бўлса (масалан, амир бўлиш учун), ундан кейинги лавозимларга одамларни амир, подшоҳ ёки султоннинг ўзи тайинларди ва ушбу қарорлар кўпчилик олдида эълон қилинар эди.

Асарлар тарихий хроника жанрига тегишли эканлигининг исботи, энг аввало, уларнинг мазмунидан келиб чиқади. Айрим пайтлари эса муаллифларнинг ўзлари ҳам буни таъкидлаганлар. Бу ҳақда «Сиёсатнома» асарининг муаллифи Абу Али Ҳасан Низомулмулк «ҳар бир ғояни исботлаш учун муайян тарихий ва афсонавий шахслар, сулолалар ва салтанатлар тарихидан, ўтмишидан фойдаланиб, тегишли воқеалардан мисоллар келтиради»²⁷².

«Сиёсатнома»нинг тарихий, сиёсий ва тарбиявий аҳамияти шундаки, у Салжукийлар ҳукмронлигига оид қимматли манба бўлиб, бу сулола

²⁶⁸ Ўша жойда. – Б. 154.

²⁶⁹ Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991. – Б. 104.

²⁷⁰ Ўша жойда. – Б. 89.

²⁷¹ Ўша жойда. – Б. 105.

²⁷² Низомулмулк, Абу Али. Сиёсатнома. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 12.

султонлари учун давлат бошқаруви йўналишида дастур вазифасини бажаради. Ш.Воҳид ва А.Эркинов ёзишларича, «асар адабий манба сифатида ҳам жуда қимматлидир. Шу сабабли асарга, Низомулмулк шахсиятига Алишер Навоий, «Дастур ул-мулк» муаллифи Самандар Термизий, «Осор ал-билод» муаллифи Абу Яҳё ал-Қазвиний ҳамда ибн Искандариёр, ибн Бини, ибн Тиктак, Хожа Халифа ва бошқа кўплаб улуғ алломаю давлат арбоблари ғоят юксак баҳо берганлар»²⁷³.

Шундай қилиб, «Сиёсатнома» асари тарихий хроника сифатида жамиятни сиёсий ва маъмурий бошқариш бўйича қўлланма вазифасини бажаради десак хато қилмасак керак. Асар ўзининг қадимийлиги билан жуда қадрлидир. Ўрта асрларда бундай китоблар пайдо бўлиши – уни яратган жамиятда ўша даврларда юксак маданият борлигининг кўрсаткичидир.

Машҳур саркарда номини олган Амир Темур ўз даврининг илғор кишиларидан бўлганлигини тарихий манбалар муаллифлари асослаб беради. Унинг замондошлари учун ва келгуси авлодларга мерос сифатида қолдирган «Темур тузуклари» фактлар ва фикрларга бой ҳуқуқий, тарихий, маънавий ва тарбиявий китобдир. Бундан ташқари, Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши билан боғлиқ воқеаларни кундалик тарзида баён этилган Ғиёсиддин Алининг «Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон» асари бор.

Шунингдек, Низомиддин Шомийдан ташқари Соҳибқирон ҳаётлигидаёқ XV аср муаллифлари Фасиҳ Хавофий, Шарофиддин Али Яздий, Хондамир ва бошқалар томонидан ҳам Амир Темурга бағишлаб бир неча тарихий ва бадий китоблар яратилган. Масалан, «кермонли адиб Шайх Маҳмуд Зангийи Ажам дoston шаклида «Жўшу хурўш»ни ёзган. У 806 (1403 – 1404) йили Гуржистонда бўлган Амир Темурга достонини тақдим этмоқ учун кетаётиб, кўприкдан йиқилиб ҳалок бўлган. Унинг ўғли мавлоно Қутбиддин отасининг асарига «Зайл», («Илова») ёзиб, Темурга топширган»²⁷⁴ лиги ҳақидаги маълумотлар бор. «Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида ҳам... Сафиуддин Хутталоний исмли олимнинг Темурга бағишлаб туркий тилда бир асар ёзганлиги эслатилади»²⁷⁵.

Таажжубки, Низомиддин Шомий Амир Темур даврига оид бўлган асарлар мавжудлигини «Зафарнома»нинг бирор саҳифасида ҳам эслатиб ўтмаган. Бунинг сабаби бизга номаълум. Аслида эса, «Зафарнома» тарихий манба сифатида XIV–XV аср бошида Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги давридаги Ўрта Осиё, Олтин Ўрда хонлиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлар ўтмишига оид воқеаларни ўз ичига олган. Асарда ҳатто 1360 йилга қадар Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Чингизий сулоласи ҳақида ҳам қисқа маълумот бор. Сўнгра Амир Темурнинг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг бошида қилган юришлари ҳақида батафсил баён қилинган. Асар 1404 йил март ойида (806 й. рамазон ойи) Амир Темур Озарбайжонда Аррон Қорабоғида турганлигининг баёни билан якунланиб, унинг вафоти (405 йил 18 феврал)гача, яъни бир йил

²⁷³ Низомулмулк, Абу Али. Сиёсатнома. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 10

²⁷⁴ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 6.

²⁷⁵ Ўша жойда. – Б. 6.

вақт ичида содир бўлган воқеалар китобда ёритилмай қолган.

Низомиддин Шомий асарида келтирилган воқеалар силсиласи кейинги тарихнавислар томонидан давом эттирилган. Бундан биз қуйидаги хулосани чиқаришимиз мумкин. Тақлидчилик умуман инсонга хос ҳаракат бўлиб, илм ва адабиётда тез-тез учраб туради. Мисол сифатида биз Инжил ва Қуръон, Сукрот ва Аристофан, Афлотун ва Арастуларга қилган ўхшатишларни келтиришимиз мумкин. Биз ўрганадиган давр ва манбаларга келсак, турли йўналиш ва жанрларда битилган ҳамда машҳур бўлган асарларнинг ҳам давомчилари чиқиши табиий.

Жумладан, Темурийлардан Шохрух Мирзо (вафоти 1447й.)нинг тарихчиси Ҳофиз Аbru, юқорида эслатилганидек, «Зафарнома»га «зайл», («илова») ёзиб, ундаги воқеаларни Темур вафотигача етказган, сўнг эса ўзининг «Мажмуа» («Тўплам») номи билан аталиб келаётган тарихий ишни ёзган. Унда муаллиф Шомийнинг «Зафарнома»сидан ҳам фойдаланган ва воқеалар тизимини Шохрух Мирзо ҳукмронлик қилиб турган 1420 йилгача давом эттирган.

Тарихий хроникалар – муаллифлар, даврлар ва подшоҳлар алмашганига қарамасдан – узлуксиз давом эттирилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Жанр жиҳатидан биз бундай китобларни тарихий хроникалар туркуми (цикли) деб номласак, тўғри бўлса керак. Масалан, «1423 йили Шохрух Мирзонинг ўғли Бойсунғур Мирзо (1433 йили вафот этган) фармони билан Ҳофиз Аbru тўрт жилддан иборат «Мажма ут-тавориhi султония» («Султонга бағишланган тарихлар йиғиндиси») деб аталган асарни ёзишга киришган ва уни 1427 йил воқеаларининг баёни билан тугатган. Асарнинг тўртинчи жилдида Амир Темур ва темурий шаҳзодалар тарихи акс эттирилиб, унга Бойсунғур Мирзога бағишланганлигини кўрсатиш учун «Зубдат ут-тавориhi Бойсунғурий» («Бойсунғурга аталган тарихлар сараси») деб ном берилган»²⁷⁶.

Китоблар ёзилишини буюрганда, подшоҳ ва султонлар бундай асарлар тарихий хроника жанрига жавоб бера олишини, яъни ҳақиқатни акс эттиришини ҳам назорат қилганлар. Масалан, Амир Темур унга нотўғри маълумот етказганлари учун бундай ахборотнависларни жазолаган, ҳатто ўта ёлғончиларнинг бармоқлари кесилсин, деган унинг кўрсатмаси ҳам бор. Бойсунғур Мирзо ҳам, Ҳофиз Аbrуга топшириқ бераётганида, унга ота-боболари ва ўзининг ҳаёти давомида саройни, давлат ишларини қандай бошқарганлиги тўғрисида рўй-рост ёзиб боришни буюрган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўрта асрларда оммавий боғланишларни амалга ошириш мақсадида битилган асарлар бугунги журналистика назарияси жиҳатидан жанрларнинг ривожланган тизимига эга эмасди. У даврдаги жанрларни биз протожанрлар десак, тўғрироқ бўлади. Кейинча эса уларнинг ва кейинги асрларда яратилган асарларнинг негизида журналистика жанрларининг замонавий тизими шаклланди.

Ўрта асрларда оммавий коммуникация жараёнларини ташкил этиш ўзига

²⁷⁶ Шомий, Низомиддин. Зафарнома. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 7.

хос маҳоратни талаб этди. Бундай маҳоратнинг стратегик ва тактик хусусиятлари бор эди.

Стратегик хусусиятларга ҳокимият, молиявий имкониятлар ва кучга эга бўлиш, ўз атрофида коммуникация жараёнини ижро этувчиларни йиғиш, уларга аниқ тавсиялар бериш, тарихий асарлар яратиш учун имкониятлар ташкил этиш ва кўрсатмалар бажарилишини назорат қилиш кирарди. Бундай ишларни кўпроқ подшоҳлар, султонлар, амирлар, харбий саркардалар бажарар эди.

Тактик вазифаларни оммавий коммуникацияларни бевосита амалга оширувчилар ижро этган. Бундай ҳаракатлар қаторида турли оғзаки ва ёзма манбалардан маълумотларни йиғиш, уларнинг ичидан кераklarини ажратиб олиш, тизимли равишда жойлаштириш («тартиб ипига боғлаш»), фактларга керакли изох ва урғулар бериш, матнни чиройли тил билан ёзиб, унга услубий ва расмий безаклар танлаши бор.

Подшоҳ салтанатга дахлдор кишиларни йиғиб турган, уларни хизматга тайёрлаган. Сарой хизматидаги одамлардан қатъиятли бўлиши талаб этилган. Улар олий мақомли мажлис даврасида ўтириб подшоҳ билан суҳбатлашган, даврнинг илғор, билимли кишилари сифатида халқ билан мулоқот ўрната оладиган, дардига қулоқ соладиган, хушхулқ характерга эга бўлиши инобатга олинган. Шунинг билан бир қаторда, саройда мажлисни кузатиб боровчи кишилар ҳам тайинланганки, улар суҳбатнинг тўғрилигини, ахборот ҳаққонийлигини назорат қилиб ўтказилган тадбир ҳақида ҳозирги кундаги баённомага ўхшаган ҳисобот тайёрлаганлар.

Давлат бошқарувида коммуникация ташкилотчиларининг ўзига хос муҳим талаблари бор эди. Коммуникацияни амалга ошириш учун турли йўналишдаги хизматчилар билимли, тадбиркор ва қобилиятли бўлишлари шарт эди. Ўз фикрига эга бўлиш ва ахборотни оммага етказишда нотиклик санъатига алоҳида эътибор бериш сарой ходимининг зийнати ҳисобланган.

Шунингдек, халқ орасида ўзининг тадбиркорлиги билан шуҳрат қозониш, кишиларнинг онгига таъсир қилиш каби масъулиятли вазифа давлатни бошқаришда ўзига хос роль ўйнаган. Чунки, халқнинг саводсизлиги туфайли уларга хабарларни оғзаки шаклда тушунарли ва аниқ етказиш зарур эди.

Марказий Осиёда яшаб ижод этган олимлар, муаррихларнинг асарларида бизнинг бугунги тушунчамиздаги публицистик жанрларнинг барча кўринишлари мавжуд бўлмаган бўлса-да, уларда публицистик руҳ кучли бўлган. Ўша даврдаги асарлар маълум маънода ҳозирги кун асар жанрларининг шаклланиши учун ўзига хос пойдевор вазифасини ўтаган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида биз қуйидаги хулосаларга келдик:

- Ўрта асрларда Марказий Осиё мамлакатларида юз берган маданий юксалишнинг асосини, энг аввало, оммавий коммуникациялар ташкил этди. Жаҳон цивилизацияси ҳозирги Ироқ ҳудудида пайдо бўлиб, Эрон, Миср, Ҳиндистон бўйлаб, Ғарбий Туркия ва Грецияларда юқори даражага етди.

- Биз ўрганган ўрта асрларда дунё тамаддунининг маркази исломга эътиқод қилувчи халқлар яшайдиган ҳудудларга, жумладан, Мовароуннаҳрга ўтди, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд эса ўша даврларда жаҳон маданиятининг буюк ўчоқларига айланди.

- Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва бошқа Шарқ олимлари буюк антик фалсафани ўзлаштириб, ривожлантириб, Европа мутахассисларига етказдилар. Ибн Сино ва ибн Рушднинг илмий ғоялари XIV–XVII асрларда Европа университетларида берилаётган таълимнинг фалсафий, ахлоқий ҳамда илмий-табиий асослари бўлиб хизмат қилди.

Ўрта асрларда оммавий коммуникациялар кенг ва атрофлича, давлатлар ҳамда халқлар ҳаётига бевосита таъсир этувчи, элатлар ва маданиятлар ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи куч сифатида ўзини намоён этди.

Маданий коммуникациялар моддий ва маънавий турлардан иборат бўлди. Моддий коммуникациялар мадрасалар, масжидлар, миноралар, қадамжолар, ибодатхоналар, қошоналар, шаҳарлар, боғлар, йўллар, рабоблар, саройлар, кўшклар, қалъалар, қарвонсаройлар, кўприклар, девор ва эшик безаклари ёрдамида амалга оширилган.

Маънавий коммуникация эса маданий, ижтимоий, фалсафий, теологик, тарбиявий, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий мавзуларда олиб борилган.

Ҳарбий коммуникация – ўрта асрлардаги оммавий коммуникациялар ичида энг кенг тарқалганларидандир. Ҳарбий коммуникация жараёнида товушли сигналлар турлари – қарнай, сурнай, ноғора, довул, бурғу, дўмбира ва бошқ. – кенг тарқалган. Ҳар бир ҳарбий гуруҳга, унинг сонига қараб, махсус коммуникация воситаларини ажратиб бериш жорийланган эди: 1) байроқ ва ноғора; 2) байроқ, ноғора ва туман туғи; 3) туғ ва қарнай; 4) катта ноғора; 5) бурғу. Турли тарздаги ҳарбий намоёнишлар ҳам ўтказилиб турилар эди.

Оммавий коммуникация мақсадларига келганда, айтиш жоизки, изчил тарзда маълумотларни йиғиш, уларни тўплаш ва аниқ тизимда ишлаб чиқиш йўлга қўйилган эди. Бундай маълумотлардан халқларнинг маданияти ва маънавиятини кўтариш, таълим, фанни ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш мақсадида фойдаланилган. Мазкур ахборотлар мустаҳкам давлат ўрнатиш, унинг бошқарувини таъминлаш, ички ҳолатни барқарорлаштириш учун ҳам хизмат қилган.

Оммавий боғланишлардан маъмурий, ҳуқуқий, ахлоқий бошқарувни мукаммаллаштириш, раиятни барча ҳужжатлар ҳақида огоҳлантириш, уни янги қонунлар ва қарорлар ҳақида хабардор қилиш, халқни янгилик билан таништириш мақсадида фойдаланилган. Жумладан, қарор ёки қонун халқ томонидан яхши қабул қилинишига ҳам эътибор берилган.

Оммавий ахборот марказлари ва уни йиғиш тизими кенг қўламли бўлган. Энг аввало, тарихчилар, теологлар (диншунослар), файласуфлар, тиббиёт вакиллари бундай манбалар сифатида улардан олдин ўз юртларида ва хорижий мамлакатларда яратилган асарларни жалб этганлар: илмий ва бадиий асарлар, ведалар (Ҳиндистон), диалоглар (Юнонистон) ва бошқ.

Кўп подшоликларда ахборот йиғиш тизими жорий қилинган эди. Мамлакатнинг турли бурчакларида фаолият юритадиган раият, ҳарбийлар, диндорларнинг фаолияти очик ёки махфий тарзда ўрганилиб келинган, уларнинг қайфиятлари ҳақидаги маълумотлар бевосита давлат бошқаруви тизимига етказилган. Маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиб бориш, улардан унумли фойдаланиш – мустаҳкам давлат ўрнатиш, жамият бошқарувини барқарорлаштириш учун зарур тадбирлар бўлган.

Оммавий ахборотларни йиғиш манбалари сифатида биз назария ва амалиёт, илм ва ҳаёт хизмат қилиб келди десак, хато қилмасак керак. Ўрта Осиё олимлари қадимий Ҳиндистон, Эрон, Юнонистон, Афғонистон, араб мамлакатлари тарихи, илми, ютуқларини чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштирган. Ўрта аср мутафаккирлари кўп ҳолларда ўз асарлари учун антик фалсафани асос қилиб олганлар. Ундан ташқари улар минглаб ҳадис ва ривоятлар ўрганганлар, таржималар ҳам жуда кенг жалб этилган.

Оммавий коммуникация ташкил этадиган марказлар сифатида энг аввало, кутубхоналарни тилга олиш жоиз. Шарқ мамлакатларида улар йирик бўлиб, буюк вазифаларни бажарган. Подшоҳ саройларидан ташқари, кўп хонадонларда шахсий кутубхоналар бўлиб, улардан кўпчилик фойдаланган. Оммавий ахборот марказлари сифатида карвонсаройлар, бозорлар, чойхоналар, сартарошхоналар ва бошқа одамлар йиғилиб турган жойлар хизмат қилган. Маълумотлар кўча, майдон, масжид, мадраса, хонадонлардан тўпланган, ишланган ва шу жойларга яна тарқатилган.

Оммавий ахборотни йиғиш ва ёйиш усулларига жиддий эътибор берилган. Булар қўлёзма китоб ва рисоалардан фойдаланиш, шахсий суҳбатлар, кузатувлар, саёҳатлар, турли ҳужжат ва буюмлар, оғзаки мулоқот, илмий баҳслар, фалсафий мушоҳадалар ёрдамида амалга оширилган. Ахборот йиғувчи одамлар сафида элчилар, савдогарлар, саёҳатчилар бўлган, айғоқчи ва жосуслар хизматидан ҳам фойдаланишган.

Оммавий коммуникация жараёнлари бадиий ва илмий давралар, китоблар муҳокамаси, сиёсий йиғинлар, мунозаралар ёрдамида татбиқ этилган. Мажлислар тартиби аниқ ва қатъий бўлган: ким қаерда ўтириши, қачон ва нима ҳақида гапириши ва бошқ. Саройларда ташқарига чиқадиган ахборот, ички ахборот алмашуви ўрнатилган тартиб асосида жорийланган. Мазкур тизим ва тартиб мустаҳкам бўлиб, уларга ҳам риоя қилинган.

Ахборот алмашуви соҳалари жуда кенг бўлган ва жамиятнинг барча жабҳаларида ўз аксини топган: фалсафа, мантиқ, социология, психология, адабиётшунослик, шеърят, мусиқа назарияси, геология, минерология, тиббиёт, математика, астрономия.

Оммавий коммуникациялар мавзулари ичида биз маданият, маърифат, таълим, тарих, фалсафа, ҳуқуқ, санъат, адабиёт ва бошқаларни айтишимиз

мумкин. Динга келганда, Марказий Осиёда турли динлар, яъни ислом, буддавийлик, христианлик, зардуштийлик, бурхон, монийлик, настурийлик ва бошқалари кўп асрлар давомида уйғун тарзда барпо этилгани сабабли, маҳаллий халқларга азалдан диний бағрикенглик хос бўлиб келмоқда. Буни биз ҳадислар, тарихий асарлар ёки халифалик бошқаруви амалиётидан кўришимиз мумкин. Буюк сулолалар ва салтанатлар тарихи мавзулари ушбу асарларда ўз аксини топиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Оммавий коммуникация сифатлари қаторида биз илмийлик, объективлик, ҳақиқатгўйлик, тизимлилик, ҳаммабоплик, тушунарлиликни айтишимиз мумкин. Ўрта аср мутафаккирларига донолик ва ростгўйлик, гуманизм ҳамда бағрикенглик хос бўлган. Китобларнинг илмий, бадиий ва эстетик жиҳатларига эътибор берилиб, ҳатто адабий танқид усули ҳам ривожлантирилган. Маълумотларни тўғри ёзишга жиддий эътибор берилган.

Оммавий коммуникациянинг шакллари келганда, энг аввало, икки йирик – оғзаки ва ёзма – йўналишларни ажратиш зарур. Ёзмани илмий ва адабий асарлар ташкил этса, оғзаки шаклларга суҳбат, мажлис, йиғин, илмий ва адабий анъаналар, ривоят, овозли боғланишлар киради. Йирик масалалар бўйича қурултой ёки маслаҳат кенгашлари чақирилган. Муҳим қарорлар ҳатто овозга қўйилиб, кўпчилик тарафдорларни олгандан кейингина қабул қилинган ёки тасдиқланган.

Гулхан ёки маёқ каби оловли коммуникациялар ҳам ишлатилган. Биз бир нарсани тасдиғини тополмадик – чанг ёрдамидаги коммуникация. Бадиий қиссада бундай мисол бор²⁷⁷, лекин ўрганилган тарихий асарларда шунга тегишли фактга дуч келмадик.

Буюмли коммуникациялар вазифаларини ҳамён, байроқ, туғ ва бошқалар бажарган. Шиша ва бронзадаги нақшлар ҳам жамоатга маълум бир информацияни етказган. Рангли коммуникация (кийим, байроқ ва бошқ.) ҳам таъсирчан воситаларидан бўлган.

Ишда келтирилган ва таҳлил этилган лингвистик, паралингвистик ва кинетик кодлар иккинчи даражали гап эмас. Ўша даврлардаги боғланишларнинг реал самарадорлигини тўла тушуниш учун буларнинг бутун бир мажмуасини эътиборга олиш зарур. Подшоҳ ёки диндор, бошқа нотиқларнинг кўпчилик олдига чиқиб гапириши муҳим аҳамият касб этган, фақат биз бунинг гувоҳи бўлмаганмиз. Мазкур кодлар нотиқ билан учрашганларга ўша вақтларда жиддий таъсир кўрсатганига шубҳа қилмаслик даркор. Чунки нотиқнинг ташқи кўриниши, овозининг оҳанги ёки унинг нутқ давомидаги ҳаракатлари тингловчиларга доимо кучли таъсир қилиб келмоқда.

Биз тадқиқотимизда янгилик сифатида ташкилий кодни ҳам киритишни тавсия этамиз. Чунки оммавий ахборотни етказиш коммуникацияни ташкил этувчилардан маълум бир ташкилий ишларни талаб қилган.

Оммавий коммуникация услубларига келганда, ахборотни ўз вақтида ва тушунарли қилиб етказиш барча даврларда муҳим аҳамият касб этган. Бунинг учун мавзу, ахборотни ишловчи ва етказувчи шахс ҳамда аудиториянинг

²⁷⁷ Мориер, Джеймс. Похождения Хаджи Бабы из Исфaghана. – Т.: Шарк, 1996.

хусусиятларини эътиборга олиш зарур бўлган. Асарнинг услуби тушунарли бўлиши, тез англаб олиниши шарт эди. Жумладан, асарлар ихчам ва аниқ тарзда сарой кенгашларида баён қилинган.

Сўзларнинг куч-кудратига етиш, улардан унумли фойдаланиш ва уларнинг асл маъносини кенг оммага тушинтириш муҳим эди. Яхши ва равон сўзнинг аҳамияти ўша вақтларда ҳам баланд бўлган. Маълумотларнинг қисқа, ихчам бўлиши, уларни тушунарли, аниқ ёзилиши ва баён этилиши ҳамда ушбу йўллар билан аудиториянинг ишончига эришиш долзарб масала эди.

Гоя ва образлар тизимлари, ўринли қиёслар зарур бўлган ва улардан унумли фойдаланилган. Мажлислар, йиғилишларда ҳақиқатни аниқлашнинг муҳим усули ҳисобланмиш мунозарадан фойдаланилган, ҳатто ўзига хос Бобурий хати ҳам жорийланган.

Оммавий коммуникация жанрларига келганда айтиш зарурки, коммуникациялар иштирокчилари минг йилга яқин давр ичида жуда катта миқдорда ва турли тарзларда ҳар хил китоблар, ҳикоят, тузуклар, хотиралар, битимлар, шеърлар, қиссалар, мактублар, эълонлар, фармонлар, буйруқлар шаклларида оммавий маълумотларни етказувчи асарлар яратганлар. У вақтларда турли кўринишдаги ҳужжатлар тайёрлаш бугунгидек эмасди. Шунинг учун буйруққа бадиият, тарихий хроникага эса байтлар кўшилиб кетаверарди. Зафарнома ва йиномалар, шарҳлар ва биографик лавҳалар, тарихий хроника ва ҳар хил туркумлар бу жанрларнинг энг ёрқин намуналаридандир. Турли мажлислар, йиғилишлар, кенгашлар ва маслаҳатларда қабул қилинган қарор, хат, баённома, дипломатик ёзишма ва бошқа ҳужжатлардаги маълумотлар ҳам кўпчиликка етказилган.

Оммавий коммуникация тили сифатида ўша йилларда ушбу ҳудудда кенг тарқалган араб, форс, турк тиллари билан бир қаторда уйғур, суғд, хинд, хитой, муғул, қадимий юнон ва латин тиллари ҳам ишлатилган. Бир асар икки тилда ёзилиши ҳам одатга айланган эди.

Муаллифлар оммавий коммуникация асарларининг безакларига ҳам жиддий эътибор бериб, уларнинг бадиий ва эстетик жиҳатларининг уйғунлигини, матн билан нақш уйғунлигини таъминлаганлар.

Матнларни турли сиёҳларда ёзиш, инициалларни ажратиб, рангли безакларда бериш, миниатюраларни чизиш, ўсимликлар ва геометрик шакллар, нақшлардан кенг фойдаланиш Шарқда оммавий тус олган. Кўп йўналишлар бўйича турли мактаблар ҳам (миниатюралар, хаттотлик) бўлган.

Оммавий ахборот тош, ёғоч, мато, темир, қоғоз, барг, папирус, пергаментларга матн ва расм шаклларида турли бўёқлар ёрдамида туширилган.

Минг йилга яқин вақт давомида яратилган асарларнинг барчаси оммавий коммуникация жараёнларининг натижасида пайдо бўлган ва бундай боғланишларни янада ривожлантиришга хизмат қилган. Булар қаторида биз илмий, тарихий ва тарбиявий китоблар, рисоалар, шарҳлар, таржималар, хаттотлик намуналари ва бошқаларини айтишимиз мумкин. Китоблардан ташқари оммавий коммуникацияни қандай усулларда ташкил этилганини кўрсатмоқчи бўлсак, маълум бўладиги булардан подшоҳ буйруқлари, китоблар, эълонлар, хатлар, олий фармонлар, ёрлиғлар, Бағдод халифасининг амирликка

тайинлаш фармонлари халқ ўртасида доимо эълон қилиб борилган.

Юқорида тилга олинган кенг миқёсдаги оммавий коммуникациялар уларни ташкил этувчи тузилмалар ва шахсларсиз амалга оширилиши мумкин эмас эди. Энг муҳим ахборот йиғувчи, етказувчи ва таркатувчи марказлар девонлар бўлган. Девонларни оммавий ахборот бобида фаолият юритадиган етакчи бўғин деб номласак, хато қилмасак керак. Марказий Осиё давлатларида девонлар тизими анча ривожланган бўлиб, улар таркибида вазир девони, соқчилар девони, алоқалар, мудофаа, молия, ички тартиб, алоқа, мухтасиб, қозилик, вақфлар девонлари ва бошқалар бўлган.

Оммавий коммуникацияни амалга ошириш – бир неча бўғин ёки босқичли тадбир. Ушбу жараёни амалга оширувчиларни уч асосий қисмга бўлиб чиқиш мақсадга мувофиқдир: оммавий ахборот буюртмачилари, уни ишлаб чиқувчилар ва таркатувчилар. Буюртмачилар сифатида кўпроқ халифалар, подшоҳлар, амирлар, султонлар, вазирлар, давлат арбоблари, дин пешволари, зодагонлар, ҳарбий қўмондонлар ҳамда бошқа турли лавозимдаги амалдорларни айтиш мумкин.

Оммавий ахборотни бевосита ишлаб чиқувчилар ёки ушбу жараёни ташкил этувчилар таркибида биз олимлар, шоирлар, ёзувчилар, хаттотлар, рассомлар, бастакорларни тилга олишимиз мумкин. Улардан, энг аввало, сидқидилдан ўз вазифаларини бажариш, саводли, виждонли бўлиш талаб қилинган.

Оммавий ахборотни тарқатишни амалга оширувчилар сафига тарихнавислар, таржимонлар, дабирлар, котиблар, нотиқлар, дин вакиллари, бахшилар, чопарлар, хабарчилар, зиёратчилар, хушхат одамлар, ёғоч ва тош кесувчилар, риқобдор, бино қурувчилари ва безатувчилар киради. Элчилар, савдогарлар, саёҳатчилар эса махсус ахборотларни йиғиш ҳамда тарқатиш вазифаларини бажарган.

Юқорида келтирилган таснифни мутлоқ маънода тушуниш унча ҳам тўғри бўлмайди, чунки биринчи томондан, битта вазифани (хаттот, чопар, бахши) кўп одамлар бажариб келган бўлса, иккинчи томондан битта шахс бир қатор амалларни (котиб, хаттот, таржимон) ижро этиб келган. Оммавий ахборотни ишлаб чиқиш ва тарқатиш бобида касблар бўлиниши ўрта асрларда бугунгидек унча ҳам тиниқ эмас эди.

Ўрта асрларда оммавий ахборотни тарқатиш мақсадида энг кенг жорийланган институтлар, яъни, энг кенг ишлатилаётган усуллар жарчилик ҳамда чопарлик экан. Жарчилар ва чопарлардан кенг миқёсда фойдаланилган ҳамда уларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Бир хулосамизни алоҳида айтишга қарор қилдик. Ўрта асрларда соҳибхабар деган лавозим ҳам бўлган экан (Низомулмулк, “Зафарнома”). Соҳибхабар ахборот билан ишлаш жараёнларини бошқарган ва уни бугунги кун мезонлари ўлчовида матбуот котиби лавозимига қиёсласак тўғри бўлса керак.

Ахборот тарқатиш усуллари ҳам муҳим аҳамият касб этган. Асрлар ўтиши сари давлатлар раванқ топиб, улардаги гуруҳлар кўпайиб, ижтимоий қатламлар бир-биридан ажралиб кетаверган. Жамиятлар табақаланиши натижада маълумотларни дифференциациялаш, ҳар бир ижтимоий қатламга ўз ахборотини ва унга мос усулда етказиш ривожланган. Майдон ва масжидларда, бозор ва

кўчаларда, сарой ва карвонсаройларда керак бўлган ҳужжатларни эълон қилиш, оммага етказиш тартиби мукаммаллашиб бораверган. Маълумотларни эълон қилиш атрофидаги муҳит ҳам муҳим аҳамият касб этган (отлардан тушиб, амир хатини эшитиш). Сарой йиғилишлари очик тарзда ўтказилиши ҳам одатий ҳол бўлган.

Журналистиканинг муҳим белгиси бўлган кўп нусхалилик ривожланиб бораверган, жумладан, амирнинг узук-муҳри кўчирилган нусхалар тўғрилигини тасдиқлаган.

Мусулмон Ренессанси даврида битилган асарларнинг тарихий ва ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий, маънавий ва тарбиявий аҳамияти ниҳоятда баланд бўлган. Билимлар назарий ва амалий турларга бўлиниб, қадимий Юнонистонда асос солинган фанлар таснифи Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан янги босқичга кўтарилган.

Тарқатилаётган оммавий маълумотларнинг илмий ва методологик мавқеи, инсоният эришган ютуқларни кейинги авлодларга етказиш ва тушунтириш муҳим даражада тараққий этган. Хабарларни рост ва ёлғонга ажратиб бериш, кенг омmani шунга ўргатиш, илмий-танқидий ёндашувни ривожлантириш жиддий аҳамият касб этган. Хаттотлик ва китобларни безатиш санъати одамларни гўзаллик ва эстетикага ўргатган.

Илмий тарздаги оммавий коммуникациянинг аҳамияти шунда ҳам ўз аксини топдики, ўша даврларда бир қатор академиялар таъсис этилди: қадимий Юнонистон эстафетасини олган Ануширвон подшоҳнинг иккита академияси, Ал-Азҳар, Бағдод ва Маъмун академиялари.

Марказий Осиёда ўрта асрларда барпо этилган бой меросни тўла тушиниш ва ўзлаштириш бугунги Ўзбекистон фуқаролари учун ўта муҳим масаладир. Бу айниқса, ахборот глобаллашуви даврида янада долзарблашмоқда. Ўша даврларнинг маънавияти ва тажрибаси - Ўзбекистон халқи учун битмас-туганмас хазина, миллий ўзликни англаш ва сақлаш учун муҳим тажриба.

Ишониб айтиш мумкинки, Шарқ Ренессанси бўлмаганда, Ғарб Ренессанси бўлиши амри маҳол эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов биз ўрганган минг йиллик тажрибани шундай таърифлайди: «Шуни ҳам мамнуният билан қайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг табиятига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда»²⁷⁸.

²⁷⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б. 7.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 42 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 382 б.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 366 б.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 349 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 382 б.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 429 б.
8. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 410 б.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 528 б.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 432 б.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: “Ўзбекистон”, – 432 б.
12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
13. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: “Ўзбекистон”, 399 б.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.
15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 320 б.
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 367 б.
18. Каримов И.А. «Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов оммавий ахборот воситалари ҳақида» / Тўплам. –Т.: Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, 1997. – б.
19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 176 б.
20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 24 б.

21. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Лойиҳа раҳбари С. Раупов. – Т.: “Ишонч марказ сервис”, 2009. – Б. 210.

2. МОНОГРАФИЯ ВА ТЎПЛАМЛАР, МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Абдуазизова Н.А. Миллий журналистика тарихи (генезис ва эволюция). Икки жилдлик. Биринчи жилд. / Масъул муҳаррир Нажмиддин Комилов. – Т.: “Шарқ”, 2008. – 384 б.
2. Абдуазизова Н.А. Миллий журналистика тарихи (генезис ва эволюция). Икки жилдлик. Иккинчи жилд. / Масъул муҳаррир Нажмиддин Комилов. – Т.: “Шарқ”, 2008. – 368 б.
3. Абдуазизова Н.А. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1017). – Т.: Академия. 2000. – 238 б.
4. Абру, Ҳофиз Таниш. Абдулланом. Т.: “Шарқ”, 1999. – 416 б.
5. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ. Саҳиҳи Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 1-китоб. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 712 б.
6. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ. Саҳиҳи Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2-китоб. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 624 б.
7. Али Яздий, Шарафиддин. Зафарнома. – Т.: «Фан», 1972, – 1239 б.
8. Алимов У. Ҳазрати имом (Ҳасимом). – Т.: Movarounnahr, 2008. – 144 б.
9. Амир Темур. Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тажримаси. Б. Аҳмедов Таҳр. остида. – Т.: “Ғафур Ғулом”, 1996. – 344 б.
10. Байхаки, Абул Фазл. История Масъуда (1040-1041) М.: «Наука», 1969. – 983 б.
11. Бартольд В.В. Сочинения. В 9-ти томах. Т. 2, Ч. 1. Общие работы по истории Средней Азии. М.: изд-во вост. лит. 1963. – 1020 б.
12. Бартольд В.В. Сочинения. В 9-ти томах. Т. 2, Ч. 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. – М.: Изд-во вост. лит. 1964. – 657 б.
13. Бартольд В.В. Сочинения. В 9-ти томах. Т. 6. Работы по истории ислама и арабского халифата. М.: «Наука», 1966. – 729 б.
14. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. // Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: “Фан”, 1968. – 465 б.
15. Беруний Абу Райҳон. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. Т. 2. – Т.: “Фан”, 1968. – 495 б.
16. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Т.: Юлдузча. 1989. – 368 б.
17. Бойко С.П. Загадки древних страниц. – Ставрополь, Китоб нашриёти, 1974. – 94 б.
18. Большакова О.Г. История ат-Табарий. – Т.: “Фан”, 1987.
19. Булгаков П.Г., Розенфельд Б.А., Ахмедов А.А. Муҳаммад ал-Хорезми. – М.: «Наука», 1983. – 239 с.
20. Бьюкенен, П. Дж. Смерть Запада. Ингл. тилидан А. Башкиров таржимаси. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2007. – 444 б.
21. Ворошилов В.В. Журналистика. Дарслик. Спб.: В.А. Михайлов нашриёти, 1999.

– 304 б.

22. Гафуров, Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Душанбе. 1989.
23. Гафуров, Б.Г. Кушанская эпоха и мировая цивилизация. М.: 1968.
24. Гафуров, Б.Г. Кушанская эпоха и мировая цивилизация.-Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т.1. М.: 1974.
25. Гуломов Я.Г. Кушанское царство и древняя ирригация Средней Азии. Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т.1. М.: 1974.
26. Дўстқораев, Бойбута. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик. – Т.: Ғофур Гулом нашриёти, 2009. – 380 б.
27. Дўстмухаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари (назарий-методологик таҳлил). Монография. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. – 216 б.
28. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии. //СА-1954. XIX. С.128.
29. Журналист в поисках информации/ Серия Журналистика и закон.5-е издание. М.: Галерея. 2004.
30. Журналистика ва адабиёт: кеча ва бугун. Илмий мақолалар тўплами. 1-қисм. Масъул муҳаррирлар Ю. Пахратдинов, Ф. Мўминов. – Т.: Юрист-медиа маркази, 2008. – 128 б.
31. Журналистика ва адабиёт: кеча ва бугун. Илмий мақолалар тўплами. 2-қисм. Масъул муҳаррирлар Ю. Пахратдинов, Ф. Мўминов. – Т.: Юрист-медиа маркази, 2008. – 208 б.
32. Журналистика Казахстана. Энциклопедия. Козыбаев С.К., Нода Л.П., Рожков А.В. Алматы: «Экономика», 2006. – 536 б.
33. Журналистларнинг ҳуқуқий саводхонлиги муаммолари. Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ. Тузувчилар. Р.З.Ғофуров ва бошқалар. Т.: Бизнес-принт. 2003.
34. Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш. Т.: Шарқ. 2001.
35. Засурский Я.Н. Испытание свободой. Российская журналистика: 1991-2007. – М.: МДУ нашриёти, 2007. – 560 б.
36. Ибн Сино, Абу Али. Медицинские взгляды. – Т.: Медицина, 1982. – 176 б.
37. Имом ал-Мотурудий. Иршид ул-мубтадойин. – Т.: “Халқ мероси”, 2003.
38. Иоганн Шитльбергер. Путешествие по Европе, Азии и Африке. – Т.: «Шарқ», 2000.
39. История зарубежной журналистики. 1945-2008. Хрестоматия. Под ред. Я.Н. Засурского. Сост. Г.В. Прутцков. – М.: Аспект Пресс, 2008. – 222 с.
40. История печати. Антология. – М.: Аспект Пресс, 2001. – 419 с.
41. Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиков Қ., Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: “Ёзувчи”, 2000. – 230 б.
42. Комилов, Нажмиддин. Тасаввуф. – Т.: “Movarounnahr”, 2009. – 448 б.
43. Коханова Л.А., Калмыков А.А. Основы теории журналистики. Ўқув қўлланма. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 536 б.
44. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста: Учебник для ВУЗов. М.: Аспект пресс.2000.
45. Лактионов А. Информационное общество. – М.: АСТ, 2004.

46. Луғат-маълумотнома: Журналистика, Реклама, Паблик Рилейшнз: 1700 та атама. Муаллифлар ҳайъати. – Т.: Зарқалам, 2003.
47. Массон В. М. Средняя Азия и древний Восток. М-Л. 1964.
48. Массон М.Е. Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Темуре и Улугбеке. Труды Среднеазиатского госуниверситета вып. Т.: 1953.
49. Медиа. Введение. Дарслик. А. Бриггз, П. Кобли таҳрири остида. Ингл. тилидан Ю.В. Никуличев таржимаси. 2-нашр. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 550 б.
50. Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М.: “Наука”, 1973. – 472 б.
51. Миллий идентивлик ва оммавий ахборот воситалари (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари мисолида). Илмий мақолалар тўплами. Масъул муҳаррирлар Ю. Пахратдинов, Ф. Мўминов. – Т.: Юрист-медиа маркази, 2009. – 196 б.
52. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. 300 б.
53. Мрочко Л.В., Пирогов А.И., Смирнова Е.Г. и др. Массовые коммуникации в информационном обществе (социальные и экономические аспекты). Моногр. – М.: МГОУ, 2008.
54. Муминова Ф.И. Международная журналистика: теория и практика. Т: УМЭД-РАТЕНТ-PRESS, 2006. – 192 б.
55. Мўминов Ф.А., Нурматов А., Солиева М. Жаҳон журналистикаси тарихи. Иккинчи, тузатилган нашр. Т.: «Фан ва технология», 2008. – 327 б.
56. Мўминов. Ф.А., Журналистика ижтимоий институт сифатида. Т.: «Университет», 1998. – 175 б.
57. Мўминова Ф.И. Журналистика стран Азии. – Т.: НУУз, 2003. – 87 б.
58. Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. // Самария / Абу Тоҳирхожа. Бухоро тарихи / Наршахий. Шажараи Хоразмшохий / Баёний. Фарғона тарихи / Ибрат. / Тарихий эссе / Таҳрир ҳайати: Б. Аҳмедов ва бошқ. – Т.: “Камалак”, 1991. – Б. 82-174.
59. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: Ўзбекистон.1996. – 527 б.
60. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Иккинчи тўлдирилган, қайта ишланган нашри. – Т.: “Янгиаср авлоди”, 2008. – 239 б.
61. Огаҳий, Муҳаммад Ризо. Шоҳиду-л-Иқбол (Иқбол шаҳодати). Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. – Т.: “Муҳаррир”, 2009. – 335 б.
62. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебник. – М.: Изд-во МГУ, 2005. – 367 с.
63. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Қ.Т. Эрназаров таҳрири остида.Т.: ЎзМУ, 2002. – Б. 200.
64. Ртвеладзе Э.В. К биографии Фаррухи. К истории Чаганиана X-XI в. // Художественная культура Средней Азии IX-XIII веков. – Т.: «Фан», 1983. – 177-181 б.
65. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. – Т.: «Узбекистан», 1985. – 134 б.
66. Саламон Л. Всеобщая история прессы. // История печати. Антология. – М.: Аспект Пресс, 2001. – С. 65-194.
67. Самарқандий Камолуддин Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. Т.: “Фан”, 1969. б.

68. Самарқандий Низомий Арузий. Нодир ҳикоятлар. Т.: “Ўқитувчи”. 2000.
69. Симонов А.К. Журналист в поисках информации. М.: Галерея. 2004.
70. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры. М.: “Наука”, 1977.
71. Термизий, Хўжа Самандар Дастур ул-мулук. М.: Наука. 1971.
72. Тойнби, А. Дж. Исследование истории: цивилизации во времени и пространстве. VII-X жилдлар. Ингл. тилидан К.Я. Кожурин таржимаси. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2009. – 863 б.
73. Тойнби, А. Дж. Исследование истории: возникновение, рост и распад цивилизаций. I-VI жилдлар. Ингл. тилидан К.Я. Кожурин таржимаси. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА. 2009. – 670 б.
74. Труд журналиста: профессионализм, творчество мастерство. Мелибоев А., Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т. и др. Уч. пос. Часть 2. – Т.: ZAR QALAM, 2002. 200 с.
75. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М. Уч. пос. Часть 1. – Т.: ZAR QALAM, 2002. – 183 с.
76. Ученова В.В. У истоков публицистики. М.: МГУ. 1989.
77. Уэбстер, Ф. Теории информационного общества. Ингл. тилидан М.В. Арапов, Н.В. Малыхина таржимаси. Е.Л. Вартанова тахрири остида. – М.: Аспект Пресс, 2004. – 400 б.
78. Фирдавсий, Абулқосим. Шохнома. – М.: АН СССР, 1972.
79. Фихтелиус, Эрик. Журналистиканинг 10 қоида. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 159.
80. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: “Халқ мероси”, 1993. – 223 б.
81. Фукуяма Ф. Наше постчеловеческое будущее: последствия биотехнологической революции. Ингл. тилидан М.Б. Левин таржимаси. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. – 349 б.
82. Хантингтон С. Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности. Ингл. тилидан А. Башкиров таржимаси. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. 635 б.
83. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2007. – 571 с.
84. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий, Абдулланом. («Шарафномаи шоҳий»)Т.: «Шарқ», 2000 – 1 жилд – 414 б. / 2 жилд – 287 б.
85. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Қисқача маълумотнома. Масъул муҳаррир Н. Иброҳимов. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 384 б.
86. Ҳозирги замон журналистикаси. Лойиҳа раҳбари Қ.Т. Ирназаров, тарих фанлари доктори. – Т.: “Алоқачи”, 2008. – 304 б.
87. Худойкулов М. Бадиий публицистика жанрлари. Ўқув қўлланмаси. Т.: ЎзМУ, 2004. – 53 б.
88. Худойкулов М.Х. Журналистика ва публицистика. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2008. – 234 б.
89. Худойкулов М.Х. Оммавий ахборот воситалари типологияси. Т.: ЎзМУ, 2000. – 54 б.
90. Шомий Н. Зафарнома. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 527 б.
91. Эрназаров Т., Акбаров. История печати Туркестана. Т.: Ўқитувчи, 1976.

92. Юлдашева Г.И. Глобализация и политические процессы. Уч. пос. – Т.: ТГИВ, 2006. – 60 с.

3. ДАВРИЙ НАШРЛАР

1. Аль-Дайни М.А. Манипулятивные идеологии: методологические и политологические аспекты проблемы // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 12. Политические науки. 2009. № 2. – С. 110-118.
2. Бердалиев Н. Демократик жамиятда сиёсий кадриятларнинг ўрни // «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари». 2008. № 1. – 56-60 бетлар.
3. Дўстмуҳаммад Х. Ҳуқуқий давлатда оммавий ахборот воситаларининг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги ўрни // Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2-3 феврал, 2004 й. Нашрга тайёрлаганлар: О. Ўсаров, Т. Ботиров, Ш. Ҳайитмуродов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2004. – 37-40 бетлар.
4. Жўраев Н. Ахборот-психологик хавфсизлик: тажриба ва муаммолар // “Жамият ва бошқарув”. 2007. № 1. 16-19 бетлар.
5. Исматиллаева Д. Глобаллашув жараёни ва миллий маънавият // “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар”. 2008. № 3. 13-17 бетлар.
6. Макарьян Д. Интернет как инструмент международной политики // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 18. Социология и политология. 2008. № 4. – С. 171-173.
7. Мунавваров З. “Янги хатарлар ва уларни бартараф этиш масъулияти” // “Имом ал-Бухорий сабоқлари”. 2005. № 2-3. – 83-84 бетлар.
8. Муродова Ш. Киприкдаги дунё // “Тафаккур”. 2008. № 1. – 10-15 бетлар.
9. Мўминов Ф.А. Давлат – миллий идентификлик ҳимоячиси // Миллий идентифик ва оммавий ахборот воситалари (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари мисолида). Илмий мақолалар тўплами. – Т.: «Юрист Медиа маркази», 2009. – 16-19 бетлар.
10. Никонов С.Б. Глобализация информационного пространства – объективная закономерность развития человеческого общества // Вестн. Санкт-Петерб. ун-та. Сер. 9. Филология. Востоковедение. Журналистика. Вып. 2. Ч. 1. Июнь 2007. – С. 151.
11. Пузиков Д.А. Рост исламского фундаментализма: причины и следствия // Вестн. Моск. ун-та. Сер. 18. Социология и политология. 2008. № 3. – С. 3-18.
12. Саифназаров И. Энг улуғ кадрият // Тафаккур. 2007. № 1. 108-110 бетлар.
13. Сафоев С. Марказий Осиёда кечаётган геосиёсий жараёнлар ва минтақанинг хозирги дунё халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни // «Халқаро муносабатлар». 2005. № 3. 5-15 бетлар.
14. Солиева М.Қ. “Ал-Жомий ас-Саҳих” даги мулоқот шакллари. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Маънавий маърифий, илмий-адабий журнал. 2010. №3. – Б. 173-176.
15. Солиева М.Қ. “Ал-Жомий ас-Саҳихда мулоқот маҳорати” // “Жаҳон тараққиёти ва глобаллашув жараёнида инфорамцион хавфсизлик муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (2006 йил, ноябрь). – Т.: ЖИДУ,

2007. – Б. 85-91.

16. Солиева М.Қ. “Бобурнома” ва оммавий коммуникация // “Ўзбекистон матбуоти”, 2002. № 6. – Б. 32-34.
17. Солиева М.Қ. “Тарихи Масъуд” асарида оммавий коммуникация шакллари // “Мозийдан садо”, 2005, № 1. – Б. 30-31.
18. Солиева М.Қ. Амир Темур давлатчилигида коммуникациянинг ўрни ва аҳамияти (“Темур тузуклари” мисолида) // “Мозийдан садо”, 2002, № 3. – Б. 40-43. (ўзбек, инглиз ва рус тилларда).
19. Солиева М.Қ. Марказий Осиё муаллифларининг асарларида муаллифлик ҳуқуқи // Интернетда муаллифлик ҳуқуқи. Олий ўқув юртлар аро илмий мақолалар тўплами. – Т.: MRC-Tashkent. 2006. – Б.
20. Солиева М.Қ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида давлат ва жамиятни бошқариш масалалари // “Жамият ва бошқарув”, 2003. № 4. – Б. 43-46.
21. Солиева М.Қ. Саркардалик санъати // “Ўзбекистон матбуоти”, 2004. № 2. – Б. 28-30.
22. Солиева М.Қ. Ўрта асрларда давлат бошқарувида маъмурий коммуникациянинг ўрни // Журналистика ва адабиёт: кеча ва бугун. Олий ўқув юртлар аро илмий мақолалар тўплами. 1-қисм. – Т.: “Юрист-медиа маркази”, 2008. – Б. 83-87.
23. Солиева М.Қ. Ўрта асрларда коммуникациянинг турлари ва шакллари (ахлоқий, сиёсий, дипломатик, пул муомаласи) // Журналистика ва адабиёт: кеча ва бугун. Халқаро илмий мақолалар тўплами. 2-қисм. – Т.: “Юрист-медиа маркази”, 2008. – Б. 92-95.
24. Солиева М.Қ. Ўрта асрларда миллий менталитет (Абу Райхон Беруний асарлари мисолида) // Миллий идентификатор ва оммавий ахборот воситалари (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари мисолида). Халқаро илмий мақолалар тўплами. – Т.: “Юрист-медиа маркази”, 2008. – Б. 96-100.
25. Солиева М.Қ. “ал-Жомий ас-саҳиҳ”даги мулоқот шакллари. Имом ал-Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 2010.№3. 173-176 б. Топилдиев О. Ёшлар ва Интернет // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. 2008. № 2. – Б. 159-162.
26. Хушвактов З. Ёшларнинг мафкуравий маданиятини шакллантириш // «Жамият ва бошқарув». 2008. № 1.
27. Шамсиева И. Ёш авлод маънавий ривожига интернетнинг таъсири ва ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2007. № 1. – Б. 172-177.
28. Якубов Б. Глобаллашув: давр муаммолари // “Жамият ва бошқарув”. 2007. № 4. 14-16 бетлар.
29. Якубов С. Ахборот жамияти: ҳаёлот эмас, ҳақиқат // «Тафаккур». 2007. № 4. – 10-15 бетлар.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	00
1-боб. ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ХАЛҚЛАР ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲАМДА РИВОЖЛАНИШИДА КОММУНИКАЦИЯНИНГ ТАЪСИРИ.....	00
1. Оммавий коммуникация тушунчаси Г. М. Маклюэн таърифида.....	00
2. Маданий коммуникация.....	00
3. Таълим соҳасидаги коммуникация.....	00
4. Илмий коммуникация.....	00
2-боб. ЖАМИЯТ ВА МИЛЛАТ ШАКЛЛАНИШИДА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	00
1. Маъмурий коммуникация.....	00
2. Ҳуқуқий коммуникация.....	00
3. Ҳарбий коммуникация.....	00
3-боб. КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҲОРАТИ.....	00
1. Коммуникация ташкилотчиларининг хизматлари, улар яратган шароитлар.....	00
2. Коммуникацияни ижро этувчиларнинг аҳамияти.....	00
3. Оммавий ахборот сифатлари.....	00
4. Асарлар жанрлари.....	00
ХУЛОСА.....	00
Фойдаланган адабиётлар.....	00

Салиева М.К.

Марказий Осиё халқлари маданиянинг шаклланишида ижтимоий
коммуникацияларнинг ўрни (IX-XVI асрлар)
Тошкент – “Fan va texnologiya” –2010

Мухаррир Ш.А.Кушербоева

Тех. Мухаррир А.Мойдинов

Мусахҳиҳа Ф.Исмоилова

Компьютерда

саҳифаловчи Н.Ҳасанова

Босишга рухсат этилди 29.11.2010 йил.

Бичими..... “Times Uz” гарнитураси.

Офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи.....

Нашр босма табоғи.....

Тиражи 500 Буюртма №....

“Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi” да чоп этилди.
100003. Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.